

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

Истиқлол йиллари: миллий-диний  
қадриятларнинг халққа қайтиши

*Мустақиллик, Андижон ва  
миллий-диний қадриятлар  
(Андижон, 20 июл)*

(Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига  
бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни)

ТОШКЕНТ-2001


Истиқдол йиллари: миллий-диний  
қадриятларнинг халққа қайтиши

Мустақиллик, Андижон ва миллий-диний қадриятлар  
(Андижон, 20 июл)

Таҳрир ҳайъати: З. Мунавваров  
Н. Жабборов  
Ш. Сирожиiddинов

Техник муҳаррир: С. Смирнов

ПОДР.



© Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001

26601  
Ю 2/495

## СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Андижон ҳақли равишда мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ юдузларидан бири саналмоқда. Бунинг сабаби эса, вилоятнинг мамлакатимиз келажагини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг оддинги сафларида собитқадамлик билан илдамлаётганидир. Ризқу рўзимизнинг асосий манбаи бўлган пахтачилик, галла етиштириш ва пиллачиликда эришилаётган ютуқлар андижонликларни ҳар қанча сарбаланд қилса арзийди. Муҳими, қишлоқ хўжалигининг деярли барча жабҳаларидаги пешқадамликнинг таъсир кучи ва аҳамияти фақатгина вилоят билан чекланиб қолмаётир. Аксинча, Андижонда туғилган янгиликлар кенг қулоқ ёзиб, бутун мамлакат бўйлаб тарқалмоқда, унинг иқтисодий ўсишига асос бўлмоқда, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Жонажон Ўзбекистонимизни автомобилсоз давлатлар сафига олиб кирган мустақиллик мўъжизаларидан бирининг ҳам айнан ана шу саховатли заминда туғилганида катта рамзий маъно бор.

Хўш, бундай улуғвор ишларнинг барчаси шу заминда тасодифан рўй бермоқдами? Асло йўқ. Чунки яйдоқ ерда, маънавий қаттиқ жойда ҳеч нарса унмайди. Бирон арзигулик ҳосил олиш учун замин тайёр бўлиши лозим, маънавий-руҳий муҳит бой бўлмоғи даркор. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз, *«Андижон бир неча минг йиллик тарихга эга, ўзига хос анъаналарга, ноёб деҳқончилик мактабига эга бўлган юрт...Бу ерда туғилиб вояга етган Аббос Бакиров, Сойиб Хўжаев, Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, улкан фан даргалари Тошмуҳаммад Саримсоқов ва Ҳадича Сулаймонова халқимизнинг фахрига айланган»* деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Айримлар, Америка Қўшма Штатларини мақташни хуш кўрадилар. Дарҳақиқат, Америка мақтовларга муносиб

мамлакат, унинг иқтисодию илму фани тараққиёти ҳар қандай ақлни лол қолдиришга қодир. Лекин, ушбу муваффақиятлар узоқ муддатли машаққатли меҳнат натижаси эканлиги ҳақида купинча жиддий ўйлаб кўрмаймиз. Худди шунингдек, Андижоннинг истиқлол йилларидаги зафарлари негизида ҳам асрлар давомида тўпланган ҳикмату тажриба, меҳнату бунёдкорлик ётганини унутмаслик лозим. Мустақиллик эса ана шу улкан салоҳиятни тўла-тўқис рўёбга чиқишига кенг имкониятлар яратиб берди. Бунинг учун Яратганга қанча ҳамду санолар қилсак — оз.

Фикримизнинг нечоғлик асосли эканлигини ўлка ўтмишидан олинган айрим мисолларда кўрайлик. Бобуршоҳни олайлик. Баъзи чаласаводларнинг хатоси туфайли башарият тарихида Буюк Мўғуллар номи билан машҳур бўлган салтанатни барпо этиш билангина эмас, балки умумбашарий аҳамиятга молик бебаҳо тарихий манба — «Бобурнома»дек қомусий асарни яратган аллома, мумтоз шоир, «хатти бобурий» номи ила умуммуслмон тамаддунига алоҳида ҳисса бўлиб қўшилган хаттоглик санъатининг ихтирочиси сифатида тан олинган Мирзо Бобур айнан шу заминнинг ўғлини эканлигидан, қолаверса ўзбек ёзма адабий тилига Бобуршоҳ *«элининг лафзи қалам била росттур»* дея таъкидлаган Анд-жон шеvasи асос бўлганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу — Мустақиллик шарофати билан ўзининг табиий мақомини эгаллаган она тилимиз Андижон муҳитини чуқур туйганини англалади.

Ватанимиз озодлиги, халқимиз ҳурлиги учун жон фидо этган Дукчи Эшон, Сулаймон Келчикбоев, маънавий манқурт бўлмайдик, ўзлигимизни ардоқлайлик дея ўзни қурбон этган Чўлпонлар мазкур маънавий-руҳий муҳитни не-не машаққатлар ила яратганларини бир эслайлик... Зикр этилганлар ва яна ўнлаб андижонликлар, нафақат шу замин, балки умуммиллий қаҳрамонларимиз, хатто, ундан-да юксакроқ — умумбашарий

этирофга сазовор буюк сиймоларнинг ҳам қалб қўри, ақлу заковатининг маҳсули ётибди андижонликларнинг бутунги зафарлари тағзаминида.

Мустақиллигимизнинг ҳаёт-мамот даври бўлган 90-йилларнинг ибтидосига бир назар ташлайлик. Эндигина рўшноликка чиқаётган пайтимизда истиқлолимиз, келажагимиз, қўйингчи, ҳаётимизга чанг солган энг катта хавф айнан Андижоннинг шундоқдина ёнбошидан чиққан эмасмиди? Ўшанда андижонликлар томонидан Ватанга муҳаббат, ўзбек халқи ва унинг Президентига садоқат, қолаверса, умуминсоний қадриятларнинг гултожи одамийлик-инсонпарварликка лиммолим чексиз фидойиликни ўзида мужассам этган оқилона босиқлик ва мардликнинг энг олий намунаси кўрсатилмаганда, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизнинг ҳоли не кечиши ёлғиз Оллоҳга маълум... Ушбу босиқлик, чуқур ҳикмат ва инсоний муҳаббат билан йўғрилган андиша, аслида, чин миллий-диний қадриятларимизнинг бебаҳо намунасидир.

Лекин «гурунч қурмаксиз бўлмаганидек», асрлар давомида поймол этиб келинган ўзлигимизни идрок этиш, диний эътиқодимизни тиклашга чексиз имкониятлар ва ўхшаши бўлмаган шароитлар вужудга келган бир пайтда, қилмиш-қидирмишларини нонкўрлик, Ватан ва халққа хиёнат дейишдан бошқача аташ мумкин бўлмаган кучлар ҳам ғимирлаб қолди. Асрлар оша мўмин-мусулмонларнинг энг улуғ ибодатгоҳи, маънавий тарбия ўчоғи бўлиб келган жомеъ масжиди туб мақсадлари исломий даъватлар билан ниқобланган, аслида халқ бирлигига раҳна солишга интилган ақидапарастларнинг «мактаби»га айлантирилди.

Андижонликлар азал-азалдан эътиқоди бутун ва иймони мустаҳкам халқ бўлиб келган. Бунинг замирида андижонликларнинг Оллоҳ таъолонинг ягоналигию унинг Расули

Муҳаммад алайҳиссаломнинг барҳақлигига бўлган собит ишончи ётади. Бунга зид ҳар қандай интилиш улар томонидан қатъий қораланган. Фалакнинг гардишини қарангки, дину диёнатта шундай кенг йўл очиб берилган бир пайтда, Пайғамбарга иймон келтирмайдиган шаккок Акром Йўлдошев тажрибасиз, гўр ёшларнинг бошу кўзини айлантириб, ўзининг «тузоғ»ига илингиришга уриниб кўрди. Лекин ҳақ билан ботилнинг фарқини чуқур идрок этган халқ дарҳол сохта «пайғамбар»нинг ниқобланган башарасини ёриб, унинг қилмишларини қаттиқ қоралади.

Ёвузлик, афсуски, беиз қолмайди. Юқорида баён эгилган, Андижон ва унинг бағрикенг халқи учун мутлақо ёт кўринишларнинг аччиқ «меваси» ва ваҳшиёна кўриниши нафақат андижонликларни, балки бутун халқимизни ранжитган ва ўрта асрларга хос жаҳолат иси анқиб турган Избоскандаги хунук воқеалар ана шундай қора кучлар қилмишларининг акс садоси сифатида юзага келди.

Бироқ Андижон ва андижонликларнинг обрў-эътиборини бундай нонкўрлар белгиламайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, *«биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсоли»* — Заҳириддин Муҳаммад Бобур гавдаланадиган ушбу ўлка тарихи саҳифасида уларнинг қора доғ бўлиб қолишига одам ачинади. Ҳар бир ёвузликдан эзгулик сабоғини чиқариш лозим деганларидек, Андижон учун мутлақо ғайритабиий бундай ишларнинг олдини олиш ҳаммамиз ва, энг биринчи галда, андижонликларнинг олий бурчидир.

*Проф. Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,  
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси*

Рустамжон ТИЛЛАБОЕВ,  
тарих фанлари доктори,  
Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари

## МИЛЛИЙ ҒУРУР — МИЛЛАТ ВИҶДОНИ

Не бахтки, ўн йилдан буён мустақиллик саодатидан баҳраманда бўлиб, эмин-эркин яшаш имкониятига эгамиз.

Не бахтки, аждодаларнинг асрий орзу-умидлари ушалайиб, аввало Оллоҳнинг иродаси, қолаверса мард ва жасур инсон Ислом Каримовнинг қатъияти туфайли XX аср ниҳоясида ўзбек халқининг бағрига озодлик шабадаси тегди, елкасига офтоб нури тушди.

Не бахтки, ўз тили, дини, маслагини унутаёзган миллатимизнинг бахти барқарор бўлиб, ўзлигини танимоқ, миллий қадриятлари ва урф-одатларини тикламоқ иқболига эришди.

Юртбошимиз етакчилигида ўтган йиллар мобайнида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, турмуш фаровонлигини ошириш, маданий-маърифий ва маънавий бойликларимиздан «бировнинг рухсатисиз», ўз хоҳишимиз билан фойдаланиш имкониятига эга бўлдик. Мустақилликка эришган собиқ шўро республикалари орасида Ўзбекистон бир текис ривожланаётган, иқтисодий салоҳияти барқарор ошиб бораётган, тинчлик ва осойишталик таъминланаётган давлатга айланди. Бу фикрга наинки Ўзбекистонда яшаётган чет эллик шериклар, айти чокда, бизнинг тараққиётимизга танқидий нуқтаи назардан баҳо берадиган хорижлик сиёсатдонлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳам яқдил қўшилмоқдалар, бизнинг келажагимизга ишонч кўзи билан боқиб, инвестициялар олиб кирмоқдалар.

Бу муваффақиятлар бугун жаҳон афкор оmmasига таниш. Бирок, шундай бўлса-да, муҳтарам Юртбошимиз эришилаётган улкан ўзгаришларга камтарона баҳо берадилар ва бир ҳолатни қайта-қайта такрорлашни хуш кўрадилар. «Бизнинг энг катта

тарихий ютуғимиз шундан иборатки, — дейди давлатимиз раҳбари, — энди халқимизнинг дунёқароши, тофаккури анча илгарилаб кетди. Энди одамлар мустақиллик нашидасини юрак-юракдан ҳис қилиб яшамоқдалар, янги, демократик жамият барпо этишга астойдил киришмоқдалар».

Чиндан ҳам истиқлол миллатнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, кишилар энди «Мустақиллик менга нима берди?», деб эмас, аксинча, «Мен мустақиллик заминини мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўшаялман?», деган ғоя билан яшамоқдалар.

Кези келганда озодлик неъматлари хусусида тўхталиш адолат тарозисининг тақозосидир.

Мустақиллик туфайли энг кўп наф кўрган табақа — бу зиёлилардир. Чунки тилимизга давлат тили мақоми берилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини топди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси саҳнида байроғимиз қилпирамоқда, ўз гербимиз, мадҳиямизга эга бўлдик.

Бу масаланинг расмий жиҳатлари. Энг катта неъматлардан яна бири — Ўзбекистон халқининг том маънодаги виждон эркинлигига эга бўлганлиги, ҳар бир фуқарога ўзи танлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик имкониятининг яратилганидир.

Хўш, биз «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун асосида қандай афзалликларга эришдик?

Энг аввало, муқаддас Қуръони карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳадисларини эмин-эркин ўқиб ўрганиш шарафига муяссар бўлдик. Бу шундай катта саодатки, мўмин-мусулмонларимиз бундай кунларга етказганлиги учун Оллоҳга ва Президентимизга беадаб шукроналар айтмоқдалар.

Айни пайтда илгари номини ҳам тилга олишга ҳадик қиладиган ислом олимларининг бой илмий меросини ўрганишга йўл очилди. Ислам оламининг порлоқ юдузлари Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абу Мансур ал-Мотуридий каби алломаларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти халқимизнинг маънавий мулкига айланиб бормоқда.

Учинчидан, тасаввуф илмининг билимдонлари ва пешволари,



азиз-авлиёларнинг тариқатлари ойдинлашди. Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф ар-Ревгарий, Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Ромитоний, Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Валий каби юзлаб пирларимиз таълимоти элга ошкор бўлди. Бугун мўмин-мусулмонлар дунёда Яссавия, Нақшбандия, Кубровия, Қодирия, Жунайдия каби машҳур тариқатларни катта қизиқиш билан урганмоқдалар.

Тўртинчидан, биз буюк давлатчилигимиз асосларини яратган боболаримизнинг оламшумул мўъжизаларига боқмоқдамиз. Соҳибқирон Амир Темур, Бобур Мирзо салтанатлари, Жалолуддин Мангуберди, Темур Малик, Мирзо Улуғбек, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон каби саркардаларнинг ҳаёти ва фаолияти билан ҳақли равишда фахрланмоқдамиз.

Мамлакатимизда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ташкил этилганлиги, Ўзбекистон Президенти томонидан «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» алоҳида Фармон қабул қилинганлиги ва ушбу тарихий ҳужжатда халқаро жамғарманинг асосий вазифалари белгилаб берилганлиги ҳам, шубҳасиз, мустақиллигимиз шарофатидандир. Тан олиб айтиш жоизки, ўтган қисқа давр мобайнида мазкур нодавлат ташкилот томонидан халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, уларда миллий ғурур, аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига садоқатни мустаҳкамлаш ва Имом ал-Бухорий ҳамда бошқа улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий меросидан самарали фойдаланиш борасида сезиларли ишлар қилинди. Жамғарма томонидан чиқарилаётган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали тез орада ўз йўналиши ва ўқувчиларини топиб олдики, бутунги кунда бу нашр Андижонда ҳам оммалашиб бормоқда.

Аҳолининг маънавий-маърифий онгини ўстириш, дунёқарашини шакллантириш борасида вилоятимизда муайян ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу борада асосий эътибор ёшлар тарбиясига қаратилмоқда. Мавжуд олий ўқув юрти, ўрта махсус касб-ҳунар ва халқ таълими тизимларида йигит-қизларимизга ўзбек халқининг бой миллий қадриятлари, улуғ

мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти чуқур ўргатилмоқда. Андижон давлат университетига Шарқ фалсафаси, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг қарашлари, тасаввуф олимларининг илмий ва бадий меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференциялар, илмий анжуманлар уюштирилмоқда. Ҳар йили навойихонлик, бобурхонлик ва чўлпонхонлик кунлари катта тантана билан ўтказилмоқда. Чўлпон номидаги истироҳат боғи ва музейи, Бобур номи кутубхона, ўлкани ўрганиш мозийгоҳи ана шундай тадбирлар кўлаб ташкил этиладиган масканлардир.

Вилоятимизда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оғишмай амал қилинмоқда. Муборак Ийди Рамазон ва Қурбон ҳайитларида мўмин-мусулмонлар ўзларининг диний ибодатларини эмин-эркин бажо этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Вилоятимизда рўйхатдан ўтган 178 масжидда исломий маълумотли, етук уламолар фаолият кўрсатмоқдалар. Шуниси эътиборга моликки, ҳар йили ҳамюртларимиздан 550 киши Президентимиз илтифотларидан фойдаланиб, муборак Ҳаж амалларини адо этиб қайтмоқдалар ва бундай қулай имконият ва ғамхўрликлар учун давлатимиз раҳбарига чин дилдан миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Албатта, ўтган ўн йил мобайнида халқимизнинг ҳаёт тарзи, яшаш шароити, тафаккури кескин ўзгарди. Улар яхшилик билан ёмонлик, оқиллик билан жоҳиллик, тараққиёт ва мустабидлик тушунчаларининг мағзини чақиб, оқ ва қорани ажратиб оддилар. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидай, жамиятимиз равнақига ҳасад назари билан боқувчи, ўз қалби ва маслагини ислоҳ этишга ожизлик қилувчи кимсалар ҳам борки, улар бизни жиддий ташвишга солади. Айрим ёшларимиз ислом дини ғоялари ва талабларини яхши англаб етмаганлиги, ҳаётий тажрибасизлиги боис йўлдан чалғиб, боши берк кўчаларга кириб қолмоқдалар. Улар «ваҳҳобийлик» ва «ҳизб-ут-таҳрир», деб аталмиш бетайин маслакларга учиб, онгини, шу билан биргаликда, ҳаёти ва келажагини ҳам заҳарлаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Мен бир нарсага ҳайрон қоламан. Энг оғир қаҳатчилик ва қатағон йилларида ҳам, фашизм зулми не-не мамлакатлар кулини

кўкка совурганида ҳам халқимиздан хоинлар, сотқинлар, ватанфурушлар чиқмаган. Таассуфки, арзимаган пул, саробий ваъдалар бугунги кунда баъзи ёшларимизнинг хаёлини ўғирлаб, фикрини чалғитмоқда. Улар ота-она, маҳалла-кўй, Она юрт, азиз Ватан тушунчаларини унутиб, осмонга қараб тупурмоқдалар. Буларнинг барчаси адашганлар қалбида имоннинг сустлиги, тафаккурида маърифатнинг етишмаслиги оқибатидир.

Биз ана шундай кимсаларга юртининг бир чимдим тупроғини ёвга бермаган аждодимиз Ўғизхонлар жасоратини уқтиришимиз керак.

Ўз жонини тикиб, душманни сувсиз чўл ичкарисига етаклаган ва ёв лашкари билан бирга ўзи ҳам ҳалок бўлган Широқ жасоратини ёдига солмоғимиз лозим.

Ватан тупроғини ор-номус ўрнида кўрган Жалолуддин Мангуберди, Темур Малик, Инолчик, Маҳмуд Торобийлар авлоди эканлигимизни наҳотки ўша фарзандларимиз ёдларидан чиқарган бўлсалар? Ҳеч бўлмаса, Мирзо Бобур ҳаёти мағзини чақиб кўрайлик. У ва унинг авлодлари Ҳиндистонда қудратли салтанатни вужудга келтирдилар-у, гарчи Мовароуннаҳр бошига оғир кулфат тушганда ҳам тарихда қора доғ бўлмаслик учун азбаройи номус кучидан ўз юртига қилич ялонғочлаб келишга журъат этмадилар.

Андижонликлар ана шундай номусли, ориятли дилбар шахс авлоди эканликларини асло ёддан чиқармасликлари лозим.

Ўзбек халқи мустақилликка осонликча етгани йўқ. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, озодликни қўлга киритишдан кўра уни мустаҳкамлигини таъминлаш, кўз қорачиғидай асраш – ўн чандон оғир ва машаққатлидир. Аммо озодлик деган тотли ҳолат таъмини бир марта татиб кўрган озод юртнинг озод фуқароси ҳеч қачон ўзини тутқунликка рўбарў қилмайди, аксинча, эрк ва ҳуррият завқ-шавқини эҳтиёт қилади.

Аминмизки, миллий қадриятларимиздан маънавий куч-қудрат олиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеини тиклаб олган, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни изчил рўёбга чиқараётган халқимиз, шубҳасиз, буюк келажак пойдеворини барпо этиб, озод ва обод Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига эришади.

Ҳабибуллоҳ Ҳожи БЎТАБОЕВ,  
Саййид Муҳйиддин Махдум номидаги  
ислом ўрта махсус билим юрти мудури

## УЛУҒ АЛЛОМАЛАР ВА АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЮРТИ

### Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Алҳамду лиллаҳи вассалоту вассалому ала Расулиллоҳ.

Оллоҳ таоло Қуръони каримдаги «Зуҳо» сурасида «аммо Парвардигорингиз берган неъматини гапиринг (яъни, халққа етказинг)», «Такосур» сурасида эса «сўнгра қиёмат кунига барча неъматлардан сўраласизлар», деб марҳамат қилади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборак ҳадиси шарифда мазкур оят мазмунига мос келувчи «инсонларга шукур қилмаган (улардан миннатдор бўлмаган) одам Худого шукур қила олмайди», деб марҳамат қиладилар.

1991 йил 31 август. Бу кун Ўзбекистон халқи учун интизорлик билан кутилган унутилмас кундир. Узоқ йилларнинг соғинчларию орзу-умидлари рўёбга чиққан ушбу кунда юрт бўйлаб кезаётган истиқлол шаббодаси барчани келажакка, улкан мақсадлар сари интилишга сурур ва кайфият бахш этга бошлади.

Қулар, ойлар ўтиб, ушбу шодиёна кун қар йили юртимизга кириб келар экан, юртимиз тараққиётини ва эришилган ютуқларни ўтган саналарнинг кунларига жойлаш ҳар бир фуқарога мушкул кўринади. Чунки мустақилликка эришганимиздан буён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, юртимиз ҳаётида асрга татиғулик улкан тараққиёт ва ютуқларга эришилди. Жонажон Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамияти томошидан мустақил давлат сифатида тан олинди. Унинг халқаро миқёсдаги ва Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги нуфузи кун сайин ортиб бормоқда.

Албатта, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ушбу мисли кўрилмаган ютуқларнинг элим деб, юртим деб ёниб яшаб, халқ хизматида тиним билмаган муҳтарам Юртбошимиз Ислам Абдуганиевич Каримов номи билан боғлиқлигини қалбани ҳис

қилади.

Истиқдол неъматни туфайли муқаддас динимизга ҳам кенг йўл очилди. Ушбу неъматлар самараси ўлароқ, ҳозирда юрғимизда 10 та ислом ўрта махсус билим юрталари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу зиё масканларида халқимизнинг 2500 дан зиёд фарзандлари диний ва дунёвий билимларга эга бўлмоқдалар. Биргина пойтахт шаҳримизда «Имом ал-Бухорий» номидаги Ислам институти ва Тошкент Ислам университети фаолият кўрсатмоқда.

Одатда қор тоғларга ёғиб, бу раҳмати илоҳий ирмоқлар орқали водийларга оқиб, ҳаёг бахш этиб, водийлар тоғлардан кура кўпроқ манфаат топар экан. Муқаддас динимиз Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мушавварага ёққан раҳмати илоҳий бўлганидек, буюк Ватанимиз бу раҳмати илоҳийнинг ҳақиқий водийси ва уммони бўлиб танилди.

Тарихга назар ташласак, фикримизнинг беҳисоб далили исботларини топиш мумкин. Муқаддас китобимиз Қуръони каримнинг биринчи муфассирлари ҳам юртдошларимиздан Имом аз-Замахшарий бўлган. Ислам оламида Қуръони каримдан кейинги ўринда турадиган «Саҳийҳи Бухорий» тўпламини тузган, «муҳаддислар султони» унвонига сазовор бўлган зот Имом ал-Бухорий ҳам Ўзбекистон деган муқаддас замида туғилиб ўстан.

Ҳозирда ислом дорилфунунларида катта эътибор билан ўқитилаётган фикҳга (ислом ҳуқуқшунослиги) оид мўътабар аҳкомлар тўплами «Ҳидоя» асарининг муаллифи Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳам Оллоҳ назари тушган юртимизнинг ўғлонидир.

Бугун дунёда ислом ақидасининг буюк устози саналган, ҳақиқий, соф ислом ақидасини талқин қилган Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам шу юртда камол топган улуғ бобокалошларимиздан биридир.

«Дил ба ёр, даст ба қор» тиорига бир умр содиқ қолган Баҳоуддин Нақшбанд тариқатда «Нақшбандия» таълимотига асос солиб, тасаввуф осмонидан порлоқ қуёш бўлиб жой олган.

Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Наср ал-Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби кўплаб алломаларни дунёга етиштириб берган Ватанимиз чархифалакнинг кажрафтори ила бир неча йиллар бошидан оқир кунларни кечирди. Шўро истилоси даврида халқимиз қалбидан

жонажон тарихини суғуриб олмоқчи булдилар. Муқаддас китобларимизни ёқиб, зиёраттоҳларимизни бузиб, даҳрийлик таълимоти остида айрим алломаларимизни ва мустақиллик куйчилари бўлган кўплаб шоирларимизни «хойн», «халқ душмани» деб танитиш ила халқимизни жаҳолат қаърига улоқтирмоқчи бўдилар. Худога беадад шукурлар бўлсинким, халқимизнинг метин иродаси озодликка, мустақилликка бўлган жиддий интилиши туфайли улар бундай манфур ниятларига ета олмадилар.

Ҳақиқат қарор топди. 1991 йил 1 септябр куни Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб мустақил давлат деб эълон қилинди. Истиқлол неъматига зору интизор бўлган халқимизнинг азалий орзуси ушадди. Бу кун юртимиз тарихидаги энг унутилмас, шодиёна кун бўлди.

Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, динимиз тикланди. Ўзбек тилининг давлат тили мақомида амал қилиши учун кенг имкониятлар яратилди. Динимизнинг муқаддас байрамлари ҳисобланган Ийди Рамазон, Ийди Қурбон дам олиш кунлари деб эълон қилиниб, ушбу муборак кунлар катта тантаналар билан нишонлаб келинмоқда.

Буюк келажагимизга катта омил бўладиган улуғ алломаларимизнинг китоблари, рисоалари нашр қилиниб, халқимизнинг маънавияти ва маърифати баркамол бўлиши учун самарали хизмат қилиб келмоқда.

Мустабид тузум даврида халқимизнинг ушалмай қолган орзуларидан ҳисобланган динимизнинг бешинчи фарзи бўлган муқаддас Ҳаж сафарига кенг йўл очилди. Ҳар йили минглаб ватандошларимиз муборак масканга зиёратта бориб, юртимиз, мустақиллигимиз, Президентимиз ҳақларига дуолар қилиб келмоқдалар. Шўролар даврида халқимиздан беркитилган улуғ алломаларимизнинг сиймолари қайта тикланди. Ўтган барча буюк ватандошларимиз тарихнинг зарҳал саҳифаларидан ўзларига муносиб жой олдилар.

*«Тарихини билмаган юртининг келажати бўлмайди»*, деган ғояга мувофиқ Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан вилоятларимизда улуғ аждодларимизнинг зиёраттоҳлари барпо

этилди. Осори-атиқалар, илмий, адабий, диний меросларимиз тикланди.

«*Меъалии гарахтига тош отилади*» деганларидек, мустақиллигимизни, халқаро миқёсда кундан-кун нуфузи ошиб бораётган Ватанимизни, ютуқларимизни кўра олмаган айрим понкўр, хоин бандалар 1999 йил 16 феврал куни юртимиз ҳаётини издан чиқариб, тинчлигини бузишга уришиб кўрдилар. Дин ниқобига беркинган, аслида динимизга ёт бўлган бундай кимсалар ўзларининг манфур пиятли ҳомийларига халқимизни қарам қилиб бериш мақсадида мислсиз хунрезликлар қилдилар. Худога беадад шуқурлар бўлсинким, улар бу жирканч мақсадларига ета олмадилар ва, иншоолоҳ, ҳеч қачон ета олмайдилар.

Тарихдан маълумки, улуғларнинг ўтитларига суянган, уларнинг руҳларини шод этган подшоҳни, халқни ҳеч ким, ҳеч қандай куч енга олмаган. Илоҳим, юртимиз узра эсиб халқимизга ҳузур бахш этаётган ва уни бунёдкорликка ундаётган мустақилликнинг муаттар насими Яратганнинг инояти билан бардавом бўлсин!

Мана шу мустақиллик самараси ўлароқ, 1992 йил Андижон шаҳрининг Жалабек даҳасида «Саййид Муҳйиддин Маҳдум» ислом ўрта махсус билим юрти ташкил қилинган эди. Ушбу билим юртида республикамизнинг барча вилоятларидан юртимиз фарзандлари келиб, шариатимизнинг тўғри йўли ҳисобланган аҳли сунна вал жамоанинг ҳанафий мазҳаби таълимотини олиб, имом-хатиб ва исломшунос ихтисосига эга бўлмоқдалар. Билим юртимизни тамомлаб, шаҳодатномага эга бўлган юзлаб диний мутахассислар республикамизнинг кўплаб вилоятларида халққа манзур бўлиб, эътиборга молик хизматлар қилиб келмоқдалар. Мустақиллик шарофати ила билим юрти йилдан-йилга раванқ топмоқда.

«Инсонларга шуқур қилмаган (улардан миннатдор бўлмаган) одам Худога шуқур қила олмабди» деган ҳадис моҳиятини чуқур ҳис қилган билим юрти мударрислар ҳайъатининг олий мақсади — тинчликсеварлик, инсонпарварлик, меҳру муҳаббат, ҳақиқий дўстлик ғояларини ўз ичига олган динимизнинг асл моҳиятини халққа тушунтириб бера оладиган, халқига меҳрибон, ота-онасига мушфиқ, юрти ва Президентиға содиқ, мард ўғлонларни етказиб беришдан иборатдир.

Ушбу кунларда салмоқли ютуқларни, тараққиётларни, дўстлик,

тинчлик нашидасини ўз солномасига жо қилиб, мустақиллигимизнинг 10 йиллиги юртимиз эшигини қоқиб турибди. Юртимиз буюк келажакка қадам қўяр экан, буюк аجدодларимизнинг табаррук сиймолари, руҳлари доимо ёр бўлсин! Илоҳим, жонажон Ватанимизнинг буюк ўтмишига таяшган ҳолда «*Ўзбекистон—келажаги буюк давлат*» деб юртимиз фаровонлигини, тинчлигини уйлаб, тиним билмай хизмат қилаётган муҳтарам юртбошимизни Яраттанинг ўзи паноҳида асрасин! Давлатимизни жумлаи жаҳондаги етакчи мамлакатлар қаторига қўшиш, балки улардан-да юқорироқ, бугун дунё халқлари ҳавас қиладиган юртга айлантириш йўлида тавфиқу улкан зафарлар бергин, зероки сен «*Оллоҳ қалбига, дилида*» бўлган инсонларга зафар бергувчи буюк зотсан!

«Саййид Муҳйиддин Маҳдум» Ислом ўрға махсус билим юрти маъмурияти ва мударрислар ҳайъати халқимизга тинчлик, тотувлик ва истиқлолнинг 10 йиллик шодиёнасини улкан зафарлар, чексиз хурсандчиликлар билан кутиб олишни тилаб қоладилар.

*Собиржон ШОКАРИМОВ,  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Андижон шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси*

*Муроджон ИСМОНОВ,  
тарих фанлари номзоди,  
Чуст педагогика билим юрти*

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ УЧ БУЮК ФАРЗАНДИ

Мана ўн йилдирки, мустақилликка эришиб, эркин нафас олиб яшамоқдамиз. Ўз йўлимизни ўзимиз белгилаб, тараққиётнинг ойдин, равон йўлига чиқиб бормоқдамиз. Ўзлимизни билиб, унитилаётган қадриятларимизга эга бўлиб бормоқдамиз. Ўн йил



ичида буюк алломаларимизни яна қайта кашф этдик, улар қолдирган мерос кошонасига тобора кириб бормоқдамиз, уқиб олмақдамиз, ҳаётларини ўрганмоқдамиз. Қалбимиз покланиб, иймонимиз бут бўлиб, маънавиятимиз бойиб бормоқда.

Шу нуқтага назардан қараганда, Президентимиз Ислоҳ Каримов: "Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона одоб ва ахлоқ тимсолидир", - деб айтган сўзлари ғоят катта аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Фарғона водийсида ажойиб инсонлар дунёга келдилар, яшадилар ва ўзларидан улкан мерос қолдириб кетдилар. Умар Шайх, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳдуми Аъзам, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийлар ана шундай инсонлар сирасидандир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Маҳдуми Аъзам ҳақида шундай ёзади: "Хожа Мавлоно Қозиким, султон Аҳмад Қозининг уғли ва Шайх Бурҳониддин Қиличнинг наслидур, она тарафидан Султон Илик Мозийга етар, анинг хонаводалари ул вилоятга марже ва шайхулислом йўсунолуқ бўла келгандур"... ("Бобурнома", 17-бет).

Маҳдуми Аъзам номи билан машҳур булган Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин хожагий Косоний ўз даврида хожагон тариқатининг кўзга кўринган йирик вакилларида бири, тасаввуф илмининг машҳур олими, маърифатпарвари бўлган. Бобур Мирзо туғилган пайтда Маҳдуми Аъзам куч ва билимга тўлган навқирон ёшда эди. Ҳеч шубҳа йўқки, у Умар Шайх Мирзо назарида-эътиборида бўлган. Ёш Бобур Мирзонинг Маҳдуми Аъзамга нисбатан эътиқоди юксак, ҳурмати баланд бўлган. Бобур Мирзо нақшбандийликка, нақшбандийликнинг хожагонлик сулукига, унинг ўша пайтдаги раҳнамоси Маҳдуми Аъзам Косонийга астойдил ихлос қўяди. Маҳдуми Аъзамнинг шогирди Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга бағишланган биздаги "Маноқиб"да Маҳдуми Аъзамнинг Умар Шайх хизматида бўлганлиги, унинг Аҳсиқендда Хожа Аҳрор билан бўлган самимий муносабат ва фаолияти акс эттирилган. Хожа Аҳрор вафотидан кейин Маҳдуми Аъзам то Шайбонийлар ҳукмронлигига қадар Фарғона мулкида хожагонликка раҳнамолик қилганлиги "Маноқиб"да атрофлича ҳикоя қилинган.

Мазкур асар "Маноқибни мақомоти ҳазрат" деб номланади.

Унинг "Чуст" ва "Чодак" усуллари маълум. Асар Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг шогирди Убайдуллоҳ Самарқандий томонидан ёзилган ноёб тарихий манбадир. "Маноқиб"нинг асл номи "Сирож ас-соликийн ва латоиф ал-орифийн" бўлиб, бу қимматли манба ўзбек олимлари томонидан ҳали жиддий ўрганилгани йўқ.

Асарда ёзилишича, Маҳдуми Аъзам Бобурдан шеъринг нома олган экан ва уни умрининг охиригача авайлаб сақлаб, сўнг ўз фарзандидек азиз шогирди Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга топширган, натижада у бизгача етиб келган.

Маҳдуми Аъзам ва Бобур Мирзонинг дўстона муносабатлари узоқ давом этади. Маҳдуми Аъзам Бобуршоҳ ҳақида "Рисолайи Бобурийа" асарини ёзган.

Маҳдуми Аъзам Мавлоно Лутфуллоҳга алоҳида бир меҳр-муҳаббат ва эътибор билан қараган. Мавлоно Лутфуллоҳ Маҳдуми Аъзамга нафақат шогирд, балки фарзанддек бўлиб қолади. Мавлоно Лутфуллоҳ Фарғонадаги Қози Маҳмуд Чодакийнинг қизига уйланади. Кейинчалик Мавлоно Лутфуллоҳ ўз устози Маҳдуми Аъзамнинг ўгли Хўжа Исҳоқ Валийни шогирд қилиб олади ва унга кичик қизи Биби Ҳикояни никоҳлаб беради.

Маълумки, Мавлоно Лутфуллоҳ дастлаб Чодакдан Зобиргон (Чуст туманидаги ҳозирги Заутканд) қишлоғига келиб, деҳқончилик қилади. Маълум муддат яшагач, Карниён (Карнон)га келиб, ўн йил истиқомат қилади. Янги ариқ қаздириб, Фовасойдан Карнон ерларига сув олиб келади, халқ орасида катта обрў қозонади.

"Маноқиб"да ёзилишича, ўша пайтда Чустада хожагонликнинг маънавий муҳолифлари – жаҳрия-кубровия оқими вакиллари бўлмиш шайх Саъдуллоҳ Исмоилхон ҳамда Қосим шайхларнинг таъсири кучли бўлган. Мавлоно Лутфуллоҳ ўн йил Карнонда яшаб, Чустадаги жаҳрия сулуғи намояндалари билан мунозаралар олиб борган. Халқ охир-оқибат Мавлоно Лутфуллоҳ йўли тўғрилигини тушуниб етган ва уни пир сифатида тан олган.

"Маноқиб"да ёзилишича, Мавлоно Лутфуллоҳ кейинчалик ўз муридлари билан Ахсикент Жомеъ масжидида, шаҳар бозори яқинидаги ҳовлисида яшаган. Маҳдуми Аъзам ва Мавлоно Лутфуллоҳларнинг Бобур ва, умуман, темурийларга ихлослари

ғоят юксак бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Умар Шайх Мирзо мустақкам кўрғон қуриб, Чустни ўз қароргоҳига айлантирган бўлса, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустсой ва Қорасув сойларини қаздириб, Фовасойдан шаҳарга сув келтирган. Шаҳардаги ҳозирги истироҳат боғини барпо эттирган, булоқлар кўзини очдириб, сўлим зиёратгоҳ гушага айлантирган.

Мавлоно Лутфуллоҳ устози Маҳдуми Аъзам оламдан ўтгач (1542 йил) Самарқандга бориб, хожагонлар тариқатига шакчилик қилади. Маҳдуми Аъзамнинг ўғли, Мавлоно Лутфуллоҳнинг куёви Хўжа Исҳоқ Валий Ҳиндистон сафарида бўлиб, бобурийларнинг хожагонлар билан алоқаларини давом эттиради.

Хўжа Исҳоқ Валийнинг волидаи муҳтарамаси Бибича ойим қашқарлик эди. Шу сабаб Хўжа Исҳоқ Валий кейинчалик она юрти Қашқарда яшади. Унинг обрўйи Мовароуннаҳр ва Қашқарда кучли эди. Хўжа Исҳоқ Қашқар хони Муҳаммадхоннинг (1591-1609) яқин маслаҳатчиси ва дин пешвосига айланган эди. У Қашқар хонлари тўқнашувларининг олдини олишда, ўзаро аҳилликда иш тутишлари учун кўп хизмат қилади. Кейинчалик унинг ўғли, Мавлоно Лутфуллоҳнинг набираси Шодихўжа ҳам отаси ишини давом эттиради. Унинг Қашқар хони Рашидхоннинг авлодлари Қиличхон ва Пўлатхонлар ўртасида 1630-1631 йилларда юз берган қонли тўқнашувларни тўхтатгани тарихдан маълум. Шодихўжа Қашқар хони Абдуллахон (1601-1668 йиллар) даврида ҳам давлат ишларида етакчилик қилган. Абдуллахон ўз қариндошлари билан юз берган қонли тўқнашувлар оқибатида келиб чиққан қалтис вазият туфайли Қашқардан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Хожа Шодихўжа Абдуллахонни Ҳиндистонга-Аврангзеб (1657-1707) ҳузурига бошлайди. Аврангзеб Оламгир Шодихўжа туфайли уни катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олади. Шодихўжа ва Абдуллахонга Кашмир ва Лоҳурда, умуман, Ҳиндистонда катта мурувват кўрсатилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Бобур Мирзо, Маҳдуми Аъзам, Мавлоно Лутфуллоҳларнинг биродарлик алоқаларини уларнинг авлодлари давом эттирганлар. Улар Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон халқларининг ўзаро дўстона муносабатларини янада яхшилашга интилганлар. Натижада Бобур давридан бошлаб

Мовароуннаҳр ва ҳиндистонликлар ўртасида борди-келди алоқалари мавжуд бўлган.

Бугунги кунда оддийгина ва сўлим маскан бўлмиш Чуст шаҳрининг узоқ ўтмиши ўз бағрида табаррук ва комил инсонлар - Бобур, Махдуми Аъзам ва Мавлоно Лутфуллоҳдек зотларнинг ибратли ҳаёти, биродарлик муносабатларини сақлаб келаётгани қувончли ҳодир. Ваганимиз мустақиллиги эса мазкур яширин ва ҳайратомуз ўтмишимизни қайта кашф этишга тўла имкониятлар бераётганлигидан фақат шукроналар айтиш жоиз.

*Неъмат ЖАББОРОВ,  
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси*

## БОБУР ВА ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛИГИ

Истиқлол йилларида миллий-диний қадриятларимизнинг халққа қайтиши хусусида сўз борар экан, бу савобли иш республикамизга Ислом Каримов биринчи раҳбар бўлиб келган кундан эътиборан аниқ режа асосида амалга оширилаётганини, бунда Андижон вилоятининг, айшиқса, шу заминда туғилиб ўсган Бобур Мирзонинг беқиёс ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

1990 йилда «Бобурнома»нинг 460 йиллигига бағишланган «Бобурнома» ва «Шарқ ренессанси» мавзусида халқаро илмий-назарий анжуман бўлиб ўтган эди. Унда С.Азимжонова, А. Қаюмов, Р.Муқминова, А. Ўрунбоев, Ф. Сулаймонова, Р. Иномхўжаев, Н. Ҳабибуллаев, М.Холбеков, С. Жамолов, М. Салоҳиддинов, И.Искандаров, Э.Юсуфов каби таниқли ўзбек олимлари билан бир қаторда тожикистонлик А. Турсунов, А. Мухторов, қозоғистонлик Р.Қожабеков, афғонистонлик Муҳаммад Али, Ш. Ёрқин, москвалик ва ленинградлик олимлар иштирок этган эдилар. Анжуманга покистонлик (Покистоннинг Москвадаги элчихонасида маслаҳатчи бўлиб ишлаган Раъно) ва

олмониялик ватандошимиз Темурхўжа («Озодлик» радиосининг ўзбек шўъбаси директори, Файзулла Хўжаевнинг жияни) ҳам ташриф буюришган эди. Эртаси куни меҳмонлар тонгда махсус рейс билан Пиримқул Қодиров раҳбарлигида Андижонга учиб кетишди. Ўшанда Андижонда Бобур Мирзо боғига асос солинган эди.

Тошкентга қайтган меҳмонларнинг чехраларидан нур ёғилиб турар, қувончлари ичларига сиғмас, сафар таассуротлари ҳақида ўртоқлашишга ошиқаётганликлари юзларидан кўриниб турар эди. Улар андижонликларнинг меҳмондўст халқ эканлигини, Андижонда тайёрланган ош-палову мева-чеваларнинг мазаси оғизларида қолганлигини то юртларига қайтиб кетгунча завқ-шавқ билан такрор-такрор ҳикоя қилар, келгуси йил, яна, албатта, Андижонга ташриф буюриш ниятида эканликларини зўр мамнуният ила айтар эдилар. Ўшанда меҳмонлар билан бўлган суҳбатлар гоҳ-гоҳида Бобур Мирзо Афғонистонда ташкил этган боғ ва ҳазрат Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги харобага айланган мақбараси таъмирга муҳтож эканлигига бориб тақалар эди. Яратганга шукурлар бўлсинки, Юртбошимизнинг шижоати ва саъй-ҳаракатлари билан Тошкентда Алишер Навоий Миллий боғига асос солинди.

Хорижда ва республикамизда олиб борилган тадқиқотларда Бобуршоҳнинг беназир шоир ва иқтидорли тарихчи олим бўлганлиги атрофлича ёритилган. Бироқ, унинг тасаввуф ва фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) борасида ҳам етук олим бўлганлиги деярли ўрганилмаган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу борадаги тадқиқотларга истиқлол яратиб берган имконият туфайли қўл урилди. Бобур Мирзо таржима қилган Хожа Аҳрор Валийнинг «Рисолаи волидия» асари нашр этилди. Нақшбандия тариқатининг забардаст пирларидан бири Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий-Косонийнинг (866/1461-949/1542) таржимаи ҳоли, фаолияти ва мероси билан шуғулланиш жараёнида Бобуршоҳнинг маънавий баркамол инсон бўлиб егишишида Ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг салмоқли ўрни ва пирлик ҳиссаси борлигига тула ишонч ҳосил қилдик<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, ўша кезларда Яратганининг инояти ва пирларининг шарофати билан Маҳдуми Аъзам нафақат Мовароуннаҳру

Марказий Осиё, балки Мочину Ҳинддек улкан ҳудудда тенгги йўқ пир даражасига эришган буюк зот ҳисобланган. Бунга ҳатто Маҳдуми Аъзамни тарбиялаган пири Мавлоно Муҳаммад Қозии ҳам ҳам эътироф этган: *«Бугунги кунда рубъи маскунда (Еришиг одамлар яшайдиган қисмида) Мавлоно Хожагий Аҳмад каби киши йўқдур. Аммо, у пиру муридлик одобиши сақлаб, бизнинг ҳузуримизни тарк этмаяпти»*. Шу боис тарихий манбаларда Маҳдуми Аъзамнинг номи *«шоҳбози паландпарвоз»* – *«баландпарвоз лочин»*, *«пири шастии»* – *«олтмиш муридни тарбиялаб, камолот чўққисига етказган пир»* каби унвонлар билан ёнма-ён қайд этилган.

Маҳдуми Аъзам Косоний раҳнамолигида камолга етган Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Хожа Дўстмуҳаммад, Хожа Баҳовуддин ибн Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, Мирак Қутбиддин Аҳмад ибн ҳазрат Мавлоно Қозии Муҳаммад каби ўилаб мутасаввиф шайхлардан ташқари теурий шаҳзода Заҳируддин Муҳаммад Бобур, шайбоний ҳукмдорлардан Жонибек Султон, Абдулазизхон, Убайдуллоҳхон сингари давлат арбоблари ҳам бўлган.

Дарҳақиқат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ҳазрат Маҳдуми Аъзам Косонийни ўзининг руҳий пири деб билган. Шу сабабли Ийди Рамазон ва Қурбон ҳайитларида уни йўқлаб, совға-саломлар юбориб турган. Муҳаммад Содиқ Қашқарийнинг *«Азизлар тазкираси»* – *«Тазкирани азизон»* асарида Бобуршоҳнинг ўз пирига нақадар катта ихлос қўйганидан далолат берувчи мактуб ва шеърини совғалар билан биргаликда содиқ аъёнлари орқали Маҳдуми Аъзамга юборганлиги кўрсатилиб, бир тасаввуфий рубоий келтирилган<sup>2</sup>. Бобур Мирзо Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг *«Рисолаи волидия»* асарини ўзбек тилига ўтириб бўлгач, унга ўзининг рубоийларини ҳам қўшиб Маҳдуми Аъзамга юборган. Кейинчалик Маҳдуми Аъзам бунга жавобан алоҳида *«Бобурга бағишланган рисола»* – *«Рисолаи Бобурия»* номли асар ҳам ёзган.

«Бобурга бағишланган рисола»нинг илк тавсифи Шарқ қўлёмалари тўпламининг III жилдига киритилган (№2561 ва №2562 тартиб рақамли тавсифлар), қисқача мазмуни эса устоз Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг *«Тасаввуф ва инсон»*

китобида баён этилган<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Шарқшунослик институтининг қўлэмалар хазинагоҳида мазкур асарнинг 11 та қўлэзма нусхаси сақланади<sup>4</sup>. Қўлэмаларни бирма-бир варақлар эканмиз асарда зикри жаҳрия ва зикри хуфиянинг фазилатларини баён эгишга ҳамда уларнинг келиб чиқиш тарихини ёритишга алоҳида эътибор берилганлигига иқрор бўламиз. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Чунки XIV-XV асрга келиб, айниқса, Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) даврида нақшбандия вакиллари аҳолининг кўпчилигини ташкил қилишдан ташқари, муайян молиявий манбаларни, ҳатто сиёсий ҳокимиятни ҳам қўлга олган эдилар. Шу боис нақшбандийлар орасидаги айрим жаҳолатпарастлар бошқа, айниқса, яссавия тариқати вакилларининг кундалик турмуш тарзига айланган жаҳрия зикрини камситишга интилганлар. Бизнингча, рисола тариқатлар ўртасидаги кескинликни юмшатиш, уларнинг бир манбадан келиб чиққанлигини исботлаш, шу йўсинда юртда яратувчанлик ва фаровонлик асоси бўлган тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ёзилган.

Тарихий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, X-XII асрларда анъанавий ислом ҳуқуқшунослигида етакчи ўришни эгаллаган Мовароуннаҳр фикҳ мактаби, XIV-XV асрга келиб янги босқичга қадам қўйган. Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор даврида нақшбандия вакилларининг сиёсий ҳокимиятта эгалик қилиши орқали анъанавий ислом аҳкомлари ўрнини бирин-кетин тасаввуфий аҳкомлар эгаллай бошлаган. Шу боис анъанавий фақиҳ унвони ҳам ўз мавқеини йўқота бошлаган. Энди тасаввуф таълимотини чуқур эгаллаган фақиҳларнинг асарлари қўлланма вазифасини ўтай бошлаган. Бизнингча, худди ана шу вазият ҳам Бобурни фикҳий асар ёзишга ундаган бўлса, ажаб эмас.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг фикҳга бағишланган асари «Мубаййин» деб аталади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дин қатғиқ тазйиққа олинган шўро даврида ҳам буюк олимларимиз Сабоҳат Азимжонова ва Азиз Қаюмов ушбу асарнинг энг муҳим қисмларини Бобурнинг танланган уч томлик асарлар тўпламига киритишга муваффақ бўлганлар. Унда «Мубаййин» таркибига кирувчи беш китобдан «Китоб-уз-закот» қисми берилган<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, ушбу асарда халқимизнинг асосий миллий-диний кадриялари, уларнинг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган. Унда ислом динининг беш аркони алоҳида-алоҳида китоб тарзида баён этилган<sup>6</sup>. «Мубаййин»нинг ёзилган вақти ва ундан кўзланган мақсад ҳақида Заҳриддин Муҳаммад Бобур китобнинг хотима қисмида қуйидаги сатрларни битган<sup>7</sup>:

Йил тўқуз йуз йигирма секиз<sup>8</sup> эди,

Фиқҳда Бобур ушбу назм деди.

Уламодин бу-дур менинг тилагим.

Қўллағайлар бу иш аро билагим.

«Мубаййин»да Бобурнинг шоирлик фасоҳати билан фақиҳлик маҳорати мужассам бўлган. Бобур ислом ҳуқуқшунослигига оид манбаларни яхши билган. Асардаги фиқҳий масалаларнинг аниқ ва раво ёритилиши шундан далолат бериб турибди. Бундан ташқари, Заҳриддин Муҳаммад Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби тарихини изчил ўрганган. «Бобурнома»да қайд этилган қуйидаги парча ушбу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади:

*«Шайх Абу Мансурким, аимма каломдундур, Самарқанднинг Мотурид оптиқ маҳалласидундур. Аиммаи калом икки фирқадур, бирни мотридия дерлар, бирни ашъария дерлар. Мотридия Шайх Абу Мансурға мансубдур. Яна соҳиби «Саҳиҳи Бухорий» Хожа Исмоил Хартанг ҳам Мовароуннаҳрдундур. Яна соҳиби «Ҳидоя»ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида «Ҳидоя»дин мўтабарроқ китоби фиқҳ кам бўлғой, Фарғонанинг Марғинон оптиқ вилоятидундур, ул ҳам доҳили Мовароуннаҳрдур»<sup>9</sup>.*

«Мубаййин» Шоҳ Бобурнинг эмас, балки Маҳдуми Аъзам Косонийдек беназир пирнинг таълимини олган мугасаввифнинг қаламига мансуб асар бўлганлиги учун ҳам алоҳида аҳамият касб этган ва замонасининг уламолари томонидан ижро учун қўлланма вазифасини ўтаган.

Бобуршоҳга қадар туркий тилда илми фиқҳга оид бундай асар деярли йўқлигини, унда ислом ҳуқуқшунослиги аҳкомларини ўта аниқлик билан ёритилганлигини, қолаверса, муаллифнинг ўзи уламоларга амалда қўллаш учун тавсия этаётганлигини инобатга олиб, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг кучли фақиҳи бўлган.



<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Жабборов Н. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, Тошкент, 1993 йил.

<sup>2</sup> Қаранг: «Имом ал-Бухорий сабоқлари» №1-сон, 2001 йил, 19-26-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг. Жўзжоний Абдулҳаким Шаръий. Тасаввуф ва инсон. Адолат.Тошкент.2001й., 135-138-бетлар).

<sup>4</sup> 501/XXV (2686-282а), 1443/XXV (3386-3576), 2352/XXVI (216а-228а), 2780/XXVII(4076-424а), 3386/XXII (1626-1756), 6646/XXV (2876-303а), 9706/XXIV (1706-179а), 10626/XX (1986-2106), 11260/XXU (2956-310а). Мазкур қўлёзмалар орасида 501 ашъвий рақам остида сақланаётган қўлёзма алоҳида эътиборга моликдир.Чунки у 997/1588 йилда, яъни Маҳдуми Аъзам вафотидан 46 йил кейин Саййид Муҳаммад бин Жалолиддин Бухорий томонидан кўчирилган.

<sup>5</sup> Тўпламга мазкур китобнинг қуйидаги боблари киритилган: Закоат шароитининг баёни, Закоат молларининг баёни, нақдина баёни, Савойим баёни, Тижорат амволининг баёни, Закоат фаройизининг баёни, Закоат маорифининг баёни, Закоат олмас кишиларнинг баёни, Ушр ва хирожнинг баёни. Қаранг. Бобир. Асарлар, уч жилдлик. I жилд, Девон, Тошкент, Бадий адабиёт нашриёти, 1965 йил, 215-233 бетлар.

<sup>6</sup> Истиқлол йилларида Саидбек Ҳасан томонидан нашрга тайёрланган ушбу китоблар Алибек Рустам масъул муҳаррирлигида алоҳида-алоҳида китоблар тарзида нашр этилган. Ҳ. Ҳасановнинг «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналида (2001 йил № 1-сон) чоп этилган «Бобуршоҳнинг фикҳий асари» мақоласи «Мубаййин» таҳлилига бағишланган.

Таниқли олим Сабоҳат Азимжонов тадқиқотларининг муайян қисми «Мубаййин» таҳлилига бағишланган. Қаранг: Бабур-наме.Қомуслар Бош таҳририяти.Тошкент.1993 й.,18-19-бетлар.

<sup>7</sup> Ушбу сатрлар 1993 йил А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида чоп этилган «Китоб-ул-ҳаж»нинг 39-саҳифасидан олинди.

<sup>8</sup> Ҳижрий қамарий 928 йил милодий тақвим бўйича 1521 йилга тўғри келади.

<sup>9</sup> Бобир. Асарлар, уч жилдлик, II жилд, Девон, Тошкент, Бадий адабиёт нашриёти, 1965 йил, 71- бет.

*Муҳиддин НАЗАРОВ,  
Андижон вилояти ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар  
таълими бошқармаси бошлиғи*

## МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Мустақил Ўзбекистон ўзига хос булган тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги шароитда жамият маънавиятини юксалтириш, миллий ва диний қадриятларни тиклашга муҳим вазифалардан бири деб қаралиши катта аҳамиятга эга. Чунки азалий анъаналарга асосланган миллий мафкура мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг чинакам пойдевори бўлиб хизмат қилиши табиий. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларнинг етакчи кучга айланиши, шубҳасиз, шу фаолият субъектлари-инсонларнинг ҳалоллиги, ўз бурчига садоқати каби омилларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунингдек, бу тизимда халқ ва мамлакатнинг осойишталиги ва маънавий барқарорлиги ҳам яратувчанлик салоҳиятига эга. Шу маънода фикр юритадиган бўлсак, ислом – тинчлик, иймон, эҳсон, поклик, ватанпарварлик тарғибогчисидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни яхшилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир. Юксак маданиятни эса, чуқур ички маънавиятга эга бўлган халқ яратади. Ана шу халқгина буюк яратувчанлик қудратига эга бўлади».<sup>1</sup>

Шундан келиб чиқиб, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, диннинг жамият маънавий ҳаётида тўтган ўрни оқилона тарзда белгилаб олинди. Ўтган давр мобайнида бу нарса кенг миқёсда амалга оширилди.

Ислохий-анъанавий байрамларимиз дам олиш кунлари деб эълон қилинди. 1991 йил июн ойида «Виждон эркинлиги ва диний

ташкilotлар тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Президентимиз Ислоом Каримов бошчилигида истиқлол йилларида халқимизнинг азалий ва абадий маънавий қадриятларини тиклаш, қарор топтириш ва уларни замонавий мазмун-моҳият билан бойитиш учун кўплаб хайрли ишлар қилинди. Хусусан, буюк бобоқалонларимизнинг маънавий меросини тадқиқ этиш, асарларини нашр қилиш, юбилейларини нишонлаш юртимизда одат тусига кириб, миллатимизнинг ҳар томонлама уйғониб, камол топишига кенг йўл очмоқда. Мамлакатимизда ислом алломалари меросини нашр қилиш, ўрганиш, тарғиб этиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирларни чинакам тарихий ишлар дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ (1992 йил апрел) Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита тузилди, давлат идоралари ва диний ташкilotларининг фаолиятлари мувофиқлаштириб борилмоқда. Ҳукуматимизнинг ёрдами билан Миср, Туркия, Малайзия каби мусулмон мамлакатларида талабалар ва диний мутахассислар ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

1999 йил 7 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Фармониға асосан Тошкент ислом университети ташкил этилди. Ҳар йили мазкур олийгоҳ ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факультетларига 100 дан ортиқ талабаларни қабул қилади. Университет қошида исломшунослик илмий тадқиқот маркази, манбалар хазинаси ҳамда академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мустақиллик шарофати билан, бир томондан, маънавий меросимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта тикланаётганини, бошқа тарафдан эса, ҳаётимизга умумбашарий қадриятлар кириб келаётганини амалдаги ижтимоий воқелик манзарасини тубдан ўзгартириб бормоқда. Бинобарин, бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш, миллий қадриятларни қайта тиклаш мавжуд воқеликка бузулмай янгича муносабатда бўлишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик туфайли диний эътиқодларга кенг йўл очилди, натижада дин мустақиллик маънавиятининг таркибий қисмиға айланиб, унинг ахлоқий

қиммати янада чуқурлашиб бормоқда.

Шунингдек, дунёвий таълимотларга суяниб, демократик жамият кураётган республикамызда бозор иқтисодиётига ўтишнинг маънавий асосларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда бошқа маънавий омиллар қатори ўзида миллий ва умуминсоний ғояларни ифода этган, ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатни мужассамлаштирган диний эътиқод халқимизнинг ранг-баранг фаолиятини уйғунлаштиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қолмоқда.

---

<sup>1</sup>Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1996. 274-бет.

*Замира ЎТАНОВА,  
ўқитувчи, Андижон давлат тиббиёт институти*

## МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Халқимизнинг асрлар оша шаклланиб, сайқал топган миллий қадриятлари бор. Узоқ вақт давом этган оғир мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган қадриятларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. 30-40 йилларда ва 50-йилларнинг бошларида кўп асрлик қадриятларимизни сақлашга ва бойитишга ҳаркат қилган Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби кўплаб олимлар, адиблар ўтмиш сарқитларига қарши кураш шиори остида асосиз қатагон қилинди. Бутунги кунга келиб мустақилликка эришгач, яна адолат, ҳақиқат тикланди, халқнинг бебаҳо қадриятлари ўзига қайтарилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз амал қилиб келган улкан, бебаҳо миллий қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим

вазифа бўлиб қолди. Дарҳақиқат, Президентимиз айтгаларидек, «*бирон-бир жамият одамлар онгига ўз миллий қадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди*».

Ҳақиқатдан ҳам миллий қадриятларни тиклаш, ўз навбатида, миллий ўзлигини англашга, миллий ҳис-туйғу ва ифтихорини ривожлантиришга самарали таъсир этади. Масалан, талабалар ўз бобокалонларининг илмий, адабий меросини қанчалик яхши билсалар, булардан маънавий, айниқса, илмий озуқа олиш билан бирга, улар билан фахрланадилар, уларга тақлид қиладилар.

Миллий қадрият деганда муайян халққа, миллатга, унинг аждоду авлодларига тааллуқли бўлган қимматбаҳо моддий ва маънавий бойликлар тушунилади.

Миллатимиз шакллана бошлаган даврдан буён то ҳозиргача яратилган, ривожлантирилиб, қарор топтирилган, ҳозирги авлод фойдаланаётган ва ардоқлаётган асл қадриятларга «*ўзбек миллий қадрияти*» деб айтилади. Бундай қадриятлар сирасига шу халқнинг ўзи яратган, бойитган, сақлаб келаётган, авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб бораётган бойликлар, аждодлардан қолган илмий, фалсафий, маданий, бадий асарлар, анъана, маросим ва бошқа қадриятлар киради.

Ҳаммамиз учун шу кунларда энг долзарб бўлиб турган вазифа — келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол қилиб тарбиялашдир. Чунки келажагимиз ёшларга, уларнинг ақлу заковатига боғлиқдир. Шунинг учун Президентимиз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бор имкониятларни ёшлар тарбиясига қаратмоқдалар.

Лекин шунга қарамасдан, баркамол инсонни тарбиялашда айрим муаммолар ҳам туғилмоқда. Бозор иқтисодиёти туфайли жумҳуриятимизга хорижий мамлакатларнинг сармояси, технологияси ва замонавий бошқарув усуллари билан бир қаторда уларнинг турмуш тарзига хос моддий ва маънавий афюнлар ҳам кириб, ёшларимизга жисмоний ва руҳий жиҳатдан таъсир этмоқда. Ёшларда уларга кўр-кўрона берилиш майли пайдо бўлмоқда. Масалан, олинган дастлабки маълумотлар андижонлик ёшларнинг 3 тадан биттаси гиёҳвандлик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Бундай ҳолни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун қўл

қовуштириб ўтирмасдан, муаммонинг ечимини топмоғимиз зарур. Бу ҳар бир зиёли ва тарбиячининг муқаддас бурчидир.

Хориждан келтирилаётган маҳсулотларни тақиқлаб қўйиш билан муаммони ҳал этиб бўлмайди. Чунки бозор иқтисодиёти ривожланаётган экан, хорижий сармоялар ва илғор технологияларнинг кириб келиши муқаррар. Бу муаммонинг ечимини биз миллий қадриятларимиздан, яъни одоб-ахлоққа оид меросимиздан, миллий урф-одатларимиздан, ҳақиқий инсонийликни, тўғрилиқни, ҳалолликни тарғиботини ўзида мужассам этган динимиздан топишимиз мумкин. Ёшларга миллий-диний қадриятларимизнинг моҳиятини тўғри тушунтира олсак, улар бундай йўлларга асло қирмайдилар, жиноят содир қилмайдилар. Нима савобу, нима гуноҳ, қайси иш жинояту, қайси иш тўғри эканлигини тушунадилар.

Шу боис институтимизда ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу хайрли ишга ижтимоий кафедра ўқитувчилари, маънавият ва маърифат маркази ходимлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Фалсафа кафедрасида маънавият асослари курси, диншунослик фанлари ёшларни миллий руҳда тарбиялашда, инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларини сингдиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Булардан ташқари, институтимизда дарсдан ташқари вақтда тарбиявий соҳаларга ҳам катта эътибор берилган. Кафедра ўқитувчилари томонидан Президентимизнинг асарлари ва фармонлари, Олий Мажлис материаллари юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилади. «*Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон*» мавзусида талабалар ўртасида беллашувлар, ҳозирги вазият тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Миллий-диний қадриятлар асосида олиб борилган тарбиявий ишларнинг амалий натижаси сифатида шунини айтиш мумкинки, истиқлол йилларида институтимиз ёшлари орасида бирорта ҳам ноҳўя ҳаракат қилган талаба қайд этилмаган. Бу соҳага жиддий эътибор қаратилган ҳар бир жойда ана шундай амалий натижалар бўлиши турган гап.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Тошкент, Ўзбекистон, 1997 й., 137-бет.

Турсунбой АБДУЛЛАЕВ,  
фалсафа фанлари номзоди,  
Андижон қишлоқ хўжалик институти

## ҲАДИСЛАР ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишлари қатори миллий-диний қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ислом дини ва унинг негизлари бўлмиш Қуръони карим, ҳадиси шарифларнинг қайта тикланиши учун кенг имкониятларни вужудга келтирди.

Албатта, Қуръони каримнинг маънавий қадрият сифатидаги ўрни беқиёс. Шу билан бирга, Муҳаммад найғамбаримизнинг сўзлари, фаолиятлари, саҳобалари томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари акс этган ҳадиси шарифлар бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Қуръони карим 114 сура ва 6236 оятни ўз ичига олган. Буюк аллома, ватандошимиз Имом ал-Бухорий 600 минг ҳадис тўплаб, уларнинг орасидан 7,3 минг саҳиҳ ҳадисларни танлаб олган эканлар. Ҳадислар инсон онгига ислом маънавиятининг тез ва осон етиб боришини таъминлаб, уни руҳий баркамол, Ватанга, халққа меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдек масъулиятли ишимизга самарали таъсир кўрсатади. Айниқса, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг буюк келажagini барпо этишга азму қарор қилаётган ёшларимизни кучига куч, қудратига қудрат қўшади. Зеро, *«келажак ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздир»*, – деб ёзади муҳтарам Президентимиз<sup>1</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир. 25 миллион аҳолимизнинг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этиб, халқимизнинг ўртача ёши 24 га тенг. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, 2015 йилга бориб республикаимиз аҳолиси 36 миллион 330 минг нафардан ортиши кутилмоқда.

2001 йилнинг бошларида Андижон вилоятида 2 миллион 210 мингга яқин аҳоли қайд қилинган. Шулардан 666 мингдан ортиқроғи шаҳарларда, 1 миллион 600 мингга яқини қишлоқларда яшайди. Рақамлардан кўриниб турибдики, ёшлар, айниқса, қишлоқ ёшлари аҳолининг анчагина қисмини ташкил қилади.

Мустақил давлатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб бормоқда. Мана шундай шароитда айрим ёшларимиз онгида, хатти-ҳаракатларида салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Уларни бартараф қилиш учун эса иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги вазифалар билан бирга мафкуравий жараёнлардаги вазифаларни қатъият билан ёшларимизнинг онги, қалбига сингдириб, миллий истиқлол мафкурасининг асосий тушунча ва тамойилларини уларнинг ҳаракат дастурларига айлантириш зарур. Бунинг учун эса «... миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш ва халқимиз онгига сингдириш зарур»<sup>2</sup>.

Диний-фалсафий меросимиз ҳисобланган қуйидаги ҳадиси шарифларга эътибор берайлик:

- *Ватанни севмоқ — иймондандир.*
- *Подшоҳларингиз яхши, бойларингиз сахий ва ишларингиз бамаслаҳат бўлса, сизлар учун ернинг остидан кўра усти афзалдир.*
- *Кимки ҳаётда тежамкор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди.*
- *Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади.*
- *Кимки мусулмон мамлақатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан саваланади.*

«Ватанни севмоқ — иймондандир» мазмундаги ҳадиси маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг «Ватан қиблагоҳдир, саждагоҳдир», Президентимизнинг «Элим деб, юртим деб, куйиб, ёниб яшамоқ керак», «Келажак авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолсин», деган фикрларига ҳамоҳанг жаранглайди. Демак,



миллий истиқлол мафкурамизда она-Ватан, Юрт ғоясининг устувор бўлиши, ватанпарварлик эътиқоди ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга туганмас бойлик, муқаддас мерос бўлиб ўтиши одатий ҳол бўлиши лозим.

Ватанпарварлик эътиқоди таълим-тарбия ишларининг асоси ҳисобланади. Ватанпарварлик эътиқоди ва миллий ифтихор туйғусини шакллантириш тарбиячиларнинг ўзида ҳам ана шундай фазилатлар мужассам бўлишига боғлиқ. Ватанига бўлган ҳурмати, бурч ва масъулият туйғуси кучли бўлган кишиларгина ёшларнинг маънавий камолотига самарали таъсир эта олади. Тўмарис, Мэтэхон, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Қурбонжон додхоҳ, Шароф Рашидов, Ислоҳ Каримов каби халқимиз қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолиятлари бунинг ёрқин намунасидир.

Қадимги аждодларимиздан бўлган Мэтэхон (милоднинг 209-йили) «*Ватан бизнинг олиш-бериш қилсак бўладиган мулкимиз эмас. Унинг ҳар бир парчасига мазорларда ётган, ўтган авлод-аждоғларимизнинг ҳақлари, ўзимиз ва қиёматгача туғиладиган аждоғларимиз ҳақлари бордир. У душманга берилиши мумкин эмас*», деган эди. Унинг бу сўзларида юксак ватанпарварлик намоён бўлмоқда. Ватанпарварлик Ватанга бўлган муҳаббат ва ҳурматнинг эътиқод ва иймон даражасига кўтарилган тизимидир. Она-юрт тарихини, миллий мерос ва қадриятларни билиш ва ҳурмат қилиш, истиқболимиз масалаларига бурч ва масъулият туйғуси асосида ёндошиш, Ватан, миллат манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилиш, аъло ўқиб, аъло мутахассис бўлиб етишиш, Ватан қадр-қиммати ва мустақил давлат рамзларини ҳамда Президент обрўсини ҳамма ерда баланд кўтариш, Ватан мудофаасига ҳар доим тайёр туриш каби қадриятлар ватанпарварлик тимсолларидир.

Президент Ислоҳ Каримов «*одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечати ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан*», деган эдилар.

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, ўзбек миллий мафқураси она-Ватанга, она-заминга муҳаббат, уни эъзозлаш, адолатли, ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти ҳақидаги гоялар ўз ифодасини топади.

Мустабид тузум йилларида «миллий мафкура» иборасини ишлатиш жиноят ҳисобланар эди. Ўз миллатини севиш, миллат ютуқларидан фахрланиш, унинг юксалиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар «миллатчилик» тамгалари билан муҳрланар эди. Миллийлик, миллатга мансублик умумжаҳон тараққиёти қонуниятидир. Миллатчилик руҳидаги сунъий мафкуралар яратилиши мумкин, лекин уларнинг умри қисқа бўлади.

Миллий мафкурамининг узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил қилади. Айни пайтда, ўзбек маданий мероси жаҳон маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади, бу биринчидан.

Иккинчидан. Бутун жаҳон маънавияти, сиёсати майдонида муносиб ўринларга эга бўлган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Темур Малик, Соҳибқирон Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шоҳжаҳон каби улуғларимиз руҳларини шод айлашни янада кенгроқ давом эттиришимиз, «Гўрўғли», «Алпомиш», «Ойбарчин», «Равшан», «Кунтуғмиш» каби дostonларимиз ва халқ оғзаки ижодиётининг бошқа намуналарини чуқур ўрганиб, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалбига сингдиришимиз зарур.

Учинчидан. Ўзбекистон ўзининг қадимий давлатчилик негизларига, ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий, маданий меросига эга. Эрамиздан юзлаб йиллар олдин ҳудудимизда давлатчилик тараққий этган, кейинчалик Мовароуннаҳрда ислом маърифатига, ислом ҳуқуқшунослиги-фикҳга асос солинган, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар-ҳуқуқшунослар яшаганлар.

Тўртинчидан. Мамлакатимиз ҳудудида тўққиз мингдан ортиқ маданий меъморчилик ёдгорликлари бор. Уларни сақлаш, келажак авлодларга етказиш маънавий бурчимиздир. Конституциямининг 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир» дейилади.

Кўриниб турибдики, миллий мафкурамиз барқарор ҳуқуқий негизга эга. Шу билан бирга миллий мафкурамиз миллатчилик мафкураси ҳам эмас. Чунки Ўзбекистон – кўпмиллатли давлат. Газеталар, журналлар 12 тилда чоп этилади (теле ва радиозепиттиришлар олиб борилади). Уларнинг умумий миқдоридан 238 та газета ва 21 та журнал ўзбек тилида, 52 та газета ва 15 та журнал рус тилида, 44 та газета ва 15 та журнал рус ва ўзбек тилларида, 20 та газета ва 7 та журнал қорақалпоқ тилида, 8 та газета қозоқ тилида, 1 та газета корейс тилида чиқади, 6 та газета ва 8 та журналда ўзбек тили билан бирга инглиз, араб, турк, урду, форсий, ҳинд тилларидан фойдаланилади. Таълим 8 тилда олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси миллий истиқлол мафкурамизга хос инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилишнинг муҳим омилларидан бўлиб, ёшларни келажаги буюк давлат қуришга сафарбар этишга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й., 3-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали, 1998, 2-сон.

*Камолитдин ЮНУСОВ,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент*

*Муҳайё ОРТИҚОВА,  
ўқитувчи, Андижон давлат университети*

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ОҒОҲЛИК – МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДГА ҚАРШИ КУРАШ ОМИЛИ**

XXI аср бошида Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллигининг янада мустаҳкамланиб боришида, турли ташқи мафкуравий таҳдидларга қарши курашда, улардан огоҳ бўлиш

ҳамда ёшлар онгида ва қалбида миллий истиқлол ғоясини сингдириб бориш катта аҳамият касб этади. Ҳозирда мамлакатимиз миқёсида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти ҳам, энг аввало, жамият аъзоларининг янгича тафаккур юритиши, уларнинг маънавий-мафкуравий дунёқарашига, ҳозирда рўй бераётган сиёсий, мафкуравий воқеа ва ҳодисаларни англай билишига, шунингдек, мавжуд мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни издан чиқаришга қаратилган турли диний-экстремистик, ҳарбий-қўпоровчилик йўли билан жамият ҳаётини ўзгартиришга уринаётган сохта демократларнинг ёшлар онгини заҳарлашига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш ҳам ҳозирги куннинг энг муҳим сиёсий-мафкуравий вазифасига кириди.

Турли мафкуравий таҳдидлар: «ваҳҳобийлик», «ҳизб-уг-тахрир», «мусулмон биродарлари» каби диний-экстремистик оқимлар олдинга сураётган зарарли ғояларнинг ёшлар онгига сингишига йўл қўймаслик, улардан огоҳ бўлиш мамлакатимизда тинчликни сақлашнинг энг муҳим кафолатларидандир. Бу вазифаларнинг бажарилиши, ўз навбатида, жамият яхлитлигини, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Бу гуруҳларнинг асл мақсади тинч ҳаётимизни бузиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётда таркиб топган муносабатларни издан чиқариш ва шу орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишдан иборатдир. 1999 йил 16 феврал воқеалари, 2000 йил ёз ойларида мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларига суқилиб киришга уринишлар, 2000 йил сентябр ойидаги Андижон вилояти Избоскан туманида содир бўлган нохуш воқеалар фикримизга мисол бўла олади.

Президентимиз И.А.Каримов миллий истиқлол ғоясини ёш мустақил давлат ва халқнинг миллий тараққиёт концепцияси сифатида илгари сурди. Миллий ғоянинг юзага келиши ва сиёсий-мафкуравий майдонга чиқиши мафкуравий таҳдидларга қарши кураш усулининг энг кучли кўринишларидан биридир. Чунки, миллий ғоя миллатнинг тўла мустақиллиги, бирлиги,

ватанпарварлиги, Ватан туйғуси каби тамойилларни ўз ичига олади. Унда миллатнинг сиёсий-ижтимоий ва маънавий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш – асосий ва белгиловчи ўрин тутади.

«Ўзингни ва ўз уйингни асра» шиори жамиятимиздаги барча фуқароларни огоҳликка даъват қилар экан турли мазмундаги мафкуравий, айниқса, диний-экстремистик руҳдаги таҳдидларни ўз вақтида пайқаш ва уларга қарши курашиш ғоясини ўзида мужассамлаштиргандир. Миллат, жамият ва давлат бор экан, унинг мустақиллигига таҳдид соладиган ҳаракатлар бўлиши табиий. Бундай таҳдидларнинг олдини олиш учун нима қилмоғимиз даркор?

Ўзбекистон халқининг онги, дунёқараши, ҳаётга ижтимоий муносабати, хатти-ҳаракатларида мафкуравий иммунитетни шакллантириб, миллий истиқлол ғоясини юрғдошларимиз қалби ва онгига синдириш, бугунги кундаги муҳим вазифадир. *«Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб парбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир»<sup>1</sup>*, деган эдилар Президентимиз.

Дарҳақиқат, миллати, тили ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, садоқат, юрт равнақи ва осойишталигини қарор топтиришда масъулият туйғуси билан яшамоғи даркор. Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилатли, комил инсонларни вояга етказиш, ҳар томонлама етук фуқаро қилиб тарбиялаш, ҳозирда долзарб мавзулардан бири бўлган миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир», Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил, 11-бет.

Азамат НУРМАТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва Жамият қурилиши академиясининг  
тингловчиси

## УМУММИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ СЕРҚИРРАЛИГИ: ДИНИЙ ХАВФСИЗЛИК

Хавфсизлик масаласи халқаро ҳамжамият томонидан кенг ўрганилаётган соҳадир. Зеро, хавфсизлик — жамият тараққиёти ва барқарорлиги учун ҳаётий заруратдир. Бусиз амалда бошқа масалаларни ҳал қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, «хавфсиз дунё — умуман, бутун инсоният учун ҳам, ўз ҳуқуқлари учун курашда озмунча найзаси синмаган ҳар бир инсон учун ҳам олий мақсаддир»<sup>1</sup>.

Хавфсизлик тушунчасини илгари, айниқса, истиклолгача, асосан, ҳарбий нуқтаи назардан тушунилган бўлса, ҳозирги вақтда унинг нақадар серқирралиги намоён бўлмоқда, янги кўринишлари очилиб, тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда хавфсизликнинг ҳарбий, ҳарбий-техникавий, ҳарбий-сиёсий, сиёсий, ядровий, фазовий, иқтисодий, экологик, информацион, мафкуравий ва ҳоказо кўринишлари мавжуд. Шунингдек, хавфсизликни ҳудудий жиҳатдан миллий, умуммиллий, минтақавий ва глобал турларга ҳам ажратилади.

Сўнгги йилларда хавфсизлик масалалари устида бош қотираётган олимлар янги ўта нозик тушунча — диний хавфсизлик тўғрисида ҳам гапира бошладилар. Инсоният пайдо бўлгандан бери, бошқа ижтимоий соҳалар қатори дин ҳам жамият билан ҳамнафас. Улар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий-тарихий хусусият касб этади. Тарихга назар солсак, дин, албатта, жамият тараққиётида катта ўрин тутиб келганининг гувоҳи бўламыз. Шу билан бирга, афсуски, инсоният диндан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки баъзан вайрон қилувчи куч

сифатида ҳам фойдаланганлигини кўрамиз. Чунки ҳамма вақт соф диний назария, дин фалсафаси, унинг инсониятни комилликка етакловчи буюк гоёлари билан бирга, уларни сохталаштирувчилар, ўз гаразлари йўлида фойдаланувчилар ҳам бўлгани, айни ана шу салбий ҳодисалар жамият тараққиётида кутилмаган фожиаларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Ушбу ҳақиқатни назарда тутиб, Президентимиз Ислоҳ Каримов — «афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни; зиддиятларни келтириб чиқаришни, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитаяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда»<sup>2</sup> — деган эдилар.

Жамият тараққиёти учун тўсиқ бўладиган омиллар орасида диний мутаассибликка дахлдор ҳаракатлар сўнгги йилларда кучайиб бормоқда. ҳокимиятга интилаётган турли гуруҳлар қора мақсадларига эришиш йўлидаги ҳаракатларини оқлаш учун диний шиорлардан фойдаланмоқдалар ва халқимизнинг диний маънавиятига хос бўлмаган сохта гоёларни зўрлаб қабул қилдиришга уринмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлашга диний экстремизм жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ўзбекистонда диний хавфсизликни шакллантиришда жанубдаги аҳвол таъсирчан бўлиб қолмоқда. Чунки ҳозирги пайтда жанубий минтақа асосий таҳдидлар манбаи (диний экстремизм, терроризм, нарқобизнес, ҳарбий экспансия, қочоқлар ва ҳоказо) бўлиб қолди. Бундай ҳодисалар давлат чегараларини тан олмайди. Шунинг учун Ўзбекистон хавфсизлигининг яхлитлиги ҳақидаги «хавфсизлик — узлуксиз ҳолатдир, ҳақсиз-ҳудудсиздир»<sup>3</sup>, деган асосий тамойиллардан бирини тўла қўллаб-қувватламоқда.

Президент И. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида мавжуд хавф-хатарларни таҳлил қилар экан, ислоннинг сиёсийлашуви ҳам жиддий таҳдид эканлигини алоҳида таъкидлаган эди: «сўнгги йилларда воқеалар фожиали тус олганлигининг яна бир сабаби шундаки, афғон можароларига

маълум этник низолардан ташқари, яна диний тус ҳам берилди. Ислоннинг кескин сиёсийлашув жараёни содир бўлмоқда. У ўта радикал тус олди — ҳокимият тепасига чиқишга даъвогарлик қилиш ва барча диндошларни мадагга чақирган ҳолда бунга қуроли йўл билан эришишга очикдан-очик уриниш юз бермоқда. Динимизнинг инсонпарварлик ғоялари ва асосларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган ана шу жараён Тоғли Бадахшондан тортиб то Каспийгача бўлган жуда катта ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятга бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатди. Минтақадаги давлатларда афғон сценарийсини ўз халқларига зўрлаб қабул қилдиришга тайёр турган экстремистик кайфиятдаги унсурлар топилиб қолди. Афғонистон воқеалари эса қандай фожиали оқибатларга олиб келганлигига ҳали биз ҳам баҳо берамиз, келгуси авлодларимиз ҳам баҳо беради»<sup>1</sup>.

Афғонистон билан Тожикистондаги можаролар кўпинча диний-сиёсий негизда юз берди. Улар ушбу мамлакатлар тараққиётини ўнлаб йиллар орқага тортди. Худди ана шу омиллар Ўзбекистонни диний хавфсизликни таъминлаш ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилмоқда.

Дарҳақиқат, диний ақидапарастлик ва экстремизмнинг Ўзбекистон хавфсизлигига кўрсатаётган таҳдидлари жуда кенг. Аммо биз фақатгина Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлида ташқи дунё билан боғлиқ фаолиятларига хавф солаётган ва солиши мумкин бўлган таҳдидлар хусусида тўхталамиз. Улар қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

— Жанубий чегараларимизда (асосан Афғонистон билан) давом этаётган можаролар ҳаётимизга, тақдиримизга ва келажагимизга жиддийроқ қарашимизни тақозо этмоқда. Бу жанггоҳларда ўзларини «дин учун курашувчилар» деб ҳисоблайдиган, аслида мутлақо бошқа гаразли мақсадларга интилаётган янги-янги авлодлар вужудга келмоқдаки, улар ўз «ақида»ларини халқимизга ҳам зўрлаб қабул қилдиришни истайдилар. Бу йўлда ҳеч қандай разилиқдан қайтмасликларини ҳозирнинг ўзидаёқ намойиш қилмоқдалар:

— Мамлакатимиз барқарорлигига таҳдид солаётган омиллардан яна бири — мусулмон ва номусулмон мамлакатлар фикрини чалғитиш йўли билан уларнинг Ўзбекистонга муносабатини ўзгартиришга интилишдир. Бу Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий



давлат қуриш йўлидаги ислохотчилик фаолиятини сохталаштиришда, жаҳоннинг соғлом фикрли сиёсатдонлари, йирик давлат ва жамоат арбоблари тан олаётган ҳамда жаҳон давлатчилиги тажрибасини янги фикрлар билан бойитиб бораётган «Ўзбек модели»ни обрўсизлантиришга интилишларда намоён бўлмоқда. Бундай сохта ижодкорлар Ўзбекистонни баъзан даҳрийлар мамлакати қилиб кўрсатишса, баъзан «*давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари*» деб таъриф беришмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки «...*дунёвийлик, айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас*»<sup>5</sup>;

— Энг хавфли таҳдид эндигина ривожланиш йўлига чиқиб олаётган Ўзбекистон учун икки олам — исломий ва ноисломий цивилизациялар ўртасидаги зиддиятни кучайтиришдан иборат. «*Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига ғоят салбий таъсир кўрсатишмоқда. Янги мустақил давлатларнинг қолоқлигини турғун бир ҳолатга айлантиришмоқда. Ундан ҳам даҳшатлиси шуки, одамларни диний заминда «цивилизациялар тўқнашуви»ни кутишга мажбур қилмоқда*»<sup>6</sup>.

Бундай интилишлар Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларини амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Дарҳақиқат, бу ўн бешдан ортиқ диний конфессиялар эмин-эркин фаолият кўрсатаётган, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган Ўзбекистон тараққиёти учун жиддий таҳдидга айланиши мумкин;

— Яна бир хавф — ақидапарастлар томонидан Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий тараққиёт, замонавий ислохотлар, жамиятни янгилаш ва чинакам диний эътиқод ҳамда фундаментализмга бўлган муносабатини сохталаштириб кўрсатишга уринишлардир. Бундай ҳолатлар дунёнинг турли нуқталаридан туриб Ўзбекистонга ғоявий хуруж қилиш орқали унга дунёдаги кўпдан-кўп шериклар ишончини барбод этишга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлмоқда;

— Маълумки, Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддаларни истеъмолчиларга етказиш транзит йўлига Ўзбекистонни ҳам қўшиш жангариларнинг «эзгу» орзусидир. Албатта, Ўзбекистон бунга қарши қаттиқ курашмоқда. Экстремистлар Ўзбекистонда «*ислом давлати қуриш*» каби мақсаддан ташқари, ўзларининг асосий молиявий манбаига

айланган наркобизнесга равон йўл очишга ҳам фаол интилоқдалар;

– Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўлида жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан ҳамкорлик қилаётгани айрим ёвуз ниятли ичи қора кучларга ёқмаслиги турган гап. Ана шу кучлар ҳам ақидапарастлик гирдобига тасодифан тушиб қолиб, ҳар қандай амалларни бажаришга тайёр турган кимсаларни ишга солиб, ўз мақсадларига эришишга уринмоқда. Бу ҳақда Президент Ислоҳ Каримов 1999 йил 16 феврал воқеаларидан сўнг бўлиб ўтган мажлисда шундай деган эди: «Уларнинг асосий мақсади – Ўзбекистонда тинчликни издан чиқариш. Агар юртимизда бутунгидек нохуш ишлар юз бериб, нотинчлик пайдо бўлса, бу кучлар дарров чет эллик сармоядорларга, ажнабий ҳамкорларимизга қарата, бу мамлакатга сармоя сарфлаш хатарли, деган гапларни тарқатиб, юртимиз, халқимиз шаънига қандайдир доғ туширишни кузлайди. Биз буни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак Чунки мамлакатимизга чет эл сармоялари келишининг асосий шартини – Ўзбекистондаги барқарорликдир»<sup>7</sup>;

Ушбу кўринмас кучларнинг яна бир ғарази бор: улар Марказий Осиё давлатлари интеграциясига тўсқинлик қилиб, ҳатто бу давлатларни бир-бирига гиж-гижлаш орқали ўзларининг манфаатларини рўёбга чиқаришга интиладилар.

Кўриниб турибдики, бу таҳдидларнинг барчаси умуммиллий хавфсизлигимизга бевосита дахлдор ва уларнинг кўпчилиги ташқи сиёсий муносабатларимиз билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Демак, Ўзбекистоннинг умуммиллий хавфсизлигига диний экстремизмнинг нафақат ички иддизлари, балки ташқи сиёсий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, мустақиллигимизга, сиёсий барқарорликка ва давлатимизнинг халқаро обрўсига путур етказадиган ҳар қандай шаклдаги таҳдидларга қарши курашда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки дипломатлар ҳамда журналистларнинг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улардан жаҳоннинг турли бурчакларида юз бераётган ҳодисалар ривожини синчиклаб кузатиб бориш, республикамиз хавфсизлигига бирон-бир заррача таҳдид сезилган ҳолда, дарҳол уни ҳушёрлик ва оқилона таҳлил қилиб, зарур чоралар кўриш давр тақозосига айланади.

<sup>1</sup> Президент И.А. Каримовнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича 1995 йил 15-16 сентябрда ўтказилган Тошкент кенгаш-семинаридаги маърузасидан // Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995 й., 25-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент, Ўзбекистон, 1997й., 34-бет.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент, Ўзбекистон, 1997й., 11-бет.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент, Ўзбекистон, 1997й., 27-бет.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й., 33-бет.

<sup>6</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент, Ўзбекистон, 1997й., 46-бет.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — шировара мақсадимиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2000й., 16-бет.

*Каримжон МАМАТОВ,  
Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари,  
ағлия маслаҳатчиси*

## МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИКЛАНИШИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида қўлга киритилган катта ютуқларидан бири — фуқароларга ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқининг таъминланиши бўлди. У илк бор 1991 йил 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги

туғрисидаги Баёнотида, сўнгра Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топди. Совет тоталитар тузуми емирилгандан сўнгра инсон маънавий камолотининг муҳим омилларидан бири бўлган дин жамиятимиз ҳаётида ўзига муносиб ўринни эгаллади.

Ислом динининг жамиятимиз ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрнини кўрсатиб, И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида қуйидаги фикрларни айтган эди: «*Дин одамларга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишлариға куч бағишлаган...*»

Собиқ СССРдаги ҳукмрон коммунистик партиянинг жиловбардорлари диний камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бириға айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатагон қилинди. Минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди.

Бугунги кунға келиб, шўро тузуми даврида вайрон этилган, катта маданий ёдгорлик, архитектура обидаси бўлган кўплаб масжидлар ва мадрасалар таъмирланди ва қайта тикланди. Ўзбекистонда олий ва бошқа диний ўқув юртлари, Ислом университети очилди. Халқимиз Қуръони каримни ўз она тилида ўқиш имконига эға бўлди. Ислом динининг, маънавий қадриятларнинг тикланиши мамлакатимизда юз бераётган миллий уйғониш ва покланиш жараёнининг муҳим омилларидан бириға айланди.

Комилликка даъват этувчи улуғ аждодларимиз номи тикланди. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Абдулхалиқ Фихдувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор ва ўнлаб бошқа алломаларнинг илмий мероси чуқур ўрганилмоқда, ҳар томонлама тарғиб қилинмоқда. Буларнинг барчаси мамлакат фуқаролари қалбига эзгулик руҳини сингдириш, яхшилиқка даъват этиш билан бирға миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини ҳам

кучайтирмоқда.

Шу билан бирга, юртимизда диний мутаассибликка, исломни сохталаштиришга йўл қўйилмади. Аксинча, ислом ғоялари юксак маънавият ва баркамоллик мезони, бой маънавият сарчашмаси сифатида талқин қилинмоқда. Асрлар мобайнида халқимиз қонига сингиб кетган ақидаларга одилona баҳо берилмоқда. Натижада миллат юрагида эртанги кунга ишонч кучаймоқда. Бу эса мамлакатдаги умумий барқарорликнинг тобора чуқурлашиб боришида муҳим омилдир.

Мустақилликнинг моҳияти, унинг тарихий аҳамияти миллий уйғониш ва миллий тикланиш жараёни билан боғлиқ. Халқимиз миллат сифатидаги беқиёс қадриятларини, асрлар мобайнида шакланган маънавий руҳий бойликларини қанчалик чуқур англаса, миллий уйғониш ҳисси шунчалик кучаяди. Қалбидан миллат, Ватан, аждодлар олдидаги бурч туйғулари қанчалик чуқур жой олган бўлса, ўзлигини англашга, ўз миллий қадриятларини тиклашга шунчалик кўпроқ эҳтиёж сезади. Ана шунда мустақилликнинг тараққиёт йўллари, ижтимоий-иқтисодий асослари мустаҳкам бўлади.

Биз бугун дунёни янги кўз билан кўриш, уни янгича тафаккур билан идрок этиш жараёнлари ичра улғайиб бораёпмиз. Бугун, йўқотилган барча қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, қадимий Туркистон анъаналарини тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан жаҳон халқлари сафидан муносиб ўрин олишдек ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга оширмоқдамиз. Зиммамизда йиллар давомида йўл қўйилган улкан хатоликлар ва келажак олдидаги қарздорликнинг залворли юки бор. Бироқ буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлигимиз, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамиша баланд тутишга имконият туғилганининг ўзи барча машаққатлардан устунроқдир. Ана шу имкониятнинг ўзиёқ кишига беқиёс куч-ғайрат, қудрат ва журъат бахш этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, парламентимиз томонидан 300дан кўпроқ қонун қабул қилинди. Улар Ўзбекистон мустақиллигини инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт, давлат бошқаруви, жамоат тузилмалари, маданият ва халқаро муносабатлар

соҳаларидаги ҳуқуқий асосларни яратишга қаратилгандир. Бу қонунлар мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий биносини барпо этмоқда.

Қонунга итоат қилиш, энг аввало, қонунларни билишни тақозо этади. Фуқароларнинг онгли равишда қонун талабларига амал қилишлари бугун ҳаммамиз интилишимиз керак бўлган фазилат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон беқиёс маданий ва маънавий ўсишни ўз тараққиётининг асоси деб билмоқда. Шу ҳолдагина инсон ихтиёрий равишда халқ, давлат, жамият, оиласи олдидаги масъулиятини тушуниб этади.

*Шокирхон ШОДМОНХЎЖА Ўғли,  
олий тоифали ўқитувчи*

## ҚУРЪОНДАГИ БИР ИСТИЛОҲ ТАЛҚИНИ

Фотир сурасининг 13-ояти каримаси *«валлазийна тағъувна мин дувниҳи ма йамликувна мин қитмир»* жумласи билан якунланади. Қуръони каримни араб тилида тафсир қилган шайх Исмоил бин Касир ҳазратлари мазкур ояти шарифани изоҳлар экан, саҳобийлардан Ибн Аббос (р.а.), Мужоҳид, Ато, Икрима, Атийя, ал-Афвий, ал-Ҳасан, Қатода ва бошқа билимли кишиларга суянган ҳолда: *«Сиз сизгинаётган бутларингиз Еру кўкда ҳеч нарсага эга эмас, ҳаттоки хурмо данаганинг юпқа пардапўстига ҳам»*, деб шарҳлайди. Муфассир бу жойда *«қитмир»* сўзини *«ҳеч нарса»* ибораси орқали ифодалаб, ўша *«ҳеч нарса»*нинг маъносини ҳам очиб берган: *«ҳаттоки хурмо данагининг юпқа пардапўстига ҳам»* деб изоҳ беради.

Абдуллоҳ бин Абдулазиз ал-Муҳсин ат-Туркий бошлиқ бир гуруҳ егук уламолар томонидан 1999 йил Мадинаи Мунавварада нашр этилган *«ат-Тафсир ал-муйассар»*да ҳам шунга ўхшаш: *«Ўша сиз ибодат қилаётган бутларингиз «қитмир»га ҳам эга эмас, яъни «хурмо данаги устидаги оқ юпқа пардапўстга ҳам»*, деб тафсир қилинган.

Маълумки, арабларда ҳеч нарсага арзимас ва қадру қиммати бўлмаган бирор нарсани «хурмо данаги устидаги оқ юпқа пардапўсти»га қийсэлаш одати бор. Бу ибора араб учун изоҳ талаб қилмайди. Тасаввур қилиб кўрайлик: хурмо - араб учун ҳам мева, ҳам қоқи, ҳам нон, ҳам ош, умуман, асосий таом ҳисобланади. Киши саҳрода фақат суву хурмо билан ҳафталаб, ойлаб бошқа бирор егуликка эҳтиёж сезмай яшаши мумкин. Демак, хурмо - саҳройи араб учун суву ҳаводек зарур унсурлардан биридир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ўз оятларини биринчи бор қабул қилиб олаётган саҳройи араб халқининг ақл-идроки ва зеҳнига енгил сингиши учун уларнинг «кундалик таоми» ҳисобланмиш хурмо ва унинг данагининг пўстловига бўлган ўхшатишлардан фойдаланиб: «мушриклар сиғинаётган бутлари ҳеч нарсага эга ва қодир эмас» эканини таъкидлаб бермоқда.

Рус тарққшуноси Г.Саблуков «қитмир» сўзини «лева на финиковой косточке», яъни «хурмо данаги устидаги парда» деб, академик И.Ю.Крачковский: «финиковая кожица» — «хурмо пардапўсти» деб таржима қилганлар. Бошқирда тилида эса, русчадан ўгирилгани шундоқ сезилиб турибди: «хурмо қобиғи». Бу учала ҳолда ҳам «қитмир» сўзи айнан таржима қилинган. Натижада, нозил бўлган оят мазмунидаги «мушриклар сиғинаётган бутлар ҳеч нарсага эга эмас» экани рус ва бошқирдлар учун қоронғулигича қолган, негаки, улар хурмо билан яхши таниш эмаслар ва улар учун «хурмо қобиғи» ва «хурмо пардапўсти» - «ҳеч нима» эмас, балки «нимадир» ва «қандайдир қийматга эга бўлган нарса» бўлиб кўринади. Х.К.Барановнинг «Арабско-русский словарь»да ҳам мазкур сўз: «пўстлоқ, пардапўст, пардадек юпқа пўстлоқ, хурмо билан данаги орасидаги парда» маънолари билан бирга «арзимас нарса» мазмуни борлиги ҳам таъкидланган. Тўғри, Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон Тўра ҳазратларининг таржимасида «хурмо данагининг пўсти» деб берилгани - бу туркистонликлар учун айнан мос келади. Шунингдек, Б.Ҳасановнинг «Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати»да ҳам «қитмир» лафзи - «хурмонинг пўсти; арзимас нарса» иборалари билан ифода этилган.

Арабларнинг машҳур «ал-Мунжид» қомусида мазкур сўз

«хурмо гўшти билан данаги орасидаги юлқа пардапўст», деб туриб, «менга қитмир ҳам тегмади, ёки менга ҳеч нима тегмади» жумласи орқали изоҳ қилинган.

Туркий тилларга ўтирилган таржима ва тафсириларга назар солсак, туркчада «писта пўчоқ», уйғурчада «қилчалик нарса», татарчада «ҳеч нарса», қozoқчада «ўрик қобиғи»; ўзбекчада «пўстлоқча нарса» ва «данак пўстлоғи» кабиларни учратамиз.

Араб тилида «қитмир» сўзи, ўзининг «хурмо данаги устидаги юлқа парда»ни англатувчи тўғри маъносидан ташқари, идиоматик маънода ҳам келганини юқорида кўрдик. Шуниси диққатга сазоворки, ана шу сўз асосида тузилган бирикма туркий тилларда ҳам сақланган.

Юқоридаги мисоллардан равшан бўлдики, «қитмир» сўзининг кўчма маъноси «арзимас нарса» семасига асосланган. Зеро, ўша хурмонинг юлқа пардапўсти мевани истеъмоладан қилувчига нисбатан «ҳеч нарса» дир. Чунки унда на маза, на қувват бор. У хурмо гўшти билан қўшиб тановул қилинадими, олиб ташлаб тановул қилинадими хурмонинг таъми мутлақо ўзгармайди.

Демак, «қитмир» — пардапўст, «ҳеч нарса эмас» ва «ҳеч қандай қийматга эга эмас», дегани ҳамдир. Зеро, Қуръони каримдаги ояти шарифдан мурад ҳам, фикри ожизимизча: «Эй мушриклар, сизлар ҳар нарсага қодир бўлган Аллоҳ таолони қўйиб, У зотнинг ўрнига ҳеч бир нарсага ва бирон-бир қийматга эга бўлмаган, ўзингиз ясаб олган бутларингизга сифинмоқдасизлар, ҳолбуки, уларнинг қўлидан на яхшилик ва на ёмонлик келади», маъносидир.

«Қитмир» бундан ташқари итнинг номи маъносида ҳам учрайди. Х.К.Барановнинг лугатида бу сўз «қуръоний атама - итнинг номи» экани кўрсатилган. Шунингдек, ҳижратнинг 817 йилида вафот этган лугатшунос аллома Маждиддин бин Яъқуб ал-Файрузободийнинг «ал-Қомус ал-муҳит» китобида мазкур сўзга «Асҳоб-ул-Каҳфларнинг ити» деб изоҳ берилган. Маълумки, Қуръони каримнинг Каҳф сурасида «Асҳоб-ул-Каҳф» - яъни Каҳф фори соҳиблари ҳақидаги ривоят тилга олинади. Унда зolim ҳоким истибдоидан дину иймонларини сақлаб қолиш учун ўз жонларини фидо қилган бир неча йигитларнинг бир форга паноҳ излаб кириб қолгани, улар билан бирга қўйчивонга эргашган ит ҳам борлиги, горда уларнинг 300 йил ухлаб қолиб кетгани ҳикоя



қилинади. Қуръони каримда на йигитларнинг ва на итнинг номлари зикр қилинмаган. Аммо ровийларнинг айтишларича, ўша итнинг оти - «Қитмир» бўлган.

Араб диёрининг баъзиларида ҳозир ҳам халқ орасида итта «қитмир» деб от қўйиш одати сақланиб қолган.

«Ал-Қомус ал-муҳит»да кўрсатилишича, «қитмир» лафзи «қитмор» шаклида ҳам учрайди, лекин уларнинг иккиси ҳам бир маънога эгадир.

«Қитмир» сўзи араб тилидан бизнинг она тилимизга ҳам кириб қолган ва ҳозирда унинг истеъмолда борлиги маълум. Бироқ маъноси кутилмаган даражада бошқача: «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзнинг «ўтакетган фитначи, доғули, ғаламис» маъноларида келиши қайд этилган. Албатта, бу маъно аввалги (аслий) маънога бевосита боғланмайди.

Ривоятнинг мазмунига асосланиб бўлса керак, ўзбек тилида «қитмирлик қилма» ибораси ҳам қўлланилади. Бу ибора билан «ўрни келганда ўз ниятингни олға сурма», «имкониятдан фойдаланиб қолишни ўйлама» деганга яқин маъно ифода қилинади. Чунки итни эргаштирмаслик учун ривоятда Асқобул-Қаҳф кишилари уни ўзларидан ҳайдаб кўрган, ипга боғлаб урган эдилар, ит тилга кириб: «мен ҳам сизларга ўхшаган жонворман, мени ҳайдаманглар, элта беринглар» деб гапириб юборган ва бу ҳолга у ерда турганлар ажабланган эдилар. «Қитмирлик қилиш» - ана шу маънога нисбатандир.

Алишер Навоийнинг «Муншаот» асарида «қитмир» сўзи «нақир» билан биргаликда «нақиру қитмирига етишиладур» тарзида учрайди. Бироқ «Навоий асарлари изоҳли луғати»да «қитмир» сўзига «сўнг, охир» деб маъни берилгани ҳолда, «нақир» - «майда-чуйда, ҳеч нарса, арзимас нарса» деб тушунтирилган. Ваҳоланки, «нақир» билан «қитмир» жуфт ҳолда келишининг ўзи бу сўзларнинг маънода ўзаро яқинлигини кўрсатади. Улар жуфт ҳолда «бошдан охиригача», «ипидан игнасига қадар», «икир-чикиригача» сингари умумлаштирилган маъно беради. Бу ҳол «қитмир»нинг юқорида тилга олинган маъноларига яқиндир.

Қуръони каримдан ўрин олган биргина сўзнинг маъноси ва унинг муфассирлар томонидан изоҳланиш тарихига оид бу кузатишлар бизга, энг аввал, қуръоний лафзларнинг ҳар бири

Ўз ўрнида аниқ ва чегарали қуйма маънога эга эканини намоён этса, иккинчидан, бу мўътабар оятлар мазмуни билан таништиришда донишманд муфассирларнинг у ёки бу тил имкониятларига ниҳоятда хушёрлик билан ёндошиб келганликлари ҳамда бу масъулиятни ҳеч қачон унутмаслик лозимлигини кўрсатади. Айниқса истиқлол шарофати билан исломнинг асл сарчашмаси - Қуръони каримдан илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилаётганлигини инобатга олиб, унинг ҳар бир сўзига алоҳида масъулият билан ёндашиш талаб этилмоқда.

*Алишер ТЎХТАСИНОВ,  
юридик фанлар номзоди, меҳнат фахрийси*

## ҲАЖ САБОҚЛАРИ

Ҳар бир эътиқодли мусулмон муқаддас Каъбатуллоҳ зиёратини, хоҳ у Умра, хоҳ Ҳаж шаклида бўлсин, адо этишга интилади.

Мамлакатни шўролар ва комфирқа бошқарган даврда СССР деб аталган бепоен юртда яшаган мусулмонлар 70 йилдан ортиқ вақт Каъбатуллоҳ зиёратидан маҳрум эдилар, шунинг учун ҳам юртимизда «ҳожията» ёки «ҳожияна»лар деярли топилмас эди.

Мустақиллик шарофати билан келажаги порлоқ диёримиз — Ўзбекистонимиз мусулмонлари муборак Ҳаж сафарига бориш ва Маккаи Мукаррамани ҳамда Расулуллоҳнинг Равзалари Мадинаи Мунавварани зиёрат қилишдек улуғ неъматта муяссар бўлдилар.

Шу ўринда ҳурматли юртдошларим эътиборини масаланинг бир муҳим қиррасига қаратмоқчиман: Истиқлол даврида Ўзбекистондан 30 мингдан ошиқ киши Ҳажга борган бўлса, камида шунча одам Умрага ҳам боргандир. Бу дегани Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 240 кишидан биттаси Ҳаж ёки Умра сафари

қилишга улгурди. Бунинг учун ҳукуратимиз ва Президентимизга ҳар қанча дуолар қилсак – арзийди.

Ушбу сатрлар муаллифи ҳам муборак Ҳаж сафарига бориш, муқаддас Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш каби Ҳақ таолонинг буюк неъматидан баҳраманд бўлган оддий фуқароларданман. Муборак сафар билан боғлиқ айрим таассуротларимни баён қилишни, гумроҳ қалбимда содир бўлган оламшумул кечинмаларни баҳоли қудрат сўзлаб беришни, ҳали Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварада юрган бахтиёр онларимда ният қилган эдим.

Аввало Ҳаж ибодати нима? Унинг Оллоҳ ислом аҳлига фарз қилган бошқа ибодатлардан фарқи-чи?

Ҳаж ибодати муқаддас динимизнинг беш асосий устуллари – фарзлари ичида энг машаққатлиси, шу билан бирга энг шарафлиси бўлиб, инсон қалбини ларзага солувчи, унинг жисми ва руҳини мутлақо пок, бокира ҳолга келтирувчи, Оллоҳнинг севган бандасига насиб этган юксак неъматдир. Бу ибодатни бошқа ибодатлардан фарқи – унинг машаққат ва изтиробларга бойлигидир. Ана шу изтиробларнинг энг оғири, ипқилиб, сафардан қолиб кетмасам бўлгани, деган ташвиш, ҳадик...

Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинким, бу машаққат ва изтиробларнинг асосий қисмини истиқлолга эришган давлатимиз ва диний идора ўз зиммасига олган, зиёратчиларга ҳам моддий, ҳам жисмоний, ҳам руҳий енгилликлар яратган.

Арабистон иссиғига чидаш, Каъбатуллоҳдаги Қоратош атрофида, Сафо ва Марва тоғлари орасида лак-лак одамлар ичида, баъзан тан жароҳати олиш даражасидаги сиқувлар, дам секин, дам югурган ҳолда саъй қилиш, шундай ҳолатда ҳам зарур дуоларни шахсан ёки жамоа бўлиб зикр қилиш, Ҳажнинг фарзлари, вожиблари ва суннатларининг барчасини ихлос билан адо этиш ҳам осон кечадиган жараёнлар эмас. Шуларнинг ҳаммасига бардош берган, қийинчиликларни писанд этмасдан шукроналик билан енгиб чиққан ШАХСгина ҲАЖ ибодатини бажарган бўлади, «Ҳожи» деган мақомга эришади.

Ҳаж ибодатининг бошқа ибодатлардан яна бир фарқи шундаки, бу ибодатни адо этувчи мусулмон озод, мулкий таъминланган, жисмонан соғлом, ақли расо инсон бўлиши лозим. Бу шартлар сафарга борувчилар ёки юборувчилар томонидан бузилса, сафарга борган одамнинг ўзига ҳам, зиёратчиларга хизмат қилаётган инсонларга ҳам муаммолар туғдиради. Бунга

амал қилмаслик баъзан кўнгилсиз ҳолатлар билан тамом бўлиши мумкин. Кўрганымдан мисоллар келтираман: Бахмал туманидан Ҳаж зиёратига борган Б. исмли қария жияни Абдурасул назоратида юрди. Минода бир ҳужрада турдик, қариянинг ақлан заифлиги шундоққина кўриниб турибди. Арафотда йўқолиб қолди, топилгунга қадар кўп ташвиш чеқдик. Тошкентдан қизи ҳамроҳлигида борган З. исмли аёл қон босимининг ўта баландлиги туфайли ўзини ҳам, қизини ҳам, шифокорларни ҳам қийнади. Ибодатларга ярамасдан, шифокорлар назоратида ётган бошқа беморларни ҳам кўрдик...

2001 йил феврал-март ойларида муқаддас Ҳаж сафарига борганларнинг ҳаммаси бахтиёр одамлар эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Аввало, уларга қилинган хизмат ўта маданиятли, диний маърифатли, араб тили, ислом фарз, суннатларини тўла эгаллаган йигитларимиз томонидан, ахлоқан ибратли тарзда амалга оширилгани, зиёратчилар соғлиги учун қайғурган ўзбекистонлик тиббиёт ходимларининг жонбозлиги, дори-дармонларнинг етарли таъминланганлиги, Саудия Арабистонидаги Ўзбекистоннинг Бош консули Одилжон Саидикромовнинг одамийлиги, ташкилотчилиги, одоби, билим доирасининг кенлиги офаринга лойиқдир. Шундай одамлар билан шахсий мулоқотда бўлганим, уларнинг бевосита ёрдамида муборак сафар шартларини мукамал амалга оширганимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Уларга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Мен туғилган, улғайган, шаклланган даврим шўро замонасига тўғри келди. Марксча-ленинча дунёқараш вужудимизга, дилимизга сингдирилган эди. Аммо мусулмон оилада туғилганлигим, отам, онамнинг исломга бўлган эътиқодлари замирида ўстаним туфайли, ҳар қандай шароитда ҳам Оллоҳдан узоқлашмадим. Дилимда ҳамма вақт «Ло илоҳа иллаллаҳ» сақланган. Исломи динига, унинг намоёндаларига қарши, масжиду мадрасага қарши бирор сўз айтмаганман. Шундай экан, ушбу мақоланинг бошланиш қисмида нима сабабдан «қалб гумроҳ»лигини тан олдим? Сабаби бундоқ: Куръони каримдан бир неча кичик сураларни, ҳазрати Ёсиндан 1-2 оятларни ва бошқа дуоларни ёд билсам-да, Оллоҳга иймон келтирганим, рўза тутганим ва закот берганим кўпчиликка маълум бўлса-да, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларидан

хабардор бўлсам-да, ҳамма мазҳаблар ҳақидаги таълимот ва аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»сини варақлаб чиққан бўлсам-да, инсон билан Оллоҳнинг кундалик мулоқоти намоз ибодатини ёшлиқдан адо этмаганим, ҳеч бўлмаганда истиқлол йилларида, ҳеч бўлмаганда, бомдод намозининг ўқиб юрмаганим учун ўзимни гумроҳ деб аташга лойиқ топдим. Буни менга Маккаи Муқаррама сафари англатди, Каъбатуллоҳ уқтирди. Бу биринчи сабоқ.

Ҳаж сафарида юрганимда Муҳаммад алайҳисаллом ватандошларининг ўз Ватанига бўлган муносабатига эътибор бердим. Тез-тез такрорланаётган «Ватанни севмоқ иймондандир» деган ҳадисни ҳам эсладим. Арабларда Ватанни севиш ўз юрти дунё мусулмонлари учун қиблагоҳ эканини ҳис этиш, муқаддас жой ва биноларни эҳтиёт қилиш, шариат қоидаларига риоя этиш, ёлгон-бўхтондан қочиш, ўзгаларнинг ҳақиқа хиёнат қилмаслик, кайф берувчи ичимлик ва наркотик моддаларни ватанларига киритмаслик, тоат-ибодат ва меҳнат билан шуғулланиш каби умуминсоний қадриятлардан иборат эканлигини ҳис этдим. Бизда ҳам шу тариқа иш юритса бўладими? Фикримча, умуминсоний қадриятлар ҳар қандай тузумда ҳам бир хил мазмунда талқин қилиниши жоиз. Шу ўринда шиоримизга айланиб кетган «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадисига қайтамыз. Буни қандоқ тушунмоқ лозим? Ватан деганда нима англанади? Унинг тупроғими, сувими, ҳавосими... ёки бу тушунчага давлат тузуми, ўрнатилган қонун-қоидалар, халқ, ишонч-эътиқод ва бошқа заруратлар ҳам кирадими? Ватан қаердан бошланади? Бу саволларнинг адоғи йўқ. Аммо Ватанни севиш, аввало, уни ёвузликлардан муҳофаза эта олиш, илм-фан равнақини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини кафолатлаш, камчиликларга муросасиз бўлиш ва, ниҳоят, қонун устуворлигига эришиш демақдир.

Мен Каъбатуллоҳдаги Қоратошни ҳар тавоф айлаганимда, Сафо ва Марва саъйи адоғида тегишли дуоларга қўшимча одамлар тақдири билан ишловчи мансабдорлар қалбига буюк Амир Темуримизнинг «Куч адолатдадир», Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «...халқ ҳамма нарсага чидайди, у фақат адолатсизликка чидамайди» деган ўчмас ва ўлмас дуо мақомидаги сўзларини сингиргин, деб Оллоҳ таолодан такрор-такрор илтижо қилдим, мадад сўрадим. Ватан учун куйиб, ёниб яшашни,

ҳалқини ардоқлашни, қонуналарга сўзсиз риоя қилишни, унинг ҳамма учун тенглигини англаб етишларини, огоҳлик, ишонч, биродарлик туйғуларини ҳаммага насиб этишини тиладим. Бу иккинчи сабоқ.

Ўзбек аёли ҳаё, латофат тимсоли экани азалдан маълум. Бизнинг аёлларимиз севги-муҳаббатнинг вафодорлари, ажойиб уй бекалари, меҳрибон она, оиланинг чироғи, таянчи бўлиб келганлар. Шу боисдан бўлса керак, «отаннинг молу чорбоғи билан қолгандан кўра, онангнинг пилта каштаси билан қолган афзалроқ» деган мақол халқ орасида кенг тарқалган.

Ёрларига вафодорлик намуналарини намойиш этган ва уларни Эр бўлишида фавқулодда жасорат кўрсатган ўзбек аёллари Бибиҳоним, Нодирабегим, Кумушбиби ва бошқаларни эслам. Шу ўринда бизнинг поқдоман аёлларимиз қалбига «эрни эр қилиш» намунаси сифатида пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳисаломнинг суюкли хотинлари Биби Ҳадича (р.а.) онамизнинг тенгсиз жасоратлари: эрга ҳам мулкий, ҳам маънавий ёрдамлари, эр туфайли келган чидаб бўлмас қийинчиликларга, шукроналар билан бардош берганлари таъсир этган ва, охир-оқибат, ўзлари ҳам тарихий шахслар мақомига эришганлар, дегим келади.

Оламга машҳур буюк зотлар Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, ал-Форобий, ал-Фарғоний, аз-Замахшарий, Улуғбек, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур... ҳе-ҳе, яна қанчадан қанча олиму фозилу киромларни, давлат арбобларини, лашкарбошчиларни берган бизнинг мунис оналаримиз. Демак, катта тарихимизни камтар, хокисор онахонларимиз яратганлар. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда ва, ҳаёт қанча давом этса, шунча давом этаверади. Буни чуқур идрок этган Президент Исроом Каримов кейинги йилларни «Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод», «Она ва бола» йиллари деб атаб, бир-бирига чамбарчас ва бир-биридан ажратиб бўлмас ҳолатларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этмоқда. Буни табриклаш ва олқишлаш лозим.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, бизнинг аждодларимиз орланган, азиз момоларимиз табиатига мутлақо ёт енгил-елпи, ношаръий ҳаёт йўлларига кириш айрим сабрсиз аёллар орасида кейинги 5-6 йил ичида кузатилмоқда. Бизда аёллар ҳар қандай

иқтисодий қийинчилик («Мардикор одди», «Октябр тўнгарипи», «НЭП», «Коллективлаштириш», «Қатагон йиллари», уруш йиллари, урушдан кейинги оғир даврлар, мамлакатни Гдьянлар эгаллаб олган ҳақсизлик йиллари) даврларида ҳам фаҳшга қадам қўймаганлар. Аёлларнинг фаҳшга кимлар томонидан ва нима сабабдан тортилишидан қатъий назар, бу – бизнинг жамиятимиз, унинг келажаги учун энг оғир, энг уятли ва энг хавфли ҳолатдир. Бундай ҳолатга қарши курашга барча кучларни сафарбар этмоқ зарур. Фаҳш оммалашса, келажаги буюк жамиятда одоб-ахлоқ, ҳаё, номус оёқ ости бўлади, умуминсоний, ва айниқса, диний қадриятлар топалади. Иқтисодий қийинчиликка маънавий таназзул қўшилиши ўта хавфлидир. Чунки иқтисодий қийинчилик ўткинчи ҳодиса, маънавий таназзул эса ҳаётнинг сўнишидир. Бу учинчи сабоқ.

Ўқишнинг, билишнинг, илм-маърифатнинг ҳаммага зарурлиги ҳақида ўтган азиз-авлиёлар ҳам, идеалисту материалистлар ҳам, марксизм-ленинизм ижодкорлари ҳам фикр юритганлар. Бу масалага муқаддас Қуръони карим ва муборак ҳадисларда ҳам катта эътибор берилган, мусулмонларнинг билими, маърифатли бўлиши зарурлиги уқтирилган. Нима учун?

Бу саволга замонлар давомида алломаи киромлар, машойихлар, назарийгчилар жавоб излаганлар, ҳисобсиз китоблар ёзганлар, ҳозир ҳам бу жараён давом этмоқда.

Авалло ўқимишли, билимдон кишининг қалби зиёга, саховатга бой бўлади. Саводхон инсон атрофида кечаётган ҳамма воқеликларга ақли етадиган, келажакни кўра биладиган одамдир. Зиё ва саховатта тўла қалбда одамийлик, эзгулик, яхшилик, меҳр-шафқат, тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, интизом, адолат ҳукмрон бўлади. Бундай қалбга огоҳсизлик, лоқайдлик камроқ ин қуради, шайтон ҳам кира олмайди. Адабиёт, санъат ва маърифат каби инсон ақл-заковати чўққилари ҳам илмнинг хосиятидир. Илмий асосга қурилган ҳар қандай режа, ислоҳотлар муаммоларсиз ечимини топади. Жамият тараққиёти сир-синоатлари ҳам илмга боғлиқ. Тараққий этган мамлакатлардаги фаровон ҳаётнинг манбаи ҳам илмдир. Мана, юқоридаги «Нима учун?» деган саволга қисқача жавоб.

Шундай экан, мамлакат фуқароларини ўқимишли қилиш учун нималар қилмоқ даркор? Бунинг учун Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан маориф соҳасида, маърифат соҳасида

кўтарилган фикрлар-ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш, бу улў ҳаракатда хайбаракаллачиликка асло йўл қўймаслик даркор. Маърифат, маънавият, инсон камолоти маддоҳликни, сунъийликни ёқтирмайди, тинимсиз изланишга, ҳақгўйликка, илмга асосланади.

«Интиланганга – толе ёр» деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Илм эгаллашга интилиш – бахтиёрлик, ялқовлик-лоқайдлик эса бахтсизликдир.

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Умид» жамғармаси, «Камолот» ижтимоий ҳаракатига Ўзбекистоннинг келажаги деб ёндошмоқ – давр талаби. Илмга чанқоқ иқтидорли ёшларни қишлоқлардан, шаҳарлардан, болалар боғчасию мактаблардан ҳамма баробар излаши, топиши, уларга ғамхўрлик қилиши, авайлаб вояга етказиши – умумдават миқёсидаги вазифа эканини барча тушуниши даркор.

Бизнинг диёримиз буюк илм-маърифат эгалари, дунё миқёсида ном таратган, ўз соҳаларининг тенги йўқ билимдонлари деб тан олинган алломалар ватанидир. Меросимизни ўрганиш, ардоқлаш ва қадрига етиш ҳам илм орқали амалга олирилади. Илмий-тарихий манбаларни ўрганиш учун, албатта, араб, лотин ва кирил алифболарини билиш даркор. Бизнинг томирларимизда буюк аждодларимизнинг пок қонлари оқаётганини англамоғимиз, улар қолдирган меросдан оқилона фойдаланиш ва имконият даражасида замонга мослаб ривожлантиришга масъул эканимизни, Президент таъкидлаётганидек, дилдан ҳис этмоғимиз лозим. Бу ўта оғир, машаққатли, аммо шарафли вазифани бажариш ҳам илм орқали, баҳс, мунозара, мушоҳада ёрдамида бўлади. Олға сурилган фикрларни баҳолашда ўзгача фикр юритганларга чидамсизлик, тоқатсизлик қилмаслигимиз, уларни душман деб билмаслигимиз зарур. Аксинча, ўзгача фикрнинг нотўғрилигини илмий далиллар билан, босиқлик ила исботланса, фан, жамият ривожига фойда бўлади. Ёлғиз фикрлилик тараққиёт бўғоти экани тарихдан маълум. Илмда, фанда оппонент – қарши фикрсиз янгилик бўлмайди.

Яна бир муаммо ҳақида. Фикримча, ёшларга илм беришда қаерда билим бериш керак деган масаладан кўра, қандай ва кимлар ёрдамида билим бериш лозим деган жиҳатта кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Болани кошонага киритиб, чаласавод домлага тонширилса, лоқайдлик билан ўқитилса, ундан фойда



йўқ. Оддийроқ бинода бўлса ҳам билимдон қўлида ўқиган бола илмли бўлади, эскича айтганда, мулло бўлади. Ҳамма хатолар ортида билимсизлик, чаласаводлик ётишини англамоғимиз зарур. «Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган мақол ҳам шунга айтилган. Мутлоқ саводсизликдан кўра ҳам чаласаводлик хавфлироқдир. Худо жамиятни шундан сақласин.

Илм, маърифат, маънавият эгалари жоҳилликдан йироқ бўлади. Улар Президент И. Каримов айтганидек, гоёга гоё билан, жоҳилликка маърифат билан жавоб берадилар. Шу орқали жамият тараққиётига, халқнинг турмуш фаровонлигига, мамлакатда осойишталик, барқарорлик мустаҳкамланишига, миллий-диний қадриятлар тикланишига — юксалишига сабаб бўладилар. Бунда том маънодаги илмлардан бўлган муқаддас ислом динини билиш ҳам катта аҳамиятга эга эканлигига шубҳа йўқ. Мустақилликнинг ўн йиллик йўли бунинг энг ёрқин мисолидир. Бу тўртинчи сабоқ.

*Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,  
«Андижоннома» газетаси бош муҳаррири ўринбосари*

## АКА-УКАЛИК ОҚИБАТИ ЁКИ СИЛАИ РАҲМ ҲАҚИДА

(Одамийлик сабоқлари)

Бу фожеа алмисоқдан сал кейин рўй берди. Қобил Ҳобилнинг гулдай ҳаётига хотима ясади-ю, ака билан ука ўртасидаги адоват одамзотга мерос бўлди-қолди. Ҳолбуки, бу ёруғ, лекин омонат дунёда энг катта бахт биродарлар тотувлиги ва, аксинча, энг катта кўргулик ака-укалар орасидаги гина-қудуратдир. Чунки жигарбандлар ўртасидаги совуқлик отадан болага, боладан набира-чевараларга ўтиб, бутун бир авлоднинг парокандалигига сабаб бўлади.

Арзиманган араз туфайли Аббосий халифа Ҳорун ар-Рашиднинг суюкли фарзанди, замонасининг билимдон

Донишманди дея эътироф этилган, илк бор «Байт-ул-ҳикма» - «Донишмандлар уйи»ни яратган Маъмун ўз акаси Муҳаммад Аминни 813 йили нариги дунё сафарига узатди.

Адабиёт қироли Шекспир «Гамлет» фожеасини ёзаркан, акасининг тахтинигина эмас, ҳатто бахтини (хотинини) ҳам тортиб олган жоҳил ука тимсолида оламнинг бугун ёвузлиги мужассамлашганидан ўзи ҳам ҳаяжон ва изтироб ўтига қовурилганини яширмаган эди.

Шоҳруҳмирзонинг набиралари Муҳаммад Султон, Абулқосим Бобур, Мирзо Улуғбекнинг ўғиллари Абдуллатиф билан Абдулазиз ўртасидаги салтанат иштиёқида лашкар тортиб келишлар, муҳораба майдонида бир-бирларининг қонига ташна бўлиб, қилич яланғочлашлар тарихимизнинг энг қаро дамлари эмасмиди? Агар бу каби оғриқли воқеалар ўша ўрта асрларгагина хос бўлганида, эҳтимол, бугунги безовталиқка асос қолмасди. Афсуски, жигарбандлар орасидаги низолар, уруш-жанжаллар, ёқавайронликлар ҳанузгача давом этиб, маҳалла, жамоатчилик, жамият, боринг-ки, миллатнинг тинч-тотувлигига, шаъни ва гурурига соя ташлаётган ҳоллар, гарчи аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб турибди.

Яқинда тутуруқсиз, маъно-моҳияти сариқ чақага қиммат сўзлар ёзилган варақани тарқатиб юрган йигитни бозор дарвозаси олдида қўлга туширишди. Бу ҳолдан хабар топган ака нобақор укасини инсофга, диёнатга чақиритишга, шу йўл билан уни жамоатчилик қаҳридан қутқариб қолишга уринди. Бироқ, елкасида кўтариб катта қилган жигарбандининг панд-насихатлари гофил бандани гафлат уйқусидан уйғотолмади. Боз устига у ўз биродарини кўпчилиكنинг олдида ҳақорат қилди, бир онадан туғилганлигидан уялишини айтиб, дилига битмайдиган яра, оғриғи босилмайдиган азоб наштарини санчди. Бечора ака йиғлаб-йиғлаб оломон орасидан бош эгиб чиқиб кетди.

Майли, ўша йигит кимларнингдир қутқуси, қоп-қоп ваъдаси, хаёлий гояларига учиб, ақл-ҳушини ўғирлатибди. Энди у нафақат акасининг, айни чоғда, жамоатчиликнинг, маҳалла аҳлининг тавқи лаънатига учраб, жувонмарг бўлиши тайин. Бироқ турмушда сиёсий қарашлари, дунёқараши, ақл-идроки муштарақ бўлатуриб, НАФС кўйида бир-бирининг бошига не-не балоларни солаётган иниларни учратганинга ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши.

...Замонамизда икки ака-ука отамерос кафтдай бир ҳовлида яшардилар. Кунларнинг бирида ака укага тиш ёрди.

— Дўппидай хонадонда сиқилишиб қолдик, агар бир оз ёрдамлашсанг, чекимни битказиб олардим.

Ука чурқ этиб оғиз очмади. Сабаби, савол тўсатдан берилганлиги боис аҳли аёлининг бу масала бўйича фикрини билмасдан туриб аниқ бир гап айтишга ийманди. Эр-хотин бир қарорга келгунларича ака янги иморатни тиклади. Индамай ярим кўчини ташиб ҳам олди. Бироқ, ўтирган хоналарини бўшатмади. Чунки укасига нисбатан қалбида ниш уриб, алақачон кўкариб чиққан адоват энди унга тинчлик бермасди.

— Ака, имконингиз бор экан-ки, ҳайҳотдай қаср қурдингиз. Энди шу катакдай уйчаларни укангизга қолдирсангиз, осмон узилиб ерга қулайдими?

«Катта» бу кунни узоқ кутган эди. Етказганига шукур келтирди. Ич-ичидан галаба нашидасини туйди.

— Мен қора терга ботиб бошпана тиклаётганимда ёдинга келмаган укалингиз энди эсингизга тушдимиз? Чучварани хом санабсан. Бу жойни беш минг долларга сотаман. Кучинг етса ол, етмаса кучалани еган жойингизга бориб тириш. Бу гапимиз «хўжайин»ингизга ҳам айтиб қўй.

Сўнги жумла гап эмас, нақ мулжалга теккан замбаракнинг ўқи эди. Ука акасига сиртлондай ташланди. Ака, ака-да. Бу «илтифот»га ҳам жавоб ҳозирлаб қўйган экан. Бир имоסי билан кўчадан отилиб кирган иккита давангирдай гумаштаси чиллакидай ука жониворни бирпасда хамир ёйгандай чилпарчин қилиб ташлашди.

Салкам бир ой касалхонада ётганининг «заҳмати» зое кетмади. Энди турли идораларга арзномалар оқиб келаверди. Аканинг ҳисоб бермаган маҳкамаси, даки-дашном эшитмаган казо-казолари қолмади. Ниҳоят, сабр-бардоши тугаб, ука олдида тиз чўқди.

— Мен хом сут-у, сен пишганидан эмган экансан, ука, мингбад бу ҳол такрорланмайди, кечир энди.

Ука бу кунга қанчалар қон йиғлаб, маҳтал бўлганди. Аканинг долдай эгик қадди-баста ҳам унинг хуморини ёза олмасди.

— Сиз мендан эмас, келинингиздан авф сўранг.

Воқеани деразадан кузатиб турган келин қошларини чимириб, эрига дашном берди.

— Минг марта узр айтгани билан менинг асабим ўрнига келармиди. Яхшиси тезроқ қорасини ўчирсин, кўрсам юрагим ўйнаб кетяпти. Уйи ҳам, ўзи ҳам ордона қолсин...

Аканинг кўзларига қон қуйилди. Милтиқнинг ўқидай учиб,

кўчага чиқди. Машинасининг юкхонасидаги канистрини олиб кирди. Ўзининг болалиги кечган, ота-онасини сўнги манзилга қузатган уйга шошилиб-шошилиб бензин селди. Жон ҳолатда кўлига ёпишган укани бир тепиб, чўнтагидан ўт тутаттични олдию, йиллаб давом этиб келаётган машмашага бир нафасда хотима ясади-қўйди...

Ҳа, биродарлар. Ўзингники ўзагингни узади. Душман улоқтирган тош бошингни ёрар ва лекин ўзингники отган пахта ҳам дилингни вайрон этади. Шунинг учун ҳам Чигатой бошига қанчалар ғавго солган Маҳмуд Торобий ҳамқишлоғи Оловхон Юсуф қиличидан қонга беланиб ётар экан, «ўзингники ёмон оғритар экан», дея нидо қилганди.

Мен айтмоқчи бўлган гаплар шу эди. Айтдим-қўйдим. Айтдим-қўйдим, кўнглимда энгилик туймадим. Аксинча, яна ҳад-ҳудудсиз, чек-чегарасиз ўй-хаёллар гирдобига фарқ бўлдим. Ахир, нега инсон деб аталмиш ақл-ҳушли, зеҳн-фаросатли мавжудот келиб-келиб ўз биродарига, қавм-қариндошига, қондошига зулм ўтказиш, азоб бериш, жоҳиллик қилиш қусурларидан холи эмас. Ахир, қалин ўрмонзорда изгиб юрган дарранда-газанда ҳам бу каби хунрезликни ўз авлодига муносиб кўрмагани баробарида нега табиатнинг олий хилқати бундайин ситамкорликка мойил?.. Мулоҳаза қилиб кўрсангиз, бу нобакорлик асносида, энг аввало, бир иллат, иллат бўлганида ҳам иймон-эътиқодимиз, муқаддас китобимиз талабларига зид бир қусур, яъники НАФС БАЛОСИ ётар экан. Шу нафс, мол-дунё васвасаси онанинг тор қорнига сиққан ака-укаларни кенг дунёга сиғдирмай қўйганлиги инсоният учун, инсон учун энг катта фожеадир.

Яна бир сабаб, бу – ҲАСАД деб номланмиш қалбни кемирувчи зангдир. Аканинг шон-шухрати укани ич-этини тирнаб юборса, ёки уканинг омади акага ўзининг омадсизлигидай туюлса, бундан ортиқ бахтсизлик борми? Энди буларнинг устига яна адоват, кин, ўч олиш каби шайтоний қусурларни қўшайлик.

Алам қилади. Кези келганда тошни кемириб, сувни симирган, дардга сабрли, бало-қазоларга чидамли одам боласи наҳотки арзимас туюлган ва охир-оқибат мўмин-мусулмондай тенгсиз саодат кўркига соя ташловчи бетайин, мағзи пуч, ниҳояси ачинарли гуноҳларга қўл урса, манфаат домига тушиб, ўзлигини йўқотса, ўз жигарбандини унутса, унга жаннатий меҳр-оқибат офтоби ўрнига, жаҳаннамий қаҳр-газаб оловини пуркаса...

Буларнинг барчаси одамнинг зоҳиран бадавлату ботинан фақир ва нотавонлиги белгисидир. Зотан, маънавий баркамол,

комил инсон ҳеч қачон бу каби қалтис ва хатарли йуларга қадам босмайди. У «Чор китоб»даги «Кимки ўз қариндошидан бегонадур, номи ёмонлиг ила афсонадур» деган ҳикматта ҳамиша амал қилиб яшайди. Яна у пайғамбаримизнинг (с.а.в.) «Силаи раҳм (ака-укаси ва қариндошига кўрсатиладиган эзгулик) савобидек тез келадиган яхшилик йўқ», деган ҳадисини ёддан чиқармайди.

Ислоом олимларидан Заҳҳок ибн Мазоҳим шундай деган эди: «Шубҳасиз, бир киши силаи раҳм қилса, умридан уч кун қолса, Оллоҳ таоло унинг умрини ўттиз йил зиёда қилади ва агар акси бўлса, ўттиз йиллик умрини уч кунга тушириб қўяди».

Энди қуйидаги ривоятга эътибор беринг: Бир замонлар диёнатли, оқил ва инсофли одам яшаб, қазо муддати келганида омонатини топширибди. Чин дунёда унинг ўнг юзи-ю ўнг қўлидаги бошқа ҳамма аъзолари қоп-қора кўмирга айланганмиш. Йигит Яратганга муножот қилиб, йиғлабди: «Эй Холиқ, эй Эгам, мен фоний дунёда ўзимни гуноҳлардан тийиб яшадим. Энди бу кўргилик боиси недир?»

Шу он фаришталар унга изоҳ беришибди:

– Сен чин сўзни айтдинг, номаи аъмолингда гуноҳу савобларинг баб-баробар. Бироқ, сен у дунёда бирон марта якка-ю ёлғиз, бева синглингда «ҳолинг қандай?» дея хабар олмадинг, хаста дилига таскин беролмадинг. Шунинг учун бу ҳолга гирифторсан.

– Унда ўнг юзим ва қўлим соппа-соғку?!

– Боиси, кунларнинг бирида синглинг яшаётган қишлоқдан ўтаётганигда, ҳамроҳларингга «мана шу ерда эгачим истиқомат қилади», дея юзингни унинг хонадонига буриб, ўнг қўлинг ила кўрсатганингдир...».

Ҳа, ака-укалик, жигарбандлик шу қадар мустаҳкам тугунки, бу риштани узишга чоғланган инсон, шубҳасиз, икки дунё саодатига элтувчи муборақ йўлни ўз қўли билан вайрон қилган бўлади. Шундай экан, вақт борида туғишганларимиз ҳолидан хабар олайлик, уларга меҳримизни берайлик, пешонасини силайлик, дунёга келишимизга сабабчи улуғ зотлар – ота-онамиздан қолган ёдгорлик, омонат сифатида бошимизга кўтариб, ардоқлайлик. Ишонинг, ҳаётда ҳамма айрилиқларга дош бериш мумкин-у, бироқ оға-инини йўқотишдай оғир мусибат тошини елкада тутмоқ жуда оғирдир. Ахир, бу ёруғ дунёнинг энг катта бойлиги фарзандингиздан ҳам кўра ўз биродарингиз эмасидики, машойихлар ҳамиша «бола топилур, аммо биродар қайта тугилмас», дея бежиз таъкидламаганлар.

Лола ХЎЖАЕВА,  
филология фанлари номзоғи, доцент

Гулбаҳор ҚОБУЛЖОНОВА,  
ўқитувчи

Маҳфуза ҚЎЗИБОЕВА,  
ассистент

Муяссархон ОХУНОВА,  
ўқитувчи, Андижон давлат тиббиёт институти

## ИСЛОМ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ

Инсон камолоти, комил инсон тарбияси аждодларимизнинг ҳамиша диққат эътиборида бўлган. Ислом дини эса инсон камолоти даражасининг асосий мезони саналган. ХІҲ аср мобайнида исломга эътиқод қилувчи халқлар ҳаётининг барча томонларини ушбу дин аҳкомлари асосида бошқариб келинмоқда десак, муболаға бўлмайди. Бу таъсир жамият ҳаётида, ижтимоий ва оилавий муносабатларда, болалар тарбиясида ўз ифодасини топган.

Ислом динида инсон ва унинг тарбияси марказий ўринни эгаллайди. Исломдаги қонун-қоидалар, пировард натижада, инсонни эзгуликка, ахлоқий покликка, Оллоҳнинг яратувчилиқ қудратига ишониш, у яратган борлиқни том маънода англаш ва шукроналар келтириш ҳисси билан йўғрилгандир. Улар инсонни сабру қаноатли бўлишга ундайди. Халқимизда «сабрнинг тағи сариқ олтин» деган нақлнинг туб моҳияти ҳам ана шу ғоялар асосида майдонга келган дейиш мумкин. Муборак ҳадиси шарифларда айтилишича, Оллоҳ сабрлиларни кўпроқ севаркан. Бугунги кундаги ўтиш даврининг кишилари ҳам ана шундай сабрли, меҳнаткаш, Ватанига ва халқига фидойи, уни чин дилдан эъозлайдиган, фахр туйғуси қалбида жўш ураётган қалби пок, дили ва тили бир азиз инсонлардир. Таъбир жоиз бўлса, шундай дейиш мумкинки, ислом дини — буюқ қадрият, авлоддан-авлодга

утиб келаётган беназир хазина. Шунинг учун ҳам Европа олимлари Қуръонни дунё маданиятининг энг нодир асари деб таърифлаганлар. Дарҳақиқат, у тубсиз бир уммонки, унда ҳар бир инсон ўз ақл-заковати, юксак иродаси, чуқур тафаккури асосида «сузиб» юришга қодир. Ундаги ҳар бир сўз, фикр ақл тарозиси билан ўлчанади. Унинг моҳиятини тўла англаб етиш инсондан катта куч-қудратни талаб этади. Бу илм булоғидан баҳраманда бўлган ҳар бир инсон ўз-ўзидан камолотга бўй чўзади.

Ислоннинг асослари Қуръони каримдан кейин, кўпинча, шариф ҳадисларда баён этилади. Лекин шуниси ачинарлики, ҳаётда мазкур ҳадислардаги қадриятларга доим ҳам риоя қилинавермайди, баъзан номутаносибликлар кўзга ташланади. Нега шундай, деган табиий савол туғилади. Масалан, ҳаммага маълум бўлган ёлгон гапириш, фирибгарлик, судхўрлик гуноҳ ҳисоблансада, одамлар била туриб, бу гуноҳни одатий ҳолга айлантириб, баъзан эса, ҳатто «касб» қилиб олганлар. Сабаб уларда мустаҳкам иймон-этиқоднинг ҳали шаклланмаганлигидадир. Инсоннинг маслаҳи, мақсади, ўй-фикри, руҳий ҳолатлари билан мутаносиб бўлса, у воқеликка айланади. Биз ҳамма вақт оғиз тўлдириб ислоннинг муқаддаслигини, унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапирамызу, амалда эса аксинча — унинг эзгу талабларига риоя этмаймиз. Халқимизда шундай нақл бор: *«ўнта обиддан битта олим афзал»*. Бунинг замирида қанча маъно бор? Обид (ибодат қилувчи) ўзи учун ибодат қилса, олим бутун жамият, халқ, давлат манфаати учун меҳнат қилади. Бу ислон динида дунёвий илмларни ўрганиш юқори даражага қўйилганлигини кўрсатади. Чунки инсон яшар экан, табиат ва жамият қонунларини дунёвий илмларни ўрганиш асосида тушуниб етади. Диний илмлар инсонни руҳий ва маънавий юксакликка етакласа, дунёвий илмлар дунё моҳиятини англаш, инсон тафаккурини шакллантириш учун хизмат қилади. Ислон дини ва Қуръон илмининг умрбоқийлиги шундаки, унда умуминсоний ва миллий қадриятлар бирдек мужассам бўлган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён миллий қадриятлар, анъаналар ҳаёт саҳнасида қайтадан жой олди. Собиқ шўролар даврида диний билимларимиз, қадриятларимиз топталган эди. Тафаккуримиз ва онгимизга ёт

ғоялар «мажбурий-ихтиёрий» равишда сингдирилган эди. Халқимиз юксак маънавий қадриятларимиздан маълум даражада йироқлашган эди. Шунинг учун ҳам, юзага келган ғоявий бўшлиқ сабабли, ёт ғоялар қуршовига тушиб қолган диний ақидапарастлар, жумладан, «вахобий», «акрабий», «нур» каби кўлаб ноқонуний қўпорувчи гуруҳлар айрим ёшларимизнинг тафакқурига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу, албатта, давлатимиз ва халқимиз учун хавф тугдираётган салбий илаатлардандир. Юртбошимизнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатлари туфайли диний масалаларни очиқ-ойдин тадқиқ қилиш, ислом динининг Ватан равнақидаги улушларини ҳозирги ёшлар онгига сингдириш — шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланганлиги бежиз эмас.

*Одилжон САЛОҲИДДИНОВ,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
Андижон давлат тиббиёт институти проректори*

## МИЛЛИЙ УДУМ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Ўзбек халқи бой маънавият ва тарихга эга. Ўзбек миллатида шундай удумлар бор эдики, уларни ер юзининг бошқа бурчакларида учратмас эдингиз. Мана, ўшалардан баъзи бирлари: авваллари ота ўтирган даврага ўғил дафъатан қўшилмаган, отага тик қараб гапирмаган. Таом тановул қилишда ота-она келмагунча ҳеч ким овқатга қўл узатмаган. Ҳар қандай қийин, мураккаб ишлар олдидан кексаларнинг маслаҳатларини тинглаб, улардан фотиҳа олинган. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар кучи билан ҳашарлар қилинган, тансиқ таомлар пиширилганда қўшниларга улашилган. Эрталаб фарзандлар, биринчи галда, ота-оналаридан хабар олганлар. Эрта тонгда кўча эшиклари очилиб, ҳовли ва дарвоза



атрофлари супуриб-сидирилган. Кўча-кўйда ёши улуғларнинг олдидан кесиб ўтилмаган, саломлаштишни ҳеч ким қанда қилмаган. Бемор ва қарияларни зиёрат қилиш доимий одат бўлган.

Аждодларимиз сувни муқаддас ҳаёт сарчашмаси деб билиб, уни ифлослантиришни, заҳарлашни, ҳатто унга тупуришни, ахлат ташлашни гуноҳи азим ҳисоблаганлар. Ариқлардан зилол сувлар оқиб турган. Ёш болалар кулча нонларни оқизоқ қилиб, лунжларини тўлдириб, ҳузур қилиб ейишган. Қутплар, ҳайвонларга озор бермаганлар Янги фарзанд туғилган хонадондан она «алласи» доимо эшитилиб турган. Она қалбидаги яхшилик, эзгулик, поклик нури алла билан фарзанд қалбига утган. Бобо ва момоларимиз, ота-оналаримиз савоб нима, гуноҳ нима бободо тез-тез суҳбатлар ўтказиб турганлар. Ёшларга уларни зўр эътибор билан тинглаган ва уларга амал қилган. Шу удумларимиз, миллий қадриятларимиз асосида ёш авлодга ҳалоллик, ростгўйлик, бир-бирларига яхшиликни соғиниш, виждон, иймон, эътиқод, қатталарга ҳурмат каби олийжаноб маънавий фазилатлар сингдириб борилган.

Собиқ шўролар тузуми даврида кимларгадир тақлид қилиб, кимлардандир андоза олиб яшадик. Оқибатда миллий одоб-ахлоқ ва тарбиядан узоқлашдик, бировлар ҳавас қиладиган урф-одатларимизни оёқ ости қилдик.

Меҳр-оқибат камая бошлади. Бировларни иғво, ҳасад қилиш, истеъдодли шахсларнинг йўлини тусиш оддий ҳолга айланиб қолди. Виждондилардан кўра андишасизлар кўпайди.

Мана, мустақиллигимизни қўлга киритганимизга 10 йил тўлмоқда. Мустақиллик бизга эркимизни, миллий урф-одатларимизни, жаҳон тан олган удум ва қадриятларимизни қайта тиклаш имконини берди.

Эндиликда, келажак авлод тарбиясида миллий удум ва қадриятларимиз-ни тиклаш замон талаби бўлиб қолмоқда. Ёшлар онгига мустақиллик, озодлик туйғуларини, бир-бирларига меҳр-оқибатни, юрт ва юртдошларига, миллати, дини, тили, тарихи, маданияти, урф-одатларига ҳурмат намуналарини сингдириш бизнинг асосий вазифаларимиздир. Савол туғилади: маънавиятни бойитишни нимадан бошлаш керак?

Юртбошимиз «Маънавият инсонга она суги, ота намунаси ва аждодларимиз ўғити билан киради», — деган эдилар. Ҳар биримиз

она сути, она алласи аҳамиятини яхши тушуниб етсак, ота болаларига ўзининг барча хатти-ҳаракатлари билан ўрнак бўлса, уларга савоб, гуноҳ, увол, қарғиш тушунчаларини аждодларимизнинг ўтитлари мисолида тушунтириб борса, уларни меҳнатта ўргатса, оналар қизларни уйда тозаликка, орасталикка риоя қилишга, уй юмушларини бекаму-кўст бажаришга, мустақил ҳаётга тайёрласалар, шу хонадонда ҳамиша равшанлик, мусаффолик, бир-бирларига меҳрибонлик ҳукм суради. Бу муҳитда тарбия кўрган болалар ҳамма жойда шундай иш тутишга одатланади.

Тарбия — жиддий, узоқ муддатли, мураккаб жараён. Таълим ва тарбия ўртасида ҳеч қачон узилиш бўлмаслиги керак. Тарбия жараёни таълим билан тўлдириб борилиши керак.

*Козимжон НАЖМИДДИНОВ,  
вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари*

## ДИН ВА ШАХС

Виждон эркинлиги, бу фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Мазкур қоида — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31- ва 61 - моддаларида акс этган давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларида белгилаб берилган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг диний ташкилотлар ва диндорлар ҳаётида жуда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Эндиликда диний ташкилотлар эркин тарзда фаолият кўрсатмоқда, диний маросимлар эркин нишонланмоқда, улардан айримлари ҳатто дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Шундан бошлаб дин арбоблари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар.

Лекин ҳаёт қотиб қолмаганидек, қонунлар ҳам ўзгармас эмас, уларга ҳаёт доимо ўзгартиришлар киритиб борадики, бу объектив

эҳтиёж ва талаблар асосида юз беради. Юқорида тилга олинган қонун қабул қилингандан бери республикаимиз ҳаёти ва диний ташкилотлар фаолиятида жиддий ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик шароитида виждон эркинлиги ҳақидаги Қонунни қайта кўриб чиқиш ва унинг айрим томонларини тўлдириш, ҳуллас, уни янада такомиллаштириш, бугунги кун талаб ва эҳтиёжларига мослаштириш зарурати туғилди. Келажак ҳаётимиз учун ёшларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган виждон эркинлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил май ойидаги XI сессиясида кўриб чиқилди ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш, диндан жамият, давлат ва шахсга қарши бузғунчилик мақсадаларида фойдаланишга йўл қўймаслик, эркин, демократик ҳуқуқий давлат куриш, адолатли жамият барпо этиш, диндан бундан буён ҳам аҳолининг энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятларидан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилишни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш роялари янги таҳрирдаги қонуннинг мазмунини ва характерини белгилайди.

Эндиликда ўрта ва олий ўқув юрталарида диншунослик асослари махсус фан сифатида ўтилмоқда. Ёшларга диншунослик асосларидан таълим бериш, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар қатори, уларнинг дунёқараши, иймон-эътиқоди, ахлоқи ва турмуш тарзини шакллантиришда катта рол ўйнайди. Лекин минг афсуски, олий ўқув юрталарида дин тарихи ва назарияси бўйича бериладиган сабоқ, таълим мазмуни, замон талаблари даражасида эмас. Бунга кўп сабаблар бор. Аввало, олий ўқув юрталари учун мўлжалланган «Диншунослик асослари» дастурига ажратилган соатлар ниҳоятда кам. Натижада диншунослик муаммолари қисқа, юзаки тарзда ёритилади. Айниқса, бугунги кунда ҳамманинг оғзида бўлган «Диний экстремизм ва фундаментализм» махсус курсининг ўқитилишини бир оз бўлса-да, кучайтириш зарур.

Ҳозирги шароитда диний-маърифий ишларни илмий асосга қўйиш, бунинг учун мактаб ва ўрта махсус билим юрталари учун алоҳида «Диншунослик асослари» дарслигини яратиш зарур. Мазкур дарсликларда исломга жиддий эътибор бериш, унинг

асосий аҳкомларини ўқувчи имконияти даражасида тушунтириш лозим.

Олий таълимга келсак, унинг йўналиши, ихтисослигидан қатъий назар, «Ислоҳ — ўтмишда ва ҳозирда» махсус курсини жорий қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Токи бўлажак мутахассисларимиз дин тўғрисида ҳам етарли, атрофлича, етук маълумотга эга бўлсинлар.

Президентимиз айтганларидек, «*олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонда бўлган ҳафв ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, ёшларимизни ёмон кўзлардан асрашлари ва ҳимоя қилишлари зарур*».

Қамчибек КЕНЖА,  
Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби

## ОРТИНГИЗГА ҚАРАЙВЕРМАНГ...

Ота-боболаримизнинг бир неча авлоди мустақиллик орзусида армон билан ўтиб кетишди. Қаңчалари бу йўлда қурбон бўлишди. Улар эришолмаган буюк ҳурриятта, улар етишолмаган рўшнолик, порлоқ кунларга биз етдик, уларга насиб этмаган тил эркинлиги, дил эркинлигини сизу бизга насиб айлади!

Хўш, бизга яна нима керак? «*Америкада ундоқ, Америкада бундоқ...*» эмиш. Хўш, сиз Американинг бузунги даражага неча юз йилларда етиб келганини ўрганиб чиқдингизми? «*Шўро замонида совун 19 тийин, гугурт бир тийин эди*» дейсиз... Хўш, ўша тийинлик нарх-навога қанча қурбонлар, қандай йўқотишлар эвазига муяссар бўлинганини бир ўйлаб кўрганмисиз?

Хўп, ўша мазаси оғзингизда қолган шўро замонини олайлик. Ахир иқтисодий жиҳатдан халқ олтмишинчи йилларнинг охиридагина рўшнолик кўра бошлади-ку. 1963 йилда қора

булгага навбатда турганимиз ёдимиздан кўтарилдимиз? Ундан авваллари-чи? 1917 йили Чоризм қўшинлари томонидан «босмачиларга қарши кураш» шиори остида Урта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда оммавий қиргин-баротлар ўтказилганини босқинчилар халоскорларимиз қилиб кўрсатилган киноларда наҳотки кўрмаган бўлсангиз? «Чоп-чоп» деган қабоҳат, ёвузликлар ҳақида эшитмаганмисиз? Ахир ўшанда миллионлаб ота-боболаримиз қирилиб кетишди-ку.

Динга қарши кураш ниқобида минглаб намли одамларнинг «қулоқ» қилиб қувилиши, уларнинг Қашқар ва бошқа хорижий юртларга тирқираб кетганларини биласизми? Мабодо, сизнинг қариндошларингиз ичида бундай оғир қисматни бошидан кечирганлар йўқ бўлса ҳам, лоақал ўша мудҳиш воқеалар тўғрисида қулогингизга чалингандир?

30-йиллардаги оммавий қатағонлар, жумладан, ўзбек зиёлиларининг сара гулларини худди гўзани чеканка қилгандай ёппасига «чилпиб» ташланганини ва уларнинг аксарияти Россиянинг энг чекка, энг олис, энг совуқ ҳудудларида аянчли тарзда қазо топишганини лоақал китоблардан, газета-журналлардан ўқиётгандирсиз? Лоақал Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби беқиёс истеъдод соҳиблари, ҳақиқий ватанпарвар ва миллатпарварларимизнинг жувонмарг бўлиб кетишганига ачинарсиз, юрагингиз озгина ачишар?

1939 йилда бошланиб, деярли етти йил давом этган иккинчи жаҳон урушида миллионлаб ўзбек эркаклари — боболарингиз, оталарингиз, буваю тоғаларингиз «улуғ Ватан учун» шиори остида ўққа учишганидан наҳотки хабарингиз бўлмаса? Ўша уруш давларида бу ёқда, яъни фронт ортида эналарингиз, оналарингизнинг қанчалар азобу уқубат тортишгани, жамият деган улкан рўзгорни тебратиш ҳам, фронтдагиларга кийим-бош, озиқ-овқат етказиб бериш ҳам бева аёллару ота-онасиз муштдай қизлар — сизнинг опаларингиз, амма-холаларингиз гарданига тушганини ҳам, эҳтимол, унуттандирсиз?

Урушдан илгарироқ юз берган очарчилик, қимматчилик, қаҳагчилик каби балои офатлар қанча ўзбекнинг ёстигини қуритганини ўша замонларни сал-пал билган ёки эшитган кексалардан бир сўраб кўринг, биродар. Ён қўшнилари, қариндош-уруғларининг шўра, кепак қовуриб, кунжара қайнатиб еб, ичи қотиб ўлганларига шоҳид бўлганлар ҳозир ҳам топилади.

Эллингчи йилларда яна юрт бошига қора қуюндай бостириб келган «қама-қама»лардан, саксонинчи йилларнинг бошларидаги «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган «ёрилиқ»лар ёпиштирилиб, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик соҳасидаги минг-минглаб мутахассисларнинг яна қатлу бадарга қилинганини ўзингиз ҳам биларсиз, ёдингиздан бутунлай кўтарилиб кетмагандир, биродар! Ахир, бу мудҳиш воқеаларга эндигина ўн беш-ўн олти йил бўлди-ку!

«Меркоптопос» деган оғуни билармидингиз? Билмасангиз, уни ҳам катталардан сўраб кўринг. Ғўза баргини тўкишга мўлжалланган бу захри қотил қанча-қанча норғул йигитлар, қиз-жувонларнинг жигарини, буйрагини қуриган ғўза баргидай қовжиратиб ташлаётганини халқ тахмин қиларди, шифокорлар аниқ билишарди, лекин буни айтиш, «меркоптопосдан заҳарланган» деб ташхис қўйиш асло мумкин эмас эди. Касалларнинг ўзлари ҳам миқ этишмасди, миқ этишолмас эди. Ҳозиргача давом этиб, наслдан наслга ўтиб келаётган болалардаги нимжонлик, қиз-аёллардаги камқонлик, сариқ касали ва бошқа кўп дардларнинг иддизи ана ўша даврга, худди шу заҳарга бориб тақалади. Ахир, бу мутелигимиз аломати эмасмиди?

Булар-ку, жисман қурбон берганимизга мисоллардир. Маънан, руҳан маҳв этилганимиз, қалбларимизнинг мажруҳ қилинганлиги, иймон-этиқодимизга дарз кетганлиги-чи? Масалан, фарзандларда ота-онани ҳурмат қилиш, улардан ҳайиқиш ҳисси пасайиб, аксинча, шарқликлар, мўминлар табиатига ёт бўлган андишасизлик, бетга чопарлик, шаккоклик куртаклари барг ёзди, катталарда эса ўзида бориға қаноат қилмаслик. Ношукурлик. Худбинлик чирмовиқдай ўсиб, уларнинг бутун вужудию қалбини ўраб олди. Ёлғон гапириш, бировни алдаш, бировнинг ҳаққини ейиш гуноҳ эканлигини эсдан чиқараётдик. Гуноҳ билан савобнинг, ҳалол билан ҳаромнинг чегарасини йўқотиб қўйдик.

Амаддор, мансабдорлар орасида порахўрлик авж олди. Хиёнат ҳаётнинг бош қаҳрамонига айланишига сал қолди. Хотинининг ўзгалар билан «дон олишиб» юрганини сезса ҳам, аёл кишига зулм ўтказишда айбланишдан, жавобгарликдан қўрқиб, мум тишлаб яшайверадиган «замонавий эркак»лар пайдо бўлди. Лекин улар ҳам аламини «бошқалар»дан, ароқдан олиб, ўзларини овутиб юраверишди. Оқибатда эр-хотин, ота-она-болалар ўртасидан

меҳр кўтарилди, оила кўрғони деворларига дарз кетди.

Бу иллатларнинг ҳаммаси ота-онага ҳурматни, эркаклар билан аёллар ўртасидаги шарм-ҳаёни қонун даражасига, сабрни иймон мақомига кўтарган ислом дини ва унинг бош манбаи — муқаддас Қуръони каримнинг шўро сиёсати томонидан ман этилганлиги, иймон-эътиқодимиздан узоқлаштирилганимиз оқибати, асорати эмасми? Буларнинг алам ва жабрларини тортыпмиз-ку? Қонимиз бундай тошқоллардан тозалангунча ҳали кўп жабр тортишимиз турган гап. Ё қорнимиз тўйиб юрса, совун арзон бўлса басмиди? Фурурдан кўра гугурт муҳимроқми? Ахир инсон фақат қорин учун яшамаслиги билан бошқа жониворлардан фарқ қилади-ку, тўғрими? Парвардигор шунинг учун ҳам одамзотга ақл, мушоҳада салоҳиятини ато этган-ку! Янги йўлдан олисни кўзлаб бораётган одам орқасига қарайверса, биринчидан, йўли унмайди, иккинчидан, қоқилиб, бурни тошга тегиши мумкин. Шуни унутмайлик.

Мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида бошлаган эзгу ишларимизни собитқадамлик билан давом эттириб, Ўзбекистон деганда қалби фурурга тўладиган истиқболи порлоқ, келажаги буюк, озод ва обод жамият қурайлик.

*Қобилжон АЛИМОВ,*

*Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари  
Кенгашининг Андижон вилояти бўлими раҳбари*

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бўлимимиз фаолияти миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ва демократик тамойилларни кучайтиришга ҳамда хорижда яшаётган андижонлик ватандошларимиз билан

маданий-маърифий алоқалар ўрнатишга қаратилган. Бундай масъулиятли вазифани вилоят ҳокимлиги ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширмоқдамиз.

Вилоятимизда ўнлаб миллат вакиллари аҳиллик билан иқтисодий ислохотларни мустаҳкамлашдай улутвор ишларда фаол иштирок этмоқдалар. Қирғиз, уйғур, корейс, рус ва арман миллатларига мансуб вакиллари бирлаштирган миллий-маданий марказлар ҳам кенг фаолият курсатишмоқда. Андижонга таширф буюраётган маданият, маърифат, илм-фан намояндаларидан иборат хорижий делегацияларни ва республикамизда фаолият курсатаётган элчихоналарнинг вакиллари мазкур марказлар билан биргаликда кутиб олиш ҳамда уларнинг маданият кунларини ўтказиш орқали вилоятимиз билан яқиндан танишишга ҳар томонлама ёрдам бермоқдамиз.

Айниқса, шаҳримизда ҳиндистонлик мусаввирларнинг бадий асарлари кўرғазмасини намойиш этилишида ва вилоятимизда Қирғизистон маданият кунларини ўтказилишига бўлимимиз муносиб ҳисса қўшди. Бундай ҳамкорликни Президентимиз И.А. Каримовнинг *«биз барчамизни бирлаштириб турган муҳим-туркий халқларнинг тарихий, маънавий ва маданий яқинлиги эканлигини жуда яхши англаймиз»*, деган таъбирларининг яққол исботи деб қарашимиз мумкин. Бўлим қошида турли мамлакатларнинг дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Германия билан дўстлик жамияти аъзолари фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ўзбекистон ташқарисида, яъни хорижий давлатларда ҳам ўзбек миллатига мансуб фуқаролар анчагина. Бўлимимиз улардаги дўстлик жамиятлари ва уюшмалари билан алоқалар ўрнатган. «Америка туркистонликлари», «Австралия ўзбеклари», «Германия-Ўзбекистон», «Хитой-Ўзбекистон» жамиятларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур жамиятларнинг аъзолари ўша давлатларнинг обрў-эътиборли кишилари бўлиб, ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан барчага ўрнатқан бўлишмоқда. Улардан бири — Англия фуқароси Абдулло Латиф ўзининг шахсий даволаш клиникасига раҳбарлик қилади. Хорижлик ватандошларимиздан Туркияда Фотима Боштуғ, Абдуқодир Ган, Лутфуллоҳ Лутфуллоҳ Темур, Тожикистондан Маҳбуба



Мамажоновалар вилоятимизда иқтисодий фаолият билан шуғулланиш имкониятлари борлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Бўлимимиз амалдаги қонунлардан келиб чиқиб, ушбу имкониятларни рўёбга чиқаришга дахлдор тақлифларни уларга тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президентимиз нодавлат ва жамоат ташкилотларининг масъулияти ва вазифаларини янада ошириш хусусида тўхталиб, шундай деган эдилар: «Қонун асосида ташкил этилаётган нодавлат, ношижорат ва жамоат ташкилотлари фақат хайрия ва мурувват муассасаларига айланиб қолмасин. Тўғри, хайрия ишлари ҳам жамоат ташкилотлари фаолиятининг бир жиҳати, лекин асосий томони эмас. Уларнинг бош вазифаси — энг аввало, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир».

Миллатлараро тотувликни, дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш орқали мустақил давлатимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашни бош вазифа деб биламиз. Бунинг ижроси учун бор куч-қувватимизни аямаймиз.

*Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,  
«Халқ бирлиги» жамоатчилиқ ҳаракати  
вилоят бўлими раиси*

## **ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ**

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон қайта туғилди, тарихимиз тикланди, ўзлгимизни англадик. Соҳибқирон Амир Темурга қайтиш — Ватанга қайтишимиз бўлса, муҳаддислар султони Имом ал-Бухорийга қайтиш — иймонга қайтишимиз бўлди.

Халқимиз келажақка катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Бунинг замирида бой тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз, адолатли жамият қуриш истаги, жонажон Ўзбекистонимизнинг табиий бойликлари, томирида улуг аждодлар қони жўш ураётган ёш авлод салоҳияти мужассамдир. Ўзбекистон мана шу асосга таяниб буюк келажак сари босқичма-босқич илдамлаб бормоқда. Бунда миллатлар ва фуқаролараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида эришган энг буюк, баҳоси йўқ ютуғимиз — юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик, миллатлараро тотувликдир. Инсониятнинг бир-бирига бўлган энг олийжаноб тилаги, истаги ҳам шу бўлса, ажаб эмас. Истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимизнинг барчасига юртимизнинг тинчлиги, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорлик асосида эришилганини бир лаҳза ҳам унутмаслик даркор.

«Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят бўлими истиқлол йилларидаги ўз фаолиятини айнан шу масалага қаратиб келмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида кенг халқ оммаси орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Вилоятимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг умуммиллий масалалар ечимида бир тану бир жон эканлигининг исботини қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, 1999 йил охирида Олий Мажлис ва 2000 йил бошида ўтказилган Президент сайловларида вилоятимиз халқининг фаол иштирок этганлиги, сайлов натижалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда уларнинг тўғридан-тўғри иштирок этаётганлиги, Юртимиз келажакига юксак ишонч билдираётганлиги ва Президентимиз билан яқдил эканлигини яққол намоён қилди.

Иккинчидан, вилоятимизнинг илғорликни қўлдан бермай келаятганлигининг, айниқса ўтган йили қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқларнинг энг асосий омилларида бири ҳам — халқимизнинг бирлиги, ҳамкорлиги ва тотувлигидир.

Учинчидан, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ҳам барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги намоён бўлди.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатида

таъкидланганидек «...фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриш ва янгилаш зарурлигига, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортиб бораётганлигига» ҳам кўришимиз мумкин.

Вилоятимизда истиқомат қилаётган барча мчлат ва элатларга яратилаётган тенг шароитлар айтиб ўтилган миллатлараро муносабатларнинг тамал тошидир. Булар қуйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда:

- раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қуйиш;
- таълим тизимига алоҳида эътибор қаратиш;
- спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш;
- маданий-маърифий ишлар;
- моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда бошқа

тадбирларда

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, истиқлол йиллари халқимиз учун галабалар ва ютуқлар даври бўлди, айна пайтда, ХХІ асрнинг ҳам ана шундай зафарларга бой бўлиши учун пухта замин яратилди. Дарҳақиқат, биз танлаган йўл — энг тўғри ва одил йўлдир. Вилоятимиз аҳолисини ташкил этувчи барча миллатлар жамиятимиз ҳаётини ислоҳ қилишда бундан кейин ҳам фаол иштирок этишларига ишончимиз комил.

*Усмонжон ШУКУРОВ,  
шоир*

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Қўшиқ бор: «Нимадан бошланар Ватан?»

Дейман: — У бошланар тоза юракдан!

Садоқат, жасорат, мардлик, поклигу

Адолат, муҳаббат, эзгу тилақдан!»

Қай бир қалбда Ватан туйғуси кучли бўлса, унинг соҳиби ватанпарвар бўлади!

Ватан қадри, салобати, меҳру муҳаббати мусофирликда билинади, дейдилар. Ёки яна «мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайди», деган нақл ҳам бор. Ўйланиб қоласан киши. Ватанни тушуниш учун, албатта, ундан узоқлашиш шартми?! Ўзбекнинг яна бир доно гапи бор: «*олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ*».

Ватан — бу қалбларимиздан, томирларимиздан оқиб турган, бутун борлигимизни анвойи гулларга, мумтоз қушларга тўддириб, гувиллаб оқаётган улкан бир дарё-ку! Поёнсиз ва теран денгиз-ку! Нега биз гоҳо уни пайқамаймиз, англаймиз. Дунёда молу дунёси бисёру, аммо Ватан гардига зор инсонлар қанча!

Ватансиз кимсага чексиз,  
Поёнсиз бу жаҳон тордир,  
Жаҳонда неча бир зотлар,  
Ватан туфроғига зордир.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Ўзбекистондай қадимий ва навқирон, тупроғи олтин, одамлари зукко, доно ва гўзал Ватанамиз бор.

Ватан ўзи нима? У маълум бир географик жойми? Уйми? Туғилиб ўсган қишлоғингми? Униб ўсган шаҳру вилоятингми? Ота-онангми? Тупроқ бўлиб, сени бошида, бутун вужудида кўтариб турган, ризқу рўз, паноҳ бераётган заминга айланган аждодаларинг хокими?

Озодлик, мустақиллик, ҳурлик, эркинлик, ору номус, деб бошини кундага қўйган, душман қилчига тик борган, зolim дорига мағрур нигоҳ қадаган жасур, гурурли ота-боболар, она-момоларимизнинг ҳали-ҳануз юракларимизда порлаб турган мағрур сиймосими, жаранглаб, ёвлар юракини зирқиратиб садо бераётган гуддурос овозларми!?

Беғубор гўдақлару болаларинг номуси, гурури, ҳуқуқи топталган қизу аёлларимизнинг оҳу ноалаларими?!?

У Навоийнинг мунгул, исёнкор ҳайқирғими?! Бобурнинг лахча-лахча чўғга айланган, ҳамон тоғлар, воҳаю водийлар оша алангаланиб, ёғду сочиб ёнаётган юрагининг соғинч учқунларими?!?

Буларнинг барчаси Ватандир! Ватан! Онамизнинг онаси! Жонимизнинг жавҳари! Кўзимизнинг нури! Қалбларимизнинг гурури!

Ватан қувончу изтироблар, орзу армонлар, висолу ҳижронларга тўла эзгуликлар карвонидир.

Ватан остонадан, ўзликни англашдан бошланади. Ватан чақалоқнинг илк бор «Она!», деган нидосидан бошланади.

Киши ўз уйини, остонасини қай даражада англаса, билса, севса, Ватанни ҳам шу даражада англаши, билиши, севиши шарт. Муҳаббати ва нафрати йўқ одамнинг Ватани бўлмайди. У ўзига, оиласига, ерига, ҳавосига, демакки, Ватанига бефарқ! Унга Ватан туйғуси ёт!

Истиқлол йилларини Муҳтарам Президентимиз томонидан «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», дея номланишида теран маънун уқаман. Назаримда, бундай номланишлар замирида Ватанни англаш, ўзликни англаш, Мустақилликнинг бутун моҳиятини тушуниш мужжасам.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз «*буюк тарих ва маданият юртининг фарзандларимиз!*» Президентимиз ўзининг «*Соғлом авлод тарбияси — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз*» номи нутқида «*азал-азалдан аждоғларимиз, ота-оналаримиз ўз фарзандларига ор-номусдан тарбия берганлар. Ақлини танитган ҳар бир ўзбек йигит-қизи ўзини ёруғ дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараган, вояга елказган улуғ зотларни бир умр бошига кўтаради, уларни ўз ҳолига қўйишни иснод деб билади. Тилимизда меҳр-оқибат, ор-номус, андиша каби таржимаси бошқа тилларда топилавермайдиган сўзлар мавжудлигининг ўзи халқимиз маънавияти нечоғли юксак эканидан далолат эмасми?!*» — дейди.

Ана шундай халқ фарзандимиз биз.

Миллий гоё — миллий мафкура, миллий қадриятлар заминида шаклланади. Бошқача айтганда, «*қозонда бори чўмичга чиқади*». Не бахтки, ўзбекнинг «қозони»да дунёга кўз-кўзлагулик, дунё ибрат олган, ҳануз ибрат олаётган юксак инсоний қадриятлари бор.

Муҳтарам Президентимиз Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилишида «*мустақиллигимизга, бугун кимлар ва нималар таҳдид соляпти, деган саволнинг жавобини ҳам тўла англаб олишимиз керак*», деган эди.

Баъзан ёшлар ёт оқимлар исканжасига тушиб, адашиб қолишмоқда. Бундай ёшлар ўз уйи, ота-онаси, киндик қони тўкилган ерни — «ўлан тўшак»нинг нималигини англаб

етмайдилар ёки англашни хоҳламайдилар. Бинобарин, улар ўзини, ўзлигини англамайди, билмайди. Ота-онани билмаган, тан олмаган кимсалардан қандай яхшилиқ чиқарди?

Уларга халқнинг доно гапини эслатиш ўринли: «*ўзга юртга шоҳ бўлгандан, ўз юртингга гадо бўл!*», «*ота-они рози — Худо рози*».

Ватанни англамаслик, унга хиёнат қилиш, қўл кўтариш, ҳақиқатдан ҳам иймоннинг сустиги, ғоявий ожизлик, худбинлик, нафс голиблиги, тарбиясизлик каби иллатлар натижасидир!

Аллоҳ ана шундай хатолардан асрасин!

Тани-жони соғ, ақли бугун инсон ота-онасини, Ватанини ҳар қандай шароитда бошига кўтаради. Бу бизга улуғ аждодларимиздан ўтган мерос!

Ватан, сен дилда оқувчи  
Амусан, сирли наҳримсан,  
Даҳоларга бешик бўлган  
Азиз қишлоғу шаҳримсан.  
Жароҳатлар тўла бағрим,  
Жасорат тўла фаҳримсан,  
Менга озоду хур, мағрур,  
Менга обод Ватан ёрдир,  
Менинг қалбимда шу гулшан,  
Қиёси йўқ, Ватан бордир!

Тўлқин САТИМОВ,

*Оммавий ахборот воситаларини демоқрашлаштириш  
ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси  
вилоят бўлимининг ижрочи раиси*

## ЭНГ АЗИЗ ВА ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

*Мустақиллик бизга нима берди?* Бу янги савол эмас ва, албатта, унинг жавоби ҳам янги бўлиши қийин. Чунки мана 10 йилдирки, у ёки бу маънода шу ҳақда баҳс юритиб келмоқдамиз. Бироқ

ишончимиз комилки, бу манзу ҳеч қачон эскирмайди ва ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Юқоридаги саволга ҳар ким ўз билими, тажрибаси, салоҳияти ва савиясидан келиб чиқиб жавоб бериши табиий. Баҳс сўзини шу маънода ишлатдим. Аслида мустақиллик ҳар қандай баҳс ва мунозараларга ўрин қолдирмайдиган, халқимизга Аллоҳ берган энг азиз ва энг улуғ неъматдир.

Хўш, шундай қилиб, мустақиллик бизга нима берди?

Мустақиллик халқимизнинг миллий-диний қадриятларини, уларнинг орасида энг каттаси, менимча, ҳар бир халқ учун бебаҳо бойлик бўлган ўзлигимизни қайтарди. Биз киммиз, кимнинг авлодимиз?, деган саволга энди қалбимиз тўла гурур билан биз ўзбекмиз ва аждодларимиз дунёдаги менман деган халқлар ҳавас қилса арзигулик улуғ инсонлардир, деб баралла жавоб бера оламиз. Бизнинг ал-Хоразмий, ал-Беруний, ат-Термизий, ал-Бухорий, ал-Фарғоний, ал-Марғилоний, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ бобокалонларимиз шунчалик кўп эканки, ҳар бир кунни уларнинг биттасига бағишлаймиз десак, йилнинг кунлари етмай қолади.

Мустақиллик қайтариб берган қадриятларимиздан яна бири, бу — она тилимиздир. Эсимдан чиқмайди, вилоят телерадиокомпаниясида ишлаётганимда бир куни ижодий жамоанинг йиғилишида ўтган хафтада берилган материаллар муҳокамаси кетар эди. Рус редакциясида ишлайдиган Ольга Самойлова деган ходимимиз дик этиб ўрнидан турди-ю, мен ҳеч нарса тушунмаяпман, ё русча гаплашинглар, ё мен чиқиб кетаман, деди. Ўзбекчани тушунмайдиган битта ходимни деб йиғилишни рус тилида олиб боришга мажбур бўлганмиз.

Ёки яна бир бошқа мисол келтирсам. Вилоят партия кўмитасининг катта мажлислар залида кенгайтирилган бюро мажлиси борар эди. Тошхон опа Ҳожикосимова минбарга чиқиб ахборотини ўзбекча бошлаб юборди. Мажлис ҳайъатидан русча гапиринг деган таклиф тушди. Опа яна ўзбекча давом эттирди. Шунда обкомнинг биринчи котиби *«Менга қаринг, сиз райком котибисиз, русча гапиринг»*, деб қаттиқ дашном берди. Русчани унча яхши билмаганлиги учун Тошхон опа хижолат чекди ва тезда сўзини якунлаб, минбардан тушиб кетди. Энг хунути, ўша вақтда катта бир раҳбар ўзбекча гапирса, ўзи ўзбек бўлганлигига

қарамай, ўзбекчани яхши билар экан-а, деб мақталарди.

Худога минг қатла шукур, энди барча идора ва маҳкамаларда она тилимизда гапирибгина қолмай, ҳужжатларни ҳам ўз тилимизда тўлдирмоқдамиз.

Истиқлол туфайли халқимизга қайтарилган кадриятларимиздан яна бири — динимиздир. Фалон ташкилотнинг катта раҳбари беш вақт намозни қанда қилмайди, дейишса ҳозир ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайди. Ҳолбуки диний эътиқод учун таъқиб қилиш шўролар даврида оддий ҳол эди. Ахир отасига ёки онасига жаноза ўқитгирди деб қанча-қанча раҳбарлар ўз лавозимларидан маҳрум бўлган эдилар-ку. Ёки ҳайит кунида намоз ўқиб қўйишмасин деб жойнамоз кўтарган кишиларни от миниб қувганларини кўрмаганмизми? Ёки бу эскилик сарқити, диний ақида деб рўза тутганларни сув ичириб рўзасини очишга мажбурлаш каби аҳмоқона ишлар қилинганлиги-чи?

Шу муносабат билан яна иккита воқеани ачишиб эслайман. Агар хато қилмасам, 1972 йил эди. Асакада шаҳар партия қўмитасининг котиби бўлиб ишлар эдим. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирини Нозимжон Сулаймонов деган ажойиб инсон 40 ёшида юрак хуружидан вафот этди. Кўпчилик бўлиб қабристонга олиб бориб қўйдик. Орадан кўп ўтмай вилоят партия қўмитасидан текширувчилар келишди. Маълум бўлишича, кимдир коммунист врачни дафн қилишда қабристонда диний маросим пайтида мулла қироат қилаётганда шаҳар партия қўмитасининг котиблари Солижон Содиқов ва Тўлқин Сатимовлар итоаткорона бош эгиб ўтиришди, деб ёзиб юборган экан.

Ёки бошқа бир мисол. Вилоят телерадиокомпаниясида раис эдим. Вилоят партия қўмитасига таклиф қилиб, ўлик чиқарилаётган хонадонларга бориб, хотинларнинг йиғисини магнитофонга ёзиб келасизлар, деб қолишди. Ўша вақтда Марказқўмнинг котиби бўлиб ишлаган опа хотинлар дафн маросимида нима деб йиғлашларини билгиси кепти эмиш. Мен азадор хонадонда ҳамма дод солиб йиғлаётганда репортёр билан кириб, микрофонни тутиб ёзиш бориб турган аҳмоқона иш эканини айтиб, унамадим. Бир иложини қилинлар, дейишди. Иложини қилишга мажбур бўлдик, битта туман



радиоташкилотчиси йиғичи хотинларни йўқ ўликнинг устида «йиғлатиб», магнит тасмасига ёзиб келиб берди. Бўлиб ўтган ўша воқеа Навоий бобомиз айтганидай, «кимса бормики анга кўрганда кулгу келмади» дейдиган, ҳеч қандай қолипга сиғмайдиган ҳодиса эди.

Шундай воқеаларни эслаб эканман, диний эътиқодга ҳурмат мамлакатимиз Конституциясида ва бошқа қонунлар билан аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган, дицдорларга эмин-эркин шароит яратиб берилган замонда айрим кимсалар динни, диний эътиқодни ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга, ёшларнинг онгини заҳарлашга уринаётганликлари ношукурликдан бошқа нарса эмас деб ўйлайман ва уларга пайғамбаримиз Расулulloҳнинг «*дунда жуда чуқурлашиб кетманлар. Сизлардан олдинги авлодлар дунда чуқурлашиб кетганликлари учун ҳалокатга учрадилар*», деган ҳадисини эслатгим келади.

Хулласи калом, мустақиллик туфайли халқимизга қайтарилган миллий-диний қадриятларимизни санаб адоғига етиш қийин. Юқорида шулардан иккитаси ҳақида тўхталдик, холос. Бизга ана шундай кенг имкониятлар яратиб берган мустақилликнинг қадрига етмайдиган нонкўрлик балосидан барчамизни Парвардигорнинг ўзи асрасин!

*Тўланбой ОРТИҚОВ,  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Андижон давлат университети*

## МИЛЛИЙ ҒОЯ МАЪРИФАТИ

Миллий истиқлол ғоясини ҳар бир фуқарога етказиш бугунги кунимизнинг долзарб вазифасидир. Миллий ғоя маърифати ҳал қилувчи мазмунга эга бўлгани учун ҳам биринчи даражалидир. Чунки маърифатсиз ғоя қуриган дарахтдир. Демак, ғоя ўз

маърифатидан сув ичади.

Миллий ғоянинг тарғиботчиси ўз сўзининг фидойиси бўлмаса, у тингловчиларни ишонтира олмайди. «*Ким табиб, бошидан ўтказган табиб*» деб бекорга айтмайди халқимиз. Миллий ғоя маърифатчиси ўз сўзларига ва ўз хулосаларига ўзи ишонмаса, тингловчиларда шубҳа уйғонишидан ташқари, мунофиқликка олиб боровчи йўлга тушиб қолади. Натижада у «*сўзи бошқа-иши бошқа*» кимсага айланиб қолади. Миллий ғоя тарғиботчиси биламли, зиёли бўлишдан ташқари жамиятнинг обрўли кишиси бўлиши керак экан.

Биз миллий ғояни амалга ошириш учун, баркамол авлодни шакллантириш учун маънавиятта суяниб иш олиб боришимиз керак бўлади. Маънавияти бой шахс иқтисодий, ижтимоий сиёсий мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Эркин фикрловчи одам шахс сифатида маънавиятни ва миллий ғояни тарғиб ҳам қилади. Миллий ғоя тарғиботчилари аввало ўзлари юксак маданият ва маънавият соҳиби бўлиши керак. Маънавияти саёз одам тарғиботчи бўла олмайди. Ватанпарварлик ва инсонпарварлик сифатлари маънавият тарғиботчисининг ажралмас қисмидир. Ғоя тарғиботчилари Ўзбекистон тарихини, динни, миллий қадриятларимизни ва жаҳон халқлари маданиятини яхши билган кишилар бўлса, тингловчилар қониқиб ҳосил қиладилар. Тарғиботчи давлатимиз сиёсатини, Президент асарларини, давлат тузилишини ва фуқаролик жамияти тамойилларини яхши тушуниб етган бўлиши керак.

Миллий ғояни тарғиб ва ташвиқ қилишда халқ таълими, тарбия ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Дарслик ва ўқув қўлланмаларига ҳам маънавиятни тарғиб қилувчи материаллар киритилиши зарур.

Мактаб, боғча, олийгоҳ, лицей, коллежлар, ишлаб чиқариш корхоналарида ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тарғиб қилувчи материаллар яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, боғчалардаги стенд ва ўйинчоқларда, содда кўринишда бўлса ҳам, миллий ғоя элементларини бериш мумкин. "Амир Темур – буюк бобомиз", "Улуғбек – юдузлар илмининг алломаси", "Алишер Навоий – она тилимизни яратган боқолашимиз", "Ҳумо – истиқлол ва озодлик тимсоли", "Истиқлол озодлик деганидир" каби сўزلардан фойдаланган боғча безаклари, фикримизча, катта самара беради.

Мактабларимиз дарсликлари муқоваларида, ўқувчилар дафтарлари ҳошияларида миллий ғояни тарғиб қилувчи материаллар, шеърлар, расмлар берилса, нур устига нур бўлар эди.

Масалан, алломаларнинг портретлари, Амир Темур ўғитлари, И.Каримов афоризмлари, ибратли иборалари, хорижликларнинг Ўзбекистон ва уни келажаги ҳақидаги фикрлари берилса, қандай яхши.

Олий ўқув юрғлари, лицей, коллежларда миллий ғоя ҳақидаги кўргазмалар воситалардан кўпроқ фойдаланиш керак. Мустақиллик дарслари, миллий ғоя дарслари, ижтимоий гуманигар фанлар ва давлат аттестацияси мантиқий эпистемологик (билдирувчи) тизимни ҳосил қилиши мақсадга мувофиқдир. Давра суҳбатлари, учрашувлар, иншолар кўриги, билимдонлар кўриги каби танловлар ўтказилиши юқоридаги маърифий ишнинг кемтикларини тўлдиради.

Миллий ғоя маърифатида оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениенинг мавқеи катта. Маънавиятга доир материаллар сифатига ва мазмунига кўп нарса боғлиқ.

Ижтимоий фанларни ўқитишда маънавий маърифатни бериш энг муҳим воситадир. Маданий қадриятлар мазмуни, структураси, илмий-назарий илдишлари ва мақсадини аниқ билиш миллий ғоя тарғиботчиси учун зарурдир.

*Одилжон ТОҲИРОВ,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент,  
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти*

## СОХТА ДАЪВОЛАРНИ ЧИППАККА ЧИҚАРГАН МАНБАЛАР

Халқимиз тарихида маънавият энг юксалган, маданият энг ривожланган даврларда ҳам дунёвий илмлар билан бирга диний

билимлар жамият юксалиши ва халқ бирлиги руҳини сақлаш учун хизмат қилиб келган. Шундай экан, инсон ва жамиятнинг маънавий покланишида диний эътиқоднинг туган урни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан ана шу эътиқод орқали ислом қадриятлари ва руҳий билимлар мағзи, эзгулик ва покликка даъват эгувчи ўғитлар одамлар дилидан жой олади.

«Биз — дейди И. Каримов, — мусулмончиликнинг улуғ мадания қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ игрок қила боргани сайин, халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покizarоқ бўла боради»<sup>1</sup>. Ислом дини мазмун моҳияти билан одамлар руҳиятини соғломлаштириш ва халқни бирлаштириш ҳамда уни қийинчиликларни енгиб ўтиб, олий мақсадларни амалга оширишга йўналтириш учун хизмат қилади.

Инсон маънавий камолотининг муҳим омилларидан бири — диний эътиқодга, мусулмон Шарқи учун эса ислом динига бориб тақалади. Ҳозир ер юзидаги 1 миллиард 300 миллиондан ортиқ мусулмон яшайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ислом оламида Қуръони каримдан кейинги иккинчи мўътабар манба — ҳадислар тўпламидир. Ҳадислар ҳақида сўз юритилганда, «шариф» сифати қўшиб ишлатилади. Унинг маъноси нима? «Шариф» арабча сўз бўлиб, шарафли, азиз, қадрли, деган маъноларни англатади. Ҳадиси шариф, деганда Пайғамбаримиз ҳаёти билан боғлиқлиги исботланган имончи ҳадислар кўзда тутилади. Қуръони каримни «Каломи шариф» деб ҳам атайдилар. Шунингдек, ислом дини равнақига қўшган хизматлари учун шариф унвонига сазовор бўлган Шом, Боғдод, Қуддус, Мазор, Бухоройи шариф каби шаҳарлар ҳам бор.<sup>2</sup>

Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Ибн Можжа каби муҳаддислар аксарият муаррихлар томонидан «олтин аср» деб эътироф қилинган даврда яшаб, фаолият кўрсатганлар. Уларнинг асарлари — «Кутуби ситта» («Олти китоб») номи билан бутун дунёда машҳур тўпламлардир.

Улуғ муҳаддислар орасида Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий биринчи ўринда туради, десак асло хато қилмаган бўламиз. Чунки Имом ал-Бухорийгача ўтган

муҳаддислар пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини саҳиҳ ё иғубҳали бўлишига эътибор бермай китобларга киритаверганлар.

Имом ал-Бухорий Муҳаммад алайҳиссаломнинг 600 минг ҳадисларини тўплаб, шулардан 300 мингини ёд олган. У тўрт жилдан иборат «ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» (бу асар «Саҳиҳи Бухорий» номи билан ҳам машҳур), яъни «Ишончли тўплам» номли китобида 7275 ҳадисни саҳиҳ деб далиллар асосида исботлаб берган.

Олимларнинг таъкидлашича, «ал-Жомийъ ас-саҳиҳ»да фикҳ, исломий маросимлар, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳақида, шунингдек, ўша давр тарихи ва элпунослигига оид маълумотлар бор. Ҳадисларда меҳру мурувват, мардлигу саховат, инсофу тавфиқ, адолату поклик тарғиб қилинган. Миллатчилигу маҳаллийчилик, ақидапарастлигу шухратпарастлик, таъмагирилигу худбинлик, фоҳишабозлигу ёлгончилик каби иллатлар қораланган.

Ҳадислардаги мана шу талабларга риоя қилишнинг ўзиёқ ижтимоий ҳаётимиздаги долзарб муаммоларнинг ечимини топишга, сиёсий онг, ахлоқий фазилатлар ҳамда миллий мафкура тамойилларини рўбга чиқаришга ёрдам бериши аниқ.

Шарқда, шу жумладан, ўзбек халқи маданиятида сиёсий онг, миллий мафкура анъаналари, демократик-ҳуқуқий тамойиллар ва тарғиботлар бўлмаган, деган тарихан асоссиз тасавурларни буюк муҳаддис аждодларимиздан қолган тўпламлар чиннакка чиқаради ҳамда шариат арконлари асосида исломдаги демократик тамойилларни кенг ёритиб, унинг талабу тақиқларида адолат, инсоф ва қонунийлик устувор эканлигини кўрсатади.<sup>3</sup> Ҳадисларга кўра, зўрлик-зулм йўли тўсилиб, бир томонлама беҳад бойиш ёки ниҳоятда қашшоқланишнинг олди олинган (рибоънинг тақиқланганлиги, байънинг ҳалол, яъни ҳалол ишбилармонликнинг рағбатлантирилганлиги ва ҳақозо). Исламда шариат инсон олдига оқилона тадбиркорлик ва ишбилармонлик қилишнинг кенг имкониятларини очиб берган ва рағбатлантириб турган.

Худди шунинг учун ҳам истиқлол йилларида муҳаддис алломалар фаолиятини илмий ўрганиш, саҳиҳ ишончли ҳадислар тўпламини нашр этиш бўйича республикамызда катта ишлар амалга оширилади. Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225

йиллигига, калом имнининг байроқдори Абу Мансур ал-Моғуридий таваллудининг 1130 йиллиги ва энг машҳур фикҳ олими Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган юбилейларнинг утказилиши миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтишига давлатимиз томонидан берилаётган катта эътиборнинг ёрқин намунаси.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Тошкент. «Ўзбекистон», 1995 й., 151-бет.

<sup>2</sup> Садриддин Салим Бухорий. «Табаррук зиёратгоҳлар» Тошкент. «Ёзувчи», 1993 й., 3-бет.

<sup>3</sup> Абдуқодир Зоҳидий. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Тошкент. 1993 й., 60-бет.

*Арофат КАРИМОВА,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент,  
Анджон давлат тиббиёт институти*

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ — ТАРБИЯ МАНБАИ

Энг қадимги тош битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримизда сақланаётган юз мингдан ортиқ қўлёзмаларда мужассам бўлган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, чорвачилик ва деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиздир. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашлари биз учун қўлланма ва асосий дастур ҳисобланади.

Маънавий меросимизни ўрганиш — миллий ғурур туйғулари анча сўниб, ўзлиги ва насл-насабини англолмай довдираб турли экстремистик оқимлар гўдасига тушиб қолаётган ёшларимизнинг қалбида аждодларга муносиб ворислик шамчирогини ёқиш,

уларнинг руҳига, онгига таъсир қилиш учун керақдир.

Улуғ аждодларимиз она заминни муқаддас билганлар, миллий анъаналаримизни асраб-авайлаб янги мазмун билан бойитганлар, уларни келгуси авлодга етказишга ҳаракат қилганлар. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси ҳаммамиз учун ибрат ва намунадир. Унинг қалби ва, умуман, бор вужуди ватанпарварлик, мустақиллик ва озодлик ғоялари билан сугорилган эди. У халқ ва Ватан дардида яшаб, унинг равнақи учун ўзини фидо этган эди: «Салтанат тўнини кийгач, — деб таъкидлаган эди Амир Темур — тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш, ҳузур-халоватимдан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб, фанимларимни синдирдим, амирлар исёнларини кўрдим. Улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабр-бардош билан ўзимни эшитмаган, кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отландим ва шу тариқа ном чиқардим». «Темур тузуклари» давлат бошқарув ишларида қўлланма ва дастурдир.

Буюк шоир ва саркарда Бобур Мирзо, Фурқат каби юзлаб аждодларимизнинг мероси бундай ибратли сабоқларга бой. Шу сабабли мустақилликка эришган илк кунлардан эътиборан, уларнинг мероси ўрганилмоқда, табарруқ руҳлари шод бўлмоқда. Мактаб, кўча ва институтларга уларнинг номлари берилмоқда.

Ўтган аср бошида Чор Россияси асоратига тушиб қолган халқимизнинг кўзини очишга, таназулга юз тутган ўлкани асоратдан қутқаришга ҳаракат қилган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий каби жадидчилик намояндаларини фахр билан тилга оламиз. Чунки улар ўз миллати, халқи учун мактаблар очиб, халқимизни ўз ҳақ-ҳуқуқини танишга даъват этганлар.

Ёшларни ахлоқли-одобли қилиб тарбиялашда халқимизнинг қадим-қадимдан амал қилиб келган ахлоқ-одоб фазилатлари бизга мерос қилиб қолдирган ахлоқий қарашлари, ривоятлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд каби бобокалонларимиз одоб-ахлоққа оид жуда кўп асарлар ёзиб қолдирганлар. Уларда ҳақиқий

инсонийлик фазилатлари баён этилган. Масалан, «Канз-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») асаарида айтилишича, инсон камолотдир, лекин у ана шу буюк номга эга бўлиш учун, аввало, инсоний, юксак ахлоқли бўлмоғи лозим. Инсон ҳаётида қувончли онлар ҳам, ғам-ғуссали онлар ҳам бўлади, бироқ ҳар қандай шароитда ҳам у ўзига ақл бериб қўйилганлигини унутмаслиги, ана шу ақл ёрдамида яшаши лозим. Аждодлар мероси ҳаммамизни жамиятнинг ана шундай тарбияли аъзолари бўлишга даъват қилади.

*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,  
филология фанлари доктори,  
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси*

## НАВОИЙ – ИЛМУ ИРФОН ҲОМИЙСИ

Мустақиллик йилларида Навоий ҳаёти ва фаолияти, унинг дунёқараши масалаларини янгича ёндашувлар асосида ўрганиш бошланди. Жумладан, Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро ва замондошлари билан муносабатлари янги ҳулосалар билан бойимоқда.

Маълумки, Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг бевосита ҳомийлигида риёзиёт, илми нужум, ҳандаса, мантиқ, фикҳ, илоҳиёт каби устувор илмларнинг ривожини билан бир қаторда, илми бадеъ, тарих, тилшунослик каби соҳаларда ҳам кўплаб асарлар яратилди. Алишер Навоий ҳар бир олимга, санъаткорга алоҳида эътибор берар ва ҳар бирининг оилавий шароитини яхшилаш учун ўз мол-мулкидан маблағлар ажратар эди. Албатта, бундай эҳсонлар юзлаб фан фидойиларининг шукроналарига, олқишларига боис бўлган ва улар улуг мутафаккирнинг ибратли хизматларини ўз асарларида қайд этиб кетганлар. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг ушбу хизматларини қадрлар, уни «салтанат тожининг гавҳари» деб эъзозлаб, олдингидан ҳам зиёда лутфу



инъомлар билан сарфароз этар эди. Алишер Навоий ўзи "Вақфия" асарида эътироф этганидек:

Элдин менга гарчи ғайри заҳмат йўқ эди,  
Лайб эрмас агар музд ила миннат йўқ эди.  
Эл бердилар, аммо менга рағбат йўқ эди,  
Шаҳ давлатидин буларга ҳожат йўқ эди.

Хусайн Бойқаронинг Алишер Навоий учун ажратган суюрғол ва ойлик маблағлари улуғ шоир томонидан илм аҳли шароитларини яхшилашга сарф бўлар ва толиби илмлар ҳамда бева-бечораларга садақа қилинарди.

ХУ асрнинг машҳур тарихнависларидан Гиёсиддин Хондамир Алишер Навоийни мадҳ эта туриб, "Вагарна манқабати офтоб маълум аст, чи ҳожатест ба машшота рўйи зеборо", яъни «қуёшнинг фазилатини таърифлашга ҳожат йўқ, гўзал чеҳрага эса ула-эликнинг кераги йўқ», деганда унинг тарих олдидаги хизматлари маълум ва машҳурлигини таъкидламоқчи бўлган бўлса керак. Давлатшоҳ Самарқандий ҳам ўз таъкирасида "Офтобли таърифлаш нодонлик аломати" дея Хондамирдан анича илгари Алишер Навоийга юксак баҳо берган ва унинг буюк ишлари кўламадан таъсирланган эди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийдек улуғ даҳо мавжудлиги ўлароқ, ХУ аср иккинчи ярми теурийлар салтанатида маданият юксалган, улкан иншоотлар қурилган, илм-фан, амалий санъат ва шеърят ривожланган. Алишер Навоий ўз замонасидаёқ илм-фан ҳомийси сифатида етти иқлимга машҳур бўлди. Уша давр олиму уламолари, фозилу фузалолари унга қасидалар бағишлаганлар ва ўз таълифотларида Амир Алишернинг ушбу фазилатларига далил келтириб ўтганлар. Хусусан, Хондамир Алишер Навоийнинг фазилатларига бағишлаб ёзган "Макорим ул-ахлоқ" асарида йигирмадан ортиқ муаллифлар номини келтирадики, улар ўз асарларини улуғ амирга бағишлаб, дебочасида ўзларига кўрсатилган маънавий ва моддий ёрдам учун Навоийга ташаккур билдириб, шеърини тарзда уни мадҳ этиб ўтган эканлар.

Шундай қасидалардан бири Навоийнинг замондоши Аҳлий Шерозий қаламига мансуб бўлиб, шу пайтгача номаълум эди. Яқинда ушбу шеърни топишга муяссар бўлдик.

Қўлимиздаги маснуъ қасида Амир Алишер номига мувашшаҳ

этилган бўлиб, 150 байтдан иборат. Қасида ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 2206 инвентар рақамли "Куллиёти Аҳлий Шерозий" девонининг охирига жойлаштирилган бўлиб, чиройли, нафис настаълиқ хатида кўчирилган.

Аҳлий қасидани ёзиб тугатгач, шахсан ўзи Ҳиротга келиб, Навоийга тақдим этган. Бу ҳақда Амин Аҳмад Розийнинг "Ҳафт иқлим" тазкирасида қайд этилган.

Қасида дебоचा билан зийнатланган. Унда қасиданинг Амир Алишерга бағишланганлиги ҳақида сўз юритилган:

*Бизг аз фароғи мутолаа ва мушоҳадаи саноеъи бадоеъи...қасидан маснуъ ки рақамзадаи килки латойиф шиёр, мазҳар-аш-шуаро Хожа...Салмон Соважи...батариқи татаббуъ иншо намуданг мувашшаҳ, ба алқоби шариф, бадаввуну ин синоаст ва хуружу ин бизоат, амири кабири олами адл, амир ул-умаро, малиҳо ал-фуза-ло, Мулоз ул-фуқаро, асад-ал-маорик, Шиблий ал-масолик аз омма-ислом ва-л-муслимин, низом ал-хақ ва-д-давла ва-д-дунё ва-д-дин Алишер. Байт:*

Онки нашъу намои гулшани даҳр,

Ҳама аз офтоби ҳиммати ўст.

Сурхрўйи-и фазл имрўз

Чун ақиқ, аз суҳайли давлати ўст.

(Шоирлар фахри Хожа Салмон Сожавийнинг латиф қўли билан ёзилган маснуъ қасидани мутолаа қилиб бўлгандан сўнг, татаббуъ қабилида одил оламнинг улуғ амири, амирлар амири, фозиллар малиҳоси, фақирлар пушטיפаноҳи, шери майдон, ислом ва муслимлар олами маслаклари Шиблийси, дин, дунё, давлат ва ҳақиқат низоми Амир Алишернинг шариф номига мувашшаҳ этиб ёзилди. Байт:

Улким, даҳр гулшанининг нашъу намоси, барча унинг ҳиммат офтоби нуридан баҳраманд. Бугун фазл аҳли юзининг ақиқ каби қизиллиги (руҳи бардам, бахтиёрлиги) унинг давлати суҳайлидандир (юлдузидандир)).

Қасида бир байтдан тўрт байтгача бўлган 69 банддан ёхуд қитъадан иборатдир. Ҳар банддан бир маснуъ байт истихрож қилинади, яъни чиқарилади. Бундай маснуъ байтлар сони 70 тага яқин.

Ушбу қасидани ҳар томонлама ўрганиш навоийшунослик ва шеършуносликка муҳим маълумотлар беришига шубҳа йўқ.

*Абдуҳамид НУРМОҲОВ,  
филология фанлари доктори, профессор,  
Андижон давлат университети*

## ЧЎЛПОН ВА ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

XIX аср охири — XX аср бошларида Марказий Осиёда чоризм зулмига қарши норозилик ҳаракатлари кучайди. Узоқ даврлар мудраб ётган халқ қўзғала бошлади. Тили, дини, эътиқоди, маънавий қадриятлари таҳқирланган халқнинг зиёлилари ҳаракатга келди.

1916-17 йилларда бир қанча сиёсий гуруҳлар, партиялар тузилди. Мудраб ётган халқни уйғотишни бош вазифа қилиб қўйган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитратлар етакчилик қилган «жадидлар» майдонга чиқдилар. Бу оқим Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари буюк адибларни ҳам ўзига бирлаштирди. Бир қатор газеталар нашр этилиб, ватанпарварлик, миллий ўз-ўзини англаш ғоялари тарғиб қилинди. Ана шундай газеталар орасида «Турк эли», «Турк сўзи», «Улуғ Туркистон» газеталари алоҳида ажралиб турар эди.

Жадидлар туркий халқларнинг ўтмишидаги маданий ва маънавий ҳаётдаги обрў-эътиборини тиклаш, бунинг учун янги типдаги мактабларни очиш, иқтидорли ёшларни Оврўподаги олий ўқув юр்தларига юбориш ва юксак фан ютуқларини эгаллаш орқали юртини озод ва обод қилишни ўз олдига эзгу мақсад қилиб қўйдилар.

Бу даврда адабий тил муаммоси ҳам муҳим масалалардан бири эди. Ўзбек мумтоз адабиёти тилида кўплаб арабий ва форсий сўзлар қўлланилар, булар кўпчилик учун тушунарсиз эди. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тилининг буздан кейинги тараққиёти қай йўсинда кетишини белгилаш зарурияти кўндаланг турар эди. Бир гуруҳ зиёлилар барча туркий тилларни бирлаштириш, умумтурк тилини барпо этиш ғоясини олға сурдилар. Бу ғояни биринчи бўлиб Исмоилбей Ғаспирали кўтариб чиқди ва ўзи

Богчасаройда нашр этадиган «Таржимон» газетаси орқали оммалаштира бошлади.

Чўлпон, Фитрат каби адиблар дастлаб ана шу пантуркистик гоёлар гирдобида бўлди. Шунинг учун уларнинг 1920 йилларгача бўлган асарларида татарча, туркча элементлар кўплаб учрайди. Аммо сал ўтмай туркийзабон халқларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос тил хусусиятлари борлигини, уларни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқлигини англадилар. Натижада Фитрат раҳбарлигидаги бир гуруҳ зиёлилар «Чигатой гурунги»га бирилашдилар. Ушбу ижтимоий-сиёсий оқим вакиллари ўзбек тилининг истиқболи учун, унинг имкониятларини кенгайтириш учун кураша бошладилар.

Чўлпон ҳам бу оқимни маъқуллади. Янги таълим тизимини, янги адабиётни, янги ўзбек адабий тилини шакллантириш жадидларнинг асосий мақсади эди. Бу ҳақда Чўлпон шундай ёзади: «Эски адабиёт билан янги адабиёт ўртасида қолгон шарқли ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин, янгиси яна ширин, ғарбники тагин ширин... Бизнинг ўзбеклар учун ҳали ҳозирча у хил чучмаллик йўқ. Нимага десангиз, ўзбеклар эскидан арабзагон, хафа, янгига эндигина суқилиб кирмоқда. У адабиёт майдонида янгилikka нисбатан ёшбола, гўдак, чақалоқ, эскиликка нисбатан етим, кимсасиз...»

Ўзбек адабий тилининг диалектал асоси масаласи ҳам энг чигал масалалардан эди. Бир гуруҳ Ғози олим Юнусов раҳбарлигидаги зиёлилар қипчоқ шевалари адабий тил учун таянч бўлиши лозимлиги, ўзбек адабий тили сингармонизмни ўзида намоён этиши кераклигини баён қилдилар. Тил сиёсатидаги бундай йўналиш Чўлпон асарларида ҳам ўз изини қолдирди. Масалан:

Кўклам... Ернинг тинч уйқуси бузулгон.

То қалбидан кучли ҳовур чўзилгон,

(«Табиат китобидан»).

Ўзбек адабий тилининг лексик таркибини ички имкониятлари асосида бойитиш мақсадида бир қатор диалектал сўзларни ҳам шеърий асарларида қўллади:

Энди ноз қилма  
Нозланиб кулма!

Бир яйраб ўпай!  
Шунга эсириб

Кел, лабимга кел!  
Бир озроқ эгил,

Руҳингга кириб  
Кўкламга етай.  
(«Куз гулига»)

Ёки: «Навоийнинг 500 йиллигини биз ҳам тегишли даражада тангана билан ўтказишга шу тобдан ҳозирлана бошлайлик» («500 йил»).

Ўз тирикчилигига оид китобида ўзи шундай ёзгондан кейин топғирқоб ҳайрон ёқасини ушлаб қолдим («Улуғ ҳиндий»).

Баъзан грамматик шаклларнинг тарихий вариантини олиб киради:

Учадир, учадир минг қабат кўхни,  
Бир бошдан сийпалаб ўтаверади.  
Зерикмай, эринмай кетаверади.

(«Мен шоирми?»)

Ёки: бир хил завқ — «нашъа» билан қалтирагон юрагим бутун танамни силкитадир ва қўлим ҳам шу орада енгилгина чайқалиб турадур («Улуғ ҳиндий»).

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг меъёрлари эндигина шаклланаётгани учун эга шахс билдирмайдиган сўзлардан ифодаланганда ҳам сонда кесим билан мослаштириш ҳолатлари учрайди:

Кўм-кўк экан, саргайдилар,  
Оғриқ, мағлуб, тутқун  
Шарқнинг юзидек.

Ёки:

Қушлар қочарлар,  
Ўлим даҳшат билан ҳар бир бўплиққа қучоқ очалар.

Лекин 20-йилларнинг бошларидаёқ Чўлпон, Фитрат, Қодирий асарлари орқали ҳозирги ўзбек адабий тили шаклланиб, сайқалланиб борганлигининг гувоҳи бўламыз.

Масалан:

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман.  
Ўйнаган бошқалар, интраган менман.  
Эрк эртақларини эпиттан бошқа,  
Қуллик қўшиғини тинглаган менман.

(«Мен ва бошқалар»)

Шунингдек, «Бошқармага хат», «Катта мактаб эгаси»,

«Устоднинг хислатлари» сингари публицистик асарларининг тили лексик, грамматик жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тилига тўла мувофиқ келади. Бу эса ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишида Чўлпоннинг ўрни бениҳоя катта эканлигидан далолат беради.

Шунинг учун, ҳатто Чўлпоннинг ашаддий душманлари ҳам унинг тили гоят жозибадор, содда, таъсирчан эканлигига тан берадилар ва ҳозирги ўзбек адабий тилининг намунаси эканлигини эътироф этадилар.

*Дилшодбек ЮСУПОВ,  
Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи раҳбари  
ўринбосари*

## АНДИЖОН АМАЛИЙ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ҳар бир халқ уз мустақиллиги, озодлиги учун, уз миллий қадриятлари, урф-одатларини сақлаб қолиш йўлида ҳамиша курашиб келган.

Миллий қадриятларни эъзозлаш «миллатчилик» деб қораланган пайтларда ҳам, «социалистик реализм» мафкураси байроғини юқори кўтарган даврларда ҳам миллий маданиятимизнинг жуда кўп тармоқларида миллий қадриятларнинг гоҳ ошкора, гоҳ яширин оҳангларда куйланганини шоҳиди бўлганмиз.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг ўзлигини ифода этувчи буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни, маънавий бойлигимизни ошкора ўрганиш имкониятига, ўзининг беқиёс илмий, адабий асарлари дунё аҳлига ибрат бўларли инсоний фазилатлари, жаҳон тарихи ва маданияти равнақиға кўшган беназир ҳиссалари билан маълум ва машҳур бўлган

бобокалонларимиз фаолиятини тадқиқ қилишга, уларнинг муборак таваллуд айёмларини кенг нишонлашга муяссар бўлдик.

Андижон вилоятининг ўтган 10 йил давомидаги маданий ҳаётини, хусусан, халқ амалий ва тасвирий санъатини таҳлил қиладиган бўлсак, айнан миллий қадриятларимизни эъзозлаш, қадимий анъаналаримизни давом эттириш ва ривожлантириш, буюк аждодларимиз руҳини абадийлаштириш мавзулари асосий ўрин тутганлигининг гувоҳи бўламиз.

Анъана ва аждодлар руҳияти, айниқса, кулоллик санъатида кенг намоён бўлди. 1995 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишланган «Устоз-шоғирд. Барҳаёт анъаналар» республика ҳунармандлари ярмаркасида вилоятимиздан 20га яқин ҳунарманд иштирок этиб, Андижон кулоллик мактабининг етук вакили Мирзабахром Абдуваҳобов халқаро сергификат ва пул мукофоти билан тақдирланган бўлса, гилам тўқувчи Дуюмхон Мусурмонқулова ва соз устаси Абдумалик Мадраимовлар айнан авлодлар анъанасини сақлаб қолиш ва қайта тиклашдаги хизматлари учун қимматли совғалар билан тақдирландилар.

Муҳаммадали Ҳайдаров, Қутбиддин Турдиев, Абдуманноб Акбаралиевлар ижоди Андижон кулоллигининг яна бир ўзига хос саҳифасини ташкил қилади.

Миллий каштачилик санъатини Андижон дўппиларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. «Қалин», «Инжиқ», «Сетара» деб номланувчи бу дўппилар республикамиздан ташқари, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам тарқалган. Дўппилар ўзбек халқининг миллий ифтихори, рамзий ифодаси ҳисобланади.

Андижон мистарлари нақшсиз бетакрор ва нафис шакл ясашда моҳир бўлганлар. Ўзларининг гўзал обдаста, чилобчин, кўза, чойдиш коса ва пиёлалари билан Исмоилхон Қўчқоров мистарлик санъати анъанасининг республикамиздаги саноқли ва моҳир давомчиларидан бири ҳисобланади.

Қорасув ва Шаҳрихон пичоқларининг довуғи бугун етти иқлимга кетган. Улар ўта кескирлиги, бетакрор шакли, ўзига хос бадиий беазаги, шу услуби билан Қўқон, Хива, Чуст, Бухоро, Ургут каби республикадаги машҳур пичоқсозлик мактаблари билан бир сафда туради.

Бугунги Қорасув пичоқлари Асқаров Бакиржон ва унинг шоғирдлари номи билан боғлиқ бўлса, мингдан ортиқ усталар

фаолият кўрсатаётган 200 йиллик тарихга эга анъанавий Шаҳрихон пичоқсозлиги мисли кўрилмаган ривожланиш поғонасига етди. Ака-ука Нўмонжон, Раҳматхўжа ва Полвонхўжа Алихўжаевлар, Содиқжон Неъматов каби усталар ясаган пичоқлар, ханжару қиличлар, уларнинг кумуш, мелхиор, мисдан тайёрланган нақшинкор қинлари қадимий анъаналаримизнинг давомийлиги, ўзига хос ривожининг намунасидир. Оддий пичоқлар совғабоп ёдгорлик буюмига, амалий санъат асари даражасига етиб, халқаро кўرғазмалардан ўрин олмоқда.

Истиқлол туфайли камол топган хунармандчиликнинг яна бир тури миллий мусикий асбобсозлиқдир. Бу соҳада уста Абдусаттор Раҳимов ва Камолиддин Исомиддиновлар самарали ижод қилиб келаётган бўлса, уста Абдумалик Мадраимовнинг XV-XVI аср қадимий созлари асосида қайта тиклаган «Дилнаво», «Дилрабо», «Мерос», «Ғижжаки Бобурий» каби ўзига хос оҳанг ва бадиий шаклга эга мусикий асбоблари аждодларимиз руҳини эъвозлаш, унут бўлган миллий қадриятларнинг қайта тугилиши бўлди.

Тасвирий ҳамда амалий санъат хусусиятларини ўзида уйғунлаштирган gobелен санъати нафақат миллий қадриятлар балки, умуминсоний қадриятлар кўлами билан ўлчанади. Ғарб санъатига хос бўлган бу санъат тури андижонлик мусаввир Абдуллажон Жўрабоев ижодида мусаффо ҳавога тўйинган серқуёш ва ёрқин ранглар уйғунлигида шаклан ва мазмунан шарқона руҳият касб этди. Уларда гўзаллик, ёшлик, миллий урф-одатлар, мустақиллик мавзулари билан бирга Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий каби буюк шахслар сиймолари ўз ифодасини топди.

Мустақиллик йилларидаги тасвирий санъат энг аввал услуб жиҳатидан ижодий эркинлик билан ажралиб турса, мавзу ва мазмунда, асосан, буюк аждодларимиз тимсоллари тасвирланди.

Айниқса, ҳайкалтарош Абдурашид Сулаймонов томонидан 1980 йиллар бошида тайёрланган ва давр сиёсати тўқмоқларига дуч келиб, «зиндонбанд этилган» Бобур ҳайкалининг 1991 йилда «Бобур ёдгорлик музейи» саҳнига қўйилишини миллий қадриятларимизнинг дастлабки тантанаси дея эътироф этиш мумкин.

Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан Андижоннинг Марказий майдонига ҳайкалтарош Жалолиддин Миртожиев



томонидан қўйилган шоир ва давлат арбобининг маҳобатли отлик ҳайкали ўзига хос бадийий ечимли, тасвирий рамзий ифодаси билан маданий меросимизга ўрнатилган дастлабки ёдгорликлардан бири бўлди. Бугун бу майдон Бобур номи билан юритилади.

Бугунги кунда избосканлик ёғоч ўймақори Ўзбекистон халқ устаси Йўлбарс Ўтагановни ёғоч ўймақорлик санъатининг асосчиларидан бири, қолаверса, Андижондаги Чўлпон музейи, Самарқандаги Имом ал-Бухорий ҳамда Тошкентдаги «Хотира» майдони меъморий мажмуаларидаги нақшинкор эшик ва устунларнинг муаллифларидан бири сифатида машҳур бўлдилар.

Андижонда миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни, маданий ва маънавий меросимизни ўрганиб, эъзозлаб уни қайта шаклланишида Бобур халқаро экспедицияси, «Олтин мерос» жамғармаси, ўлкашунослик музейи, ўз таркибида адабиёт, санъат, Чўлпон ва Бобур ёдгорлик музейи ҳамда қадимий қўлёмалар бўлимларини бирлаштирган адабиёт ва санъат музейи, халқ амалий ва тасвирий санъати ассоциацияси, маънавият ва маърифат маркази, «Ҳунарманд» уюшмаларининг ўрни беқиёсдир.

Улар кечаги миллий анъана ва қадриятларимизни эртанги авлодга етказувчи кўприқ бўлиб хизмат қилади ва бу кўприкнинг мустаҳкам асосга қурилаётганига асло шубҳамиз йўқ.

*Мавлонбек НУРМАТОВ,  
Андижон вилояти ўлкашунослик музейи раҳбари*

## МУЗЕЙЛАР — ВАТАН КЎЗГУСИ

«Мозий»-музей — истиқболимиз тарозисидир!  
Маҳмудхўжа Бехбудий

Юртдошларимизни вилоятимизнинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти ва келажаги, айниқса, мустақилликнинг 10 йиллиги даврида қўлга киритилган ютуқлар билан таништиришда вилоят ўлкашунослик

музейининг алоҳида ўрни бор. Унга 1934 йили қишлоқ хўжалик кўرғазмаси базасида асос солинган. Кейинчалик йиллар ўтиши билан ундаги экспонатлар сони ҳам, ишловчи ходимлар сони ҳам ортиб борди. Айни вақтда туманларда ҳам тарихий ўлкашунослик музейлари ташкил этилди. Асака, Шаҳрихон, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Улуғнор, Булоқбоши ва Жалолқудуқ туманларида ташкил этилган бундай музейлар аҳолига, айниқса, ёшларга халқимизнинг миллий-диний қадриятлари ҳақида ҳар томонлама маълумот бериб келмоқда.

Барча юртдошларимиз сингари, музей ходимлари ҳам мустақил юрт тарихини ёритишдек фахрли ишга муяссар бўлганликларидан тўлқинланиб, бу йиллар давомида халқимизга қайтарилган миллий-диний қадриятларимиз ҳақида кенг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида туркум тадбирларни амалга ошириб бормоқдалар.

1992 йилдан то ҳозирги кунгача барча турдаги аҳоли қатламига, айниқса ёшларга, Андижон шаҳридаги 5-ўрта мактаб 9-синф ўқувчиларига «Дукчи Эшон», «Андижон кўзғолони» мавзусини ўқишда музей экспонатлари асосида очиқ дарслар ўтилди. Бунда ўқувчи ёшларга уларнинг онги ва тафаккурига мустақиллик қанчалар қийин қўлга киритилганлигини тушунтирилади. Ватан, ватанпарварлик тўғрисида алоҳида мунозаралар, баҳслар ташкил этилди.

Ҳозир музей ходимлари мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган «Андижон-мустақиллик йилларида», деб номланувчи кўрғазмани янги экспонатлар билан бойитиб бормоқдалар. Унда Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига қарши олиб борилган курашларга раҳбарлик қилган Абдураҳмон Офтобачи, Исо Авлиё, Дукчи Эшон ҳаёти ва фаолияти ишончли ҳужжатлар ва фотосуратлар ёрдамида илк бор ёритилган.

Худди шунингдек, музей ва уни шохобчаларида маданий-маърифий ишларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Халқ байрамлари ва умуминсоний қадриятларга, касб байрамларига бағишлаб Андижон аҳолиси ва ўқувчи ёшлар билан учрашув,

давра суҳбатлари, ўтқир зеҳнлилар беллашувлари мунтазам ўтказиб борилмоқда:

- Наврўз — умумхалқ байрами кўرғазмаси;
- Рамазон ва Қурбон ҳайитларига бағишланган кўрғазма;
- «Мустақиллигимиз ёғдуси» — Конституциямизнинг қабул қилинган кунига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатлари;
- вилоят мусаввирлари билан ҳамкорликда ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашга қаратилган тасвирий санъат кўрғазмаси.

Биз ўрта махсус ва ўрта мактаблар билан шартномалар асосида иш олиб боришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Шу боис музейга ташриф буюрувчи ўқувчи ёшлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2001 йилда музейга келган 128560 нафар томошабиннинг аксариятини ўқувчи ёшлар ташкил қилади.

«Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод» йилларига бағишлаб ўтказилган кўчма кўрғазма ва учрашувлар ҳақидаги ахборотлар республика оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги 618-сонли «Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (вилоят ҳокимининг 1995 йил 16 январдаги 15-К қарори), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 12 январдаги Фармони музейлар фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳуқуқий ва молиявий замин яратиб берди. Музейларнинг жамиятимиздаги ролини ошириш борасидаги бундай савобли ишлардан илҳомланган музейимиз ходимлари турли ташкилотларда кўчма кўрғазмалар ташкил этиб, *«тарих — миллат тарбиячиси»* бўлса, музейлар тарихимиз ва маданиятимиз кўзгуси эканлигини намоён этмоқдалар. Ишончимиз комилки, ватанпарварлик — ўз ўлка тарихини ўрганишдан бошланади.

## МУНДАРИЖА

З. МУНАВВАРОВ. Сўз боши урнида .....	3
Р. ТИЛЛАБОЕВ. Миллий ғурур – миллат виждони .....	7
Ҳ. БЎТАБОЕВ. Улуғ алломалар ва азиз авлиёлар юрти .....	12
С. ШОКАРИМОВ, М. ИСМОНОВ. Фарғона водийсининг уч буюк фарзанди .....	16
Н. ЖАББОРОВ. Бобур ва ислом ҳуқуқшунослиги .....	20
М. НАЗАРОВ. Миллий-диний қадриятлар–ислоҳотлар пойдевори .....	26
З. ЎТАНОВА. Миллий-диний қадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти .....	28
Т. АБДУЛЛАЕВ. Ҳадислар ва миллий истиқлол мафқураси ....	31
К. ЮНУСОВ, М. ОРТИҚОВА. Миллий ғоя ва огоҳлик – мафқуравий таҳдидга қарши кураш омили .....	35
А. НУРМАТОВ. Умуммиллий хавфсизлик тушунчасининг серқирралиги: диний хавфсизлик .....	38
К. МАМАТОВ. Миллий-диний қадриятлар тикланишининг қонуний асослари .....	43
Ш. ШОДМОНХЎЖА ЎҒЛИ. Қуръондаги бир истилоҳ талқини ...	46
А. ТЎХТАСИНОВ. Ҳаж сабоқлари .....	50
А. АБДУЛЛАЕВ. Ака-укалик оқибати ёки силаи раҳм ҳақида .....	57
Л. ХЎЖАЕВА, Г. ҚОБУЛЖОНОВА, М. ҚЎЗИБОЕВА, М. ОХУНОВА. Ислом ва инсон камолоти .....	62
О. САЛОҲИДДИНОВ. Миллий удум ва қадриятларимизни тиклаш – бугунги кун талаби .....	64
К. НАЖМИДДИНОВ. Дин ва шахс .....	66
Қ. КЕНЖА. Ортингизга қарайверманг.....	68
Қ. АЛИМОВ. Миллатлараро тотувлик – тараққиёт гарови ....	71
А. ТЎХТАБОЕВ. Ҳамкорлик ва ҳамжидатлик – келажак пойдевори .	73
У. ШУКУРОВ. Ватан туйғуси .....	75
Т. САТИМОВ. Энг азиз ва энг улуғ неъмат .....	78
Т. ОРТИҚОВ. Миллий ғоя маърифати .....	81
О.ТОҲИРОВ. Сохта даъволарни чипшакка чиқарган манбалар ...	83
А. КАРИМОВА. Аждодлар мероси – тарбия манбаи .....	86
Ш. СИРОЖИДДИНОВ. Навоий – илму ирфон ҳомийси .....	88
А. НУРМОНОВ. Чўлпон ва ҳозирги ўзбек адабий тили .....	91
Д. ЮСУПОВ. Андижон амалий ва тасвирий санъатида миллий қадриятлар .....	96
М. НУРМАТОВ. Музейлар – ватан кўзгуси .....	97